Меҳнат бозорида мутахассисга қўйиладиган талаблар мазмуни янги компетенциялар билан бойиб боради. Профессионал таълимни компетенцияларга асосланган амалий таълимга, яъни дуал таълимга йўналтириш масаласи янада долзарб бўлиб боради. Дуал таълимни амалга ошириш, яқин келажақда, профессионал таълим мазмунида инновацион жараёнларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан замонавий мутахассис касбий таълимдининг сифат хусусиятларини аниқлаш зарурати туғилди. Афсуски, ҳар доим ҳам профессионал таълим муассасалари битирувчиларнинг амалий ва назарий таёргарлиги, ушбу соҳа мутахассисига қўйиладиган талабларга жавоб бера олмайди. Бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлилиги турланган назарий билим ва амалий кўникмаларни қўллаш ва етказиб бериш кўникмасидан иборат бўлибгина қолмай, ўз касбий фаолиятини мустақил равишда режалаштириш, тушуниш, акс эттиришни амалга ошириш қобилиятидан ташкил топади.

"Дуал" тушунчаси иккилик деган маънени билдиради ва унинг асосий элементларидан бири корхона бўлса, иккинчиси професионал таълим муассасаси (касб-хунар мактаби, коллеж, техникум) ҳисобланади. Корхона ва професионал таълим муассасаси ҳамкорликда касб-хунар таълими жараёнини таъминлайди. Корхона ва професионал таълим муассасаси жойлашган жойи ва ишлаш вақти турли хил бўлса-да, бир-бири билан ҳамкорлик қиласди.

Дуал тизим, ҳатто ўзини оқлаган бўлса ҳам, уни камдан кам мамлакатларда учратиш мумкин. У касб-хунар таълимдининг бир неча ўқитиш жойлари (касб-хунар мактаби, коллеж, техникум ва касб-хунар таълими берувчи корхоналар)га бўлинганилиги билан характерланади ва баъзида корхоналараро ўқув марказига юборилади. Касб-хунар мактаби, коллеж, техникум маҳсус назарий ва умумий таълимни беради. Улар аниқ бирор-бир касбга боғлиқ фанларни, умумий касбий фанларни ёки сиёсий ва умумтаълим фанларини ўқитади. Вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режага асосланган ҳолда ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ўқув режасини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш корхонасида, яъни иш жойидаги таълим амалий касб-хунар таълим мини беради. Корхоналараро ва корхона ичидаги ўқув марказида қисман таълим курслари ўтказилади.

Корхона ва касб-хунар мактаби, коллеж, техникумдин вазифалари қўйидагича тақсимланган: корхона амалий кўникмаларни ўргатишига, касб-хунар мактаби, коллеж, техникумда эса назарий билимларни беришга масъул. Реал ҳаётда корхона назарий машғулотларни ҳам ўтказади, касб-хунар мактаби, коллеж, техникумларда эса назарий машғулотларга қўшимча равишда амалий машғулотлар ҳам ўтказилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дуал тизимида бир-бирини тақрорлаш ўрнига, бир-бирини тўлдириб бориш жуда муҳимдир.

Дуал таълимда ўқувчи назарий машғулотларда нимани ўрганса, шуни амалий

Қуийдаги жадвалда анъанавий таълим тизими ва дуал таълим тизимига йўналтирилган ёндашувларнинг қиёсий тавсиғи келтирилган

№	Таълим жараёни элементлари	Анъанавий таълим тизими	Дуал таълим тизими
1	Мақсадлар	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган	Дуал таълим бўйича компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган
2	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)	Давлат таълим стандартини амалга оширади	Касбий-таълимий-амалий ва ишлаб чиқариш дастурларни ўзлаштиришга қаратилган ҳамкорлик йўналиши
3	Таълимни ташкил этиш шакллари	Ўқув соатлари хажмининг аудиторияда 60%, аудиториядан ташқари 40% миқдорда ташкил этилиши	Ишлаб чиқариш ва амалиёт жараёнида ишлашни ташкил этиш, жуфтлиқда, кичик гуруҳларда (7+2) ва катта гуруҳларда (25) ишлаш
4	Педагогик жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш методлари	Ўқитишнинг синф-дарс тизими доирасидаги анъанавий методлар	Ҳамкорлик, ишлаб чиқариш, дуал таълим тизими бўйича компетентли ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар
5	Педагогларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Насиҳатгўй”, “ахборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Ҳамкор”, “раҳбар”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи”
6	Таълим олувчи-ларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратувчи”
7	Таълим муассасасини бошқариш тузилмаси	Тузилма таълим муассасаси фаолиятини юритишга йўналтирилган	Тузилма таълим муассасасини инновацион ҳамкорлиқда ривожлантиришга йўналтирилган
8	Таълимни ривожлантириш технологияларини қўллаш	Таълим технологиялари билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қиласи	Амалий фаолиятда лаёқатлилик ва бир вазиятдан бошқа вазиятга ўтишда ижодий ёндаша олиш, ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш компетентлиги ривожланиди
9	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини текширишга йўналтирилган	Мутахассис ва ишлаб чиқариш ходимларининг касбий ва шахсий сифатлари ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган

машғулотларда қўллай олиши лозим. Ўқувчи амалий жараёнларни кўриши етарли эмас, ўқувчи ўрганган билим ва кўникуларини вазифа ва машқларда ҳам қўллай олиши лозим.

Дуал таълим тизими асосан қуийдаги жойларда:

- корхонада;
- давлат ташкилотлари ва идораларида;
- эркин касблар бўйича муассасаларда (мисол учун: шифохоналарда, адво-

катлар идорасида, архитектура бўлимларида);

- таълим муассасаларида ва махсус мактабларда, шунингдек, ишлаб чиқариш таълимни усталарини тайёрлаш мактабларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўтказилади.

Дуал таълимнинг асосий мақсадлари қуийдагилар ҳисобланади:

- ўқувчи танлаган касбининг асосларини ўрганиши;

- ўқувчи касбий фаолиятига зарур бўлган муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштириши;
- ўқувчи ўз касбий фаолиятида ишлаш лаёқатига эга бўлиши;
- ўқувчи таълим олиш давомида иш тажрибаларини тўплаши.

Таълимнинг янги тизими асосий таълим усули сифатида муаммоли мuloқot усулидан фойдаланади. У ижодий хусусиятга эга бўлиб, нафақат билим бериш, балки улардан фойдаланишга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Айнан мана шу сабабли амалий иш таълим олишнинг муҳим инъикоси бўлиб хизмат қиласди.

Келтирилган тавсифларни таҳлил этиш натижасида таълимга дуал таълим тизими-га хос компетентли ёндашувнинг вужудга келиш шарт-шароитларини аниқлаб олиш мумкин:

- билимлар изланиш ва фикрлаш, бажара олиш фаолияtlари, ижод жараёни маҳсулни сифатида турли хил шаклларда тизими-ли, ҳамкорликда, назария билан амалиёт умумлаштирилган ҳолда берилади;
- педагог “бошқарувчи”, “ҳамкор” сифатида намоён бўлади, яъни ҳамкорлик қилиш, демократик равишда таъсир ўтка-зиш, ёрдам бериш, руҳлантириш, талаба-

нинг шахсий ташабbusларига эътиборли бўлиш, унинг шахсини ривожлантиришга интилиш позициясини эгаллайди;

– профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан фаол ҳамкорлик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро масъулият-лилик муҳитини яратишга йўналтирилган;

– таълим олувчилар учун таълим ва тарбияни ташкил этишнинг гурухли шакллари орқали шахслараро муносабатлар ва мuloқotning хилма-хил шаклларини амалий равишда ўзлаштиришлари, ҳамкорликда ишлаш ва ижод қилиш қувончини ҳисэтишлари учун шарт-шароитлар яратилади;

– ҳаракат ва хулқ-атворларнинг олдиндан белгилаб қўйилган намунасига мослигини баҳолашдан воз кечиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимининг барча таркибий унсурлари изчиллиги, ўқитишдаги турли шакл ва турларининг ўзаро бир-бирини тўлдиришини назарда тутади. Дуал таълимни амалга оширишда юқорида келтирилган таълим турларининг барчасида бевосита ёки билвосита қўллаш имкониятлари назарда тутилган. Бу таълим имкониятларидан муқобил фойдаланиш бўлажак мутахассисларнинг ҳаёт давомида таълим олишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашурова С.Ю. Коллеж ўқувчиларини амалий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик тизими. Касб-хунар таълими. Журнал. Тошкент.: 2017. - № 4. – В. 4-8.
2. R.K.Choriev. Pedagogical technologies in dual training model // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 1, 2020 ISSN 2056-5852/3-66 pages.
3. R.K.Choriev. Formation of professional competencies of high-tech industry specialists in dual education.// European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences (EJRRES). Volume 8 Number 4, 2020 Part II ISSN 2056-5852. 112-114. pages
4. Фаляхов И.И. Научно-методическое обеспечение подготовки наставников для дуального обучения студентов колледжей: автореф. дис. ... канд. пед. наук / Фаляхов Ирек Ильхамович. – Казань, 2018. – 26 с. 10.
5. Федотова Г.А. Развитие дуальной формы профессионального образования: опыт ФРГ и России: автореф. дис. ... д-ра пед. наук / Федотова Галина Анатольевна. – М., 2002. – 32 с. 11.
6. Шувалова М.А. Организация практического обучения техников высокотехнологичной отрасли в условиях дуального образования: методическое пособие / М.А. Шувалова. – Красноярск, 2015. – 112 с.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.М.Холмухамедов

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти директори,
педагогика фанлари доктори, доцент

Н.Б.Юсупов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти директор ўринбосари,
мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мазкур мақолада профессионал таълимда талаба-ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш ва бу бўйича амалга оширилаётган ишлар, ушбу соҳани тартибга соловчи ҳуқуқий асослар, касбий фаолиятни шакллантириш бўйича ёндашувлар, шунингдек, таълим сифатини таъминлаш, сифатли таълимни амалга оширишда назорат шакллари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, касбий фаолият, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, касбга йўналтирувчи ёндашув, фаолиятли ёндашув, таълим сифатини таъминлаш, ички ва ташқи назорат.


Аннотация: В данной статье рассматривается подготовка студентов к профессиональной деятельности в сфере профессионального образования и проводимая в этом направлении работа, правовые основы, регулирующие эту сферу, подходы к формированию профессиональной деятельности, а также обеспечению качества образования, качественного образования.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональная деятельность, производство и услуга, профессиональный подход, активный подход, обеспечение качества образования, внутренний и внешний контроль.

Abstract. This article discusses the preparation of students for professional activities in the field of vocational education and the work carried out in this direction, the legal framework regulating this area, approaches to the formation of professional activities, as well as ensuring the quality of education, quality education. Let's talk about forms of control in the implementation of knowledge.

Key words: vocational education, professional activity, production and service, professional approach, active approach, ensuring the quality of education, internal and external control.

Бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш орқали касбий фаолиятга йўналтириш ҳамда уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир. Барчамизга маълумки, XXI асрда кечеётган глобал ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, дунёning ғоявий-мағкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу эса таълим тизимида туб ислоҳотлар



ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ
НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ



TO READ THE ARTICLE
IN ENGLISH

қилишни талаб этаяпти десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда касб-ҳунар мактаблари, колледжлар ва техникумларнинг моддий-техник базаси мустаҳкам-

ланиб, таълим сифати юқори босқичга кўтарилиб борилаётган бир вақтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизими ҳам йўлга қўйилиб, давр талабига мос кадрлар тайёрлаш ва уларни касбий фолиятга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасида Узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарорига мувофиқ, профессионал таълим шахснинг ҳаёти давомида касбий ривожланиш ва сифатли таълим олишини таъминлашга хизмат қиладиган таълим тармоғи ҳисобланади.

Профессионал таълим муассасалари бошқарув ҳамда педагог кадрларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз янгилаб бориш механизmlарини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ профессионал таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни амалга оширишнинг асосини ташкил этади. Профессионал таълим тизимининг мақсади ва талаби — профессионал таълим муассасаларида ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур билим ва кўникмага эга бўлиши шартлигидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 700 дан зиёд профессионал таълим муассасалари ўқувчиларни касбга йўналтириш, сифатли кадрлар тайёрлаш ишларини амалга оширмоқда. Унда таҳсил олаётган ўқувчи-талabalар таълим олиши билан биргалиқда ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида амалиёт ўташи орқали тегишли касб бўйича малака талаблари ва тажрибаларини мукаммал ўзлаштиromoқда.

Профессионал таълим муассасаларида ўқитиши профессионал таълим тизимининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан ўза-

ро ҳамкорлиги асосида қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг корхоналарда тизимли асосда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шарт-шароитлар яратиш, иш берувчиларни ўқув жараёнига, касблар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишига жалб этиш;
- профессионал таълим соҳасида ўтказилган илмий изланишлар натижаларини профессионал таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказишиш ишларини ташкил этиш;
- иш берувчилар билан бирга ишлаб чиқариш участкалари, қўшма ва унитар корхоналар ташкил этиш асосида малакали кадрларни тайёрлашнинг дуал тизимини ривожлантириш;
- ташкил этилган ишлаб чиқариш участкалари, қўшма ва унитар корхоналарда ўқувчиларни товар, маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда меҳнат фаолиятига ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш;
- профессионал таълим муассасалари битиurvчиларига битиurv-малакавий ишлари мавзуларини таклиф этиш жараёнига корхона, ташкилот ва бошқа иш берувчиларни жалб қилиш ҳамда ушбу битиurv-малакавий ишларида эришилган натижа ва ечимларни ёки ижрочи-битиurvчиларнинг ўзларини бундай лойиҳаларни жойларда амалга оширишда иштирокини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш таълими усталиари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнлари бевосита ишлаб чиқаришда амалга оширилишига эришиш, ишлаб чиқаришда ги малакали мутахассислар – ишлаб чиқариш вакилларини таълим жараёнига жалб этиш.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини касбий фаолиятга йўналтириш фаолиятнинг турли соҳаларида турли кўринишда (амалий, на-зарий) амалга оширилади. Лекин умумий тартибда шахсни ўқув жараёнида касбий фаолиятга тайёрлашни шакллантиришда тўрт хил ёндашув мавжуд:

01

Касбга йўналтирувчи ёндашув. Бунда касбий таълим жараёнида талабаларнинг мотивацияси, уни шакллантириш шароитлари ва ривожлантириш йўллари ўрганилади.

02

Фаолиятли ёндашувда касбий қобилиятларни шакллантиришда фаолият шароитлари ўрганилади, касбий фаолият таъсирида шахсдаги ўзгаришлар ҳамда муҳим касбий фазилатларнинг шаклланиши тадқиқ қилинади.

03

Акмеологик ёндашув касбий малакалар даражасини эгаллаш ва юқори касбий натижаларга эришиш шарт-шароитларини ўрганади.

04

Комплекс мажмуавий ёндашувда бир томондан шахснинг ўқув ва касбий фаолияти, иккинчи томондан касбий ва ўқув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи мажмуавий сифатлар тадқиқ этилади.

Касбга йўналтирувчи ёндашув негизида психодиагностик йўналиш ишлаб чиқилади. Замонавий методикалар тренинг характерида бўлиб, талабаларни ўз-ўзини намойиш этиш ва иш резюмесини тузалишга йўналтиради.

Фаолиятли ёндашув – шахс фаолияти мотивацияси орқали шахсни мунтазам ўрганишни ўзида мужассам этган кенг тушунчадир. Шахс онги ва фаолияти ягона тизимни ташкил этади: онг пайдо бўлади ва фаолиятда ривожланиб, намоён бўлади, фаолиятнинг фаол характеристи эса онг орқали аниқланади. Фаолият ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолияти каби турларга бўлинади ва ҳар бир тур инсон ҳаётининг муайян ёш босқичларида етакчи ўрин тутади.

Комплекс мажмуавий ёндашувга асосланиб касбий таълим жараёнида шаклланувчи қўйидаги сифатларни ажратиш мумкин:

1. Касбий йўналганлик:

- касбий танлов мотивацияси;
- касбий шаклланишга йўналганлик;
- касбни эгаллашда жамоавий ёки индивидуал йўналганлик;

● касбни эгаллаш жараёнида ўз-ўзини баҳолаш анъаналари.

2. Касбий тажриба:

- касб-ҳунар коллежига киргунича касб ҳақидаги тасаввурлари;
- ўз касбий хислатлари даражасига муносабати.

3. Психик жараёнларнинг хусусиятлари:

- когнитив жараёнларнинг кечиши;
- эмоционал жараёнларнинг тезкорлиги.

4. Биопсихик хусусиятлар:

- касбий лаёқатни;
- касбий фазилатни ифодалайди[2].

Санаб ўтилган барча жараёнлар нафақат аудиторияда, балки малакавий ишларда интеграллашган тарзда амалга оширилса, шахснинг шаклланиши таъминланади.

Бугунги кунда профессионал таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга йўналтириш билан биргаликда таълим сифатини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Профессионал таълим муассасаларида таълим сифа-



тини назорат қилиш қўйидаги усулларда олиб борилади:

Ички назорат — вазирлик томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида профессионал таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назоратни ташкил этиш учун профессионал таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига штат бирликлари ажратилиши мумкин.

Ташқи назорат — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади.

Хусусан, республикада фаолият юритувчи профессионал таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш мезонлари мавжуд бўлиб, таълим оловчилар сифат кўрсаткичлари, ўқув-методик таъминот ва илмий нашрлар, педагог кадрлар сифат кўрсаткичи, халқаро ва республика даражасида эришилган ютуқлар, таълим муассасасидаги маънавий ҳамда таълим олиш учун яратилган шароитлар ва бошқа мезонлар асосида баҳоланади.

Давлат-жамоат назорати — таълимни

бошқариш бўйича ваколатли давлат орғани ва у билан келишган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кадрларга талабгорлар томонидан амалга оширилди.

Якуний давлат аттестацияси — профессионал таълим муассасаларида ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади. Профессионал таълим муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби, агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, вазирлик томонидан тасдиқланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда профессионал таълим муассасаларида талаба-ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Профессионал таълим-келажак таълими ҳамда шахснинг ҳаёти давомида касбий ривожланиш ва сифатли таълим олишини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда соҳани ривожлантириш, касбий фаолиятга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- “Ўзбекистон Республикасида Узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарори;
- Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. Под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. Издание 3-е, переработанное.- М.: Из-во ЭГВЕС, 2009.- 456 с.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Э.С.Жўраев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти, Масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўлими бошлиғи

Аннотация:

Мақолада профессионал таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими фаолиятини такомиллаштириш, янгиланган профессионал таълим масалаларига бағишинган. Шунингдек, муаллиф малака ошириш тизимининг узлуксизлиги, масофадан самарали малака ошириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

Калит сўзлар:

Профессионал таълим, узлуксиз малака ошириш тизими, масофавий таълим, малака ошириш босқичлари, мониторинг, билим, малака, кўникма.

Аннотация:

Статья посвящена вопросам переподготовки и совершенствования системы профессионального образования работников, обновления профессионального образования. Также автор высказал свое мнение и комментарии по поводу непрерывности системы обучения, эффективного дистанционного обучения. Профессиональное образование, система непрерывного обучения, дистанционное образование, этапы обучения, мониторинг, знания, умения, навыки.

Annotation:

The article is devoted to the issues of retraining and improving the system of vocational education of workers, updating vocational education. The author also expressed his opinion and comments regarding the continuity of the education system and effective distance learning.

Key words:

Professional education, continuous training system, distance education, stages of training, monitoring, knowledge, abilities, skills.

Бугунги кунда меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан ўй-ғунашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта

махсус профессионал таълим тизими жорий этилди.

Дунё мамлакатлари меҳнат бозорида меҳнатнинг мураккаблигига қараб (садда қўл меҳнатидан то мураккаб даражадаги меҳнат) таълим турлари 7 та даражага ажратилган. Модомики, Ўзбекистон Республикаси ҳам глобал меҳнат бозорига қўшилар экан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўз фаолиятининг халқаро қабул қилинган меъёрларга мос бўлиши мантиқий натижага деб ҳисобланади.

Таълим, айниқса олий ва профессионал таълимнинг натижаси шахснинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши билан якунланар экан, демак таълимда унга қўйила-диган ички ва ташқи талаблар даражала-

рини меҳнат бозоридаги талаблар билан уйғунлаштириш айни зарурат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонуни”да таълимнинг 7 тури: мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълимни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5812-сон Фармони асосида таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган (3, 4 ва 5) янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими жорий этилди.

Бунга кўра:

касб-хунар мактабларида кадрлар тайёрлашни умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гурӯҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида амалга ошириш;

коллежларда кадрлар тайёрлашни Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга ошириш;

техникумларда кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гурӯҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мурак-

каблигидан келиб чиқсан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга ошириш белгиланди.

Демак, бунга монанд бутунлай янгиланган тизимни тўла-тўқис йўлга қўйиш учун янгидан кадр тайёрлашдан кўра кўпроқ уларнинг тизимга мос равишида малакасини ошириш энг тўғри йўл бўлади. Шу муносабат билан Фармонда профессионал таълим муассасаларининг раҳбар, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизимини жорий этишни назарда тутивчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланди.

2021 йилда идоравий бўйсунувидан қатъи назар, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини “Ҳаёт давомида таълим олиш” таомили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизими белгиланиб, малака ошириш таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўқув дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаш бориши ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари учун уларнинг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, малака ошириш шаклларини мустақил танлаш ва ўзлаштириш имконияти яратилди.

Профессионал таълим тизимидағи бундай ўзгаришлар, таъкидланганидек, ўз-ўзидан малака ошириш тизимида ҳам тегишли ўзгаришларни келтириб чиқарди. Жумладан, профессионал таълим меҳнат бозоридаги динамик ўзгаришларга мос равишида такомиллашиб боришини эътиборга олган ҳолда унда педагогик фаолият юритаётган ходимлар ҳам ўз устида узлуксиз ишлаши – малакасини ошириб бориши талаб этилади. Яна бир муҳим жиҳат – профессионал таълимда дуал таълим принциплари ва масоғавий таълимнинг

кенг миқёсда қўлланилиши педагог ва раҳбар кадрлар энг замонавий билим ва кўникумаларни эгаллаши учун қулай имконият беради.

Чунончи, меҳнат бозори ва маркетинги, информацион ва коммуникацион технологиялар, симуляцион ўқитиш услублари, WorldSkills, Soft skills малакалари, HR-менежмент, 3D-технологиялар ва бошқалар замонавий профессор-педагоглар жамоасидан ўта чуқур ва тезкор ўзгарувчан билимларни талаб этади.

Демак, бундай долзарб талабни қаноатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 106-қарори тасдиқланди.

Асосий ечимлардан бири сифатида тизимдаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизими жорий этилганини эътироф этишимиз мумкин.

Эндиликда малака оширувчилар ўзларининг мустақил иш натижалари, тури танловлардаги иштироки ва бошқа касбий фаолиятида эришган ютуқларини инобатга олувчи электрон портфолио тизими жорий этишга киришилди.

Бунда, анъанавий ўқитиш усулларини мустасно этмаган ҳолда малака ошириш фаолияти соҳасида инновацион технологиялар асосида ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашиб имконини берувчи ва унинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган, таълим натижаларини объектив баҳолашни таъминлайдиган дастурий-алгоритмли платформа жорий этилиб, малака оширишнинг амалдаги бевосита ва билвосита шакллари ҳамда ушбу шаклларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириб бориш тамойиллари асосидаги мослашувчан тизими йўлга қўйилди.

Аввалги тизимда фақат бир томонла-

ма малака ошириш тизими билан барча турдаги раҳбар ходимларни фақатгина малака ошириш даврийлигига асосланиб таълим муассасасида аудитория машғулотлари олиб борилар эди. Тингловчилар билан малака оширишдан кейин (малака оширишлар оралиғида) қайта алоқа воситаси мавжуд эмас эди.

Қарор билан тасдиқланган низом асосида тингловчилар 100 балли мезон асосида баҳолаб борилади.

Агарда тингловчилар мазкур мезонлар асосида 20 балдан паст балл тўпласа улар ўзига тегишли ёки турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича бир йил ичida ўз ҳисобидан қисқа муддатли (72 соат) ўқув курсидан ўтгандан кейин бепул малака оширишга қўйилади ёки ўз ҳисобидан (144 соат) малака ошириши зарурлиги белгиланган.

86 ва ундан юқори балл тўплаган тингловчилар эса тўғридан тўғри онлайн тест синовларини топширади. Тест синовларини муваффақиятли топширган тингловчиларга битирув-малакавий ишини ҳимоя қилишга рухсат берилади. Тест синовларидан ўтмаган тингловчилар малака ошириш таълим муассасаларида таълим дастурлари асосида бевосита ўқиши тавсия этилади.

Бундан ташқари раҳбар ва педагог ходимлар мезондаги 6 та (якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш, халқаро ёки Республика миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва танловларда ўзи ёки раҳбарлигидаги ўқувчиларининг совринли ўринларни эгаллаши, хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (давомийлиги 20 кундан кам бўлмаган муддатда), докторлик (PhD, DSc) диссертациясини ҳимоя қилиш, илмий раҳбарлигига камида битта DSc ёки PhD даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинганлиги, патент гувоҳномасига эга бўлиш) кўрсаткичдан исталган бирини бажариб муқобил малака ошириш имкониятига эга бўлади.

Эришган ютуқларини тизим ва малака оширувчи тингловчиларга кенг тарғиб этиш имкони сифатида маҳорат дарси ўтади ва унга малака оширганлик тўғрисида сертификат берилади.

Бундан буён тизимдаги раҳбар ва педагог кадрлар:

- бошқарув ва педагог кадрлар ўзларининг шахсий иш режасида ўқув йили учун малака ошириш шакллари бўйича фаолиятини режалаштиради;

- касбий фаолият натижаларини электрон портфолио тизимида доимий жойлаштириб боради;

- электрон портфолио тизимида жойлаган материаллари учун берилган балларни доимий мониторинг қилиб боради.

Малака ошириш шакллари бўйича сўнгги З йилдаги маълумотлар электрон портфолио тизимида шахсан бошқарув ходими ва педагогнинг ўзи томонидан киритилади ва ягона электрон тизим орқали автоматик тарзда баллар қайд этилади.

Назорат турлари бўйича синовлардан белгиланган ўтиш балини тўплай олмаган бошқарув ва педагог кадрлар бир йил муддат давомида такрорий малака оширишдан ўтиши мумкин. Малака ошириш учун тайинланган муддатларда сертификатга эга бўлмаган кадрлар билан меҳнат қонунчилигига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, ички ва ташқи меҳнат бозори учун тайёрланадиган кадрларнинг касбий малака, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни доимий қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириб бориш мазкур тизим учун энг маъқул вазифа демакдир.

Шу билан бирга, тизимдаги раҳбар ва педагог кадрлар учун биринчи марта масофадан ўқиш имконияти яратилди. Таълим жараёнига масофавий таълимнинг концептуал ғоялари билан қўшиб олиб борилган шахсий фаолиятли ёндашувлар синтези профессионал таълим тизимида малака оширишнинг янги сифатини таъминлайди.

Масофавий таълим феноменини назарий англаш тўғрисидаги ишларнинг хусусияти шундан иборатки, масофавий таълим назариясига бағишлиланган қўпчилик ишлар педагогик, ташкилий, иқтисодий ва бошқа ёндашувларнинг синтези бўлиб ҳисобланади. Бунда кўпгина муаллифлар мавжуд бўлган илмий тушунчалар аппаратининг чекланганлиги тўғрисида хуласага келадилар ва масофавий таълимни мос равишда ёритиш мақсадида назарий аппаратни ривожлантиришда ўзларининг таклифларини беришга харакат қиласидилар.

Охирги ўттиз йил давомида масофавий таълим, таълим тизимлари кўринишини ўзгартирган ҳолда таълимий ва ахборот маданиятининг оламшумул ҳодисаси бўлди. “Масофавий таълим” деб умумий ном билан бирлашган бутун бир таълим хизматлари индустряси пайдо бўлди ва тезкор ривожланмоқда, у таълим олувчиларнинг жуда қўпчилик сонини қамраб олади ва ўзининг ўлчамлари ва инфраструктурасининг мураккаблиги билан лол қолдиралиди.

Лекин, масофавий таълимнинг кўпқироралилиги ва кенг қамровлилиги, турли таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил қилиш шакларининг турли-туманлиги сабабли масофавий таълимнинг умумий қоидаси мавжуд эмас.

Баъзи муаллифлар масофавий таълим бу таълимнинг шакли эмас, фақатгина алоҳида “таълим технологиялари” ёки “ахборотли-таълим макони” деб, бошқалари эса масофавий таълим, таълимнинг сиртқи шаклини белгилаб беради, учинчилари таълимнинг бу шакли учун бундан ҳам умумийроқ бўлган очиқ таълим деган атамани таклиф қиласидилар.

Европа мухбир мактаблари ассоциацияси (AECS) президентининг образли таъбири бўйича: “Масофавий таълим – бу ўқишидан сал каттароқ, эшитиш ёки кўришидан каттароқ, аввалроқ тайёрланган ўқув материалларидан каттароқ, технология-

дан каттароқ, мустақил ўрганишдан каттароқ, тренингдан каттароқ, очиқ ўқишдан каттароқ нарсадир".

Бу мақсадда "масофавий таълим" тушунчасига таъриф беришнинг А.В.Густырь таклиф этган таҳлил методидан фойдаланамиз. Агар масофавий таълимнинг асосий белгиси масофадан ўқитиш, яни таълим жараёни таълим оловучи ва таълим берувчи бир аудиторияда эмаслиги ҳолатида юз берса, унда улар орасидаги муроқот билвосита характерга эга бўлади ва ахборот-коммуникацион воситаларга муҳтож бўлади. Бошқача қилиб айтганда, масофавий таълим таълим оловчининг таълим берувчи (умумий ҳолда предметли ва методик билимлар манбаи) билан тескари алоқаси бўлишини ёки интерактивликни кўзда тутади.

"Масофавий таълим" тушунчасини кенгайтириш мақсадларида масофадан ўқитишнинг амалдаги турларини солишириш методидан фойдаланиш мумкин, у биринчидан, масофавий таълим назарияси ва амалиётини ривожлантиришдаги тенденцияларни аниқлаш, иккинчидан, масофавий таълим турлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, учинчидан, масофавий таълим методологиясини, унинг турлари асосидаги дидактик тамойилларни аниқлаш имконини беради.

"Мухбирли таълим" деб ном олган таълим тизими, тарихан масофавий таълимнинг бошқа турларидан олдин пайдо бўлган. Ўқитишнинг бу турининг асосида масофавий почта жўнатмалари воситасидаги таълим коммуникацияси ётади.

Иккинчи турдаги таълим тизими ахборот-коммуникация воситалари ривожланишидан пайдо бўлган, у аудитория машғулотларини узоқ масофалардаги аудиторияларга узатиб бериш имконини яратган ва аудио, видео трансляциялар воситаси билан масофавий таълим коммуникациясини таъминлаган.

Масофавий таълимнинг "мухбирли" таълим тизимининг дидактик принципла-

ри ушбу таълим шаклида ўқиётганларнинг психологик хусусиятлари ва таълимий эҳтиёжларини амалга оширади. Умумий дидактик тамойиллар сирасига қуйидагилар киради:

1. "Мухбирли ўқитиш", ўқитиш шакли сифатида, таълим оловчилар учун маҳсус ўқув-методик ва аттестацион материалларни яратишни талаб қиласидиган мустақил таълим фаолиятига асосланган.

2. Таълим оловчининг таълимнинг мазмунни ва муддатларини танлашдаги мустақиллигини тан олиш, оралиқ ва якуний аттестацияга ва баҳолашга таълимнинг мақсади ва якуний натижаси сифатида эмас, балки мотивация ва ўз-ўзини назорат қилиш сифатидаги прагматик муносабатда бўлиш.

3. Таълим берувчи ўқитувчи ва таълим оловчини мустақил таълим фаолиятига йўналтирувчи консультант (устоз, тьютор) нинг ролларини дидактик ўзаро ҳаракат (диалог) асосида ажратиш.

4. Таълимнинг вариативликнинг янада юқорироқ даражасини таъминловчи ва мухбирли коммуникацияни енгиллаштирувчи модуллар асосида ташкил этилиши.

5. Таълим муддатларининг ўзгарувчанлиги ва уларга мос равища таълим жараёнининг шиддати.

6. Кундузги машғулотлар (сессиялар)нинг минимал даражада камайтирилиши, уларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайдиган маҳсус шаклларини ишлаб чиқиши.

Масофавий таълимнинг "мухбирли" дидактик моделига кўра, анъанавий аудитория машғулотлари (маъруза ва семинарлар) бошқа шакллар: маҳсус ўқув-методик материаллар мажмуаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган ўқувчининг ўз-ўзини ўқитиш фаолияти ҳамда оддий семинарга ўхшайдиган ва маърузадан чуқур фарқ қиласидиган фаол амалий гурухли машғулотлар – тьюториаллар билан алмаштирилади.

Телекоммуникация воситалари ва каналлари тьютор ва ўқувчининг ўқув-методик материалларни етказиш ва индивидуал

маслаҳатлар бериш жараёнида, гурухнинг ўзаро ички ҳаракатларида муроқот қилиш ва интерактивликни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Ўқувчининг ўз-ўзини ўқитиш фаолиятини таъминловчи ўқув-методик материаллар мажмуасига фақат жиҳозлар ёрдамидагина фойдаланиш мумкин бўлган, ўқувчиларнинг кўпчилик қисми осонлик билан ишлата оладиган материалларгина киради.

Масофадан ўқитишнинг "мухбирли" дидактик моделини амалга ошириш ўқитувчи (тыютор)дан нафақат маслаҳатлар, балки психологияк қўллаб-қувватлашни ҳам ўз ичига олган маҳсус малака ва кўнилмаларни талаб қиласди. Унинг учун тыютор бир неча ўқув курслари материалларини эркин билиши билан бирга гурухли ишларни ҳам ташкил қила олиши лозим.

Юқорида айтилганидек, масофавий таълимнинг "трансляцияли" модели педагог ва ўқувчининг таълим жараёни доирасидаги муносабатлари туридан фарқ қилмайдиган, демакки, классик дидактика ва таълим жараёнининг анъанавий шаклларига асосланган масофавий ва кундузги таълимнинг принципиал бирлиги ғоясида асосланади.

Масофавий таълимнинг ушбу моделига кўра, анъанавий машғулотлар: маъруза ва семинарларнинг телекоммуникация воситалари ёрдамида маълум масофага узатилиши таъминланади, бу эса виртуал аудиториядаги ўқиётганлар сонини бир қанча кўпайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, замонавий таълим жараёнининг бошқа ташкил этивчи қисмлари (семинарлар, мустақил иш, маслаҳатлар, баҳолаш ва б.) масофадан ташкил этила олмайди, бу эса масофавий таълимнинг устунлигини камайтиради.

Бундан ташқари, сўз маърузаларни фақат трансляция қилиш устида кетар экан, бу турдаги ўқув фаолияти ўз устунлиги бўйича пассив характерга эга, у ўқувчилар сонининг кўпайиши билан фақат чуқурлашади.

Ҳар қандай технологиянинг маъноси ва қўлланиш мақсади – жараённи оптималлаштириш, ундан натижага учун за-

рур бўлмаган фаолият ва операцияларни чиқариб ташлашдир. Бунда ўқитиш технологиясининг ҳар бир элементига бир бутун таълим жараёнида ўзининг мақсадга мувофиқ жойи мос келади, ҳар бир технологик амал, ҳар бир технологик ҳаракат уни оптималлаштириш масаласини ҳал қилишда ўзининг аниқ ўрнига эга. Шундай қилиб, ўзининг моҳиятига кўра, анъанавий ва аудитория машғулотларини етказиб бериш ғоясидан ва уни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида таъминлашдан иборат бўлган масофавий таълимнинг трансляцияли модели ўзига маълум принципиал чекловларни олади.

Масофавий таълимнинг ҳар хил турларини солиширишни якунлар эканмиз, унинг "мухбирли" турининг дидактик модели белгилар мажмуи бўйича авваламбор катталар таълимига йўналтирилган бўлиб, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни жорий этишда қўл келади.

Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларига келинса, уларнинг мазмуни педагогиканинг маҳсус мақсадларидан узоқдир. Қўлланиш соҳаларидан қатъи назар, улар ахборотни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс эттириш ва фойдаланишининг универсал технологиясиdir. Таълимга улар фақатгина педагогик мақсадларга эришишни таъминлаш учун, таълим жараёнида қўлланилиши лозимлиги сабабли алоқадордир.

Юқорида келтирилганлар орасида энг мукаммал ишлаб чиқилганлари ўқув курслари ва таълимни бошқариш тизимларини таърифловчи стандартлар гуруҳлариidir. Бу соҳалардаги ягона стандарт ҳозирча ишлаб чиқиш ва келишиш босқичида, лекин бир неча стандартлар амалиётда қўлланилмоқда. Бу стандартлар қўйидаги ташкилотлар томонидан юритилади:

- ADL тармоқни стандартлаштирувчи ташкилот (SCORM стандарти).
- AICC тармоқни стандартлаштирувчи ташкилот.
- IMS/GLC саноат консорциуми.
- 1. ADL (Advanced Distributed Learning)

АҚШ Мудофаа вазирлиги ва Президенти Администрациясининг фан ва технологиялар соҳасидаги сиёsat Департаменти томонидан масофавий таълим соҳасидаги стандартларни ривожлантириш мақсадида яратилган. Ривожлантиришнинг бош йўналишларидан бири компьютерли ва web-ўқитиш учун техник асосни яратишидир.

SCORM (Sharable Content Object Reference Model) стандартини яратиш ADL концепциясини ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамdir, сабаби, бу стандарт ўқув материаллари тузилмасини ва ахборот-таълим муҳити интерфейсини аниқлайди. Бунинг ҳисобига ўқув объектларидан масофавий таълимнинг SCO (Sharable Content Objects) объектлари билан ишлаш имкониятига эга бўлган турли тизимларида фойдаланиш мумкин.

Масофавий таълим тушунчаси ва моделларининг таҳлили қўйидаги хulosани беради:

Масофавий таълим — бу таълимнинг ташкилий-дидактик шакли бўлиб, бошقا шакллардан асосан билвосита амалга ошириладиган таълим коммуникацияси усули ва характеристи билан фарқ қиласи.

Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари

унинг технологик жараён, таълим жараёнини ташкил этиш моделига боғлиқ ҳолда нисбий вазни ўзгарадиган воситалари ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, мустақил таълим касбий-педагогик фаолиятга нисбатан адаптив ёки продуктив функцияни бажариши мумкин. Мустақил таълимнинг адаптив функцияси муайян шароитларда касбий масалаларни ечишга қаратилган, продуктив функция эса, педагогнинг продуктив фаолиятининг асосини ташкил этадиган янги мотивлар, қобилиятлар, муаммоларни шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим педагогнинг касбий-шахсий ривожланиши босқичи билан боғлиқ бўлган муайян мазмунга, ички ташкилот ва процесуал динамикага эга, улар эса мустақил таълимнинг йўналганлиги, мақсадлари, воситалари, методлари ва вазифаларида ўз аксини топган.

Таълим муассасасида курсли ўқитиш, мустақил таълим ва методик ишларнинг синтези, педагогларнинг ҳамда професионал таълим тизимининг объектив эҳтиёжларини ҳисобга оладиган таълим дастурларининг шакллари ва турларининг очиқлиги, ўзгарувчанлиги, вариативлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Педагог кадрларни тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон, "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарорлари.
2. Тихонов А.Н., Иванников А.Д. Технологии дистанционного обучения // Высш. образование в России. – №3 М.: 1994.
3. Круглов Ю.Г. Подготовка учителей без отрыва от производства: Проблемы и значение / Педагогическое образование без отрыва от производства. Ежегодник Учебно-методического объединения по подготовке учителей без отрыва от производства.– №1 – М.: 1990.
4. Тихомиров В.П., Солдаткин В.И., Лобачёв С.Л. Виртуальная образовательная среда: предпосылки, принципы, организация. / Международная Академия Открытого Образования. – М.: Изд-во МЭСИ, 1999. – С.164.
5. Schachtsiek Bernd Private Provision in Distance Education. /In Report of the 1992 EDEN conference at the Academy of Mining and Metallurgy, Krakow, Poland, pp. 27-35.

ДУАЛ ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Н.Каримова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти,
“Персонални бошқариш” кафедраси доценти

Аннотация:

Maқолада дуал таълимда компетенциявий ёндашувлар мазмун-моҳияти ҳамда компетенцияларни баҳолашда мустақил ва ижодий топшириқларнинг аҳамияти, шунингдек, компетенцияларни баҳолашда баҳолашнинг кўп балли тизимини қўллашнинг афзаликлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар:

инновация, креативлик, мотивация, маҳсус, компетентлик, рейтинг, мезон, метод.

Аннотация:

В статье отражены преимущества компетентностного подхода в дуальном образовании а также важность самостоятельных и творческих заданий в оценке компетентности, а также важность оценки компетентности в много бальной системы оценки.

Ключевые слова:

инновация, креативность, мотивация, специальные компетентности, рейтинг, показатель, метод.

Annotation

The article reflects the advantages of the competency-based approach in dual education, as well as the importance of independent and creative tasks in assessing competence, as well as the importance of assessing competence in a multi-point assessment system.

Key words:

innovation, creativity, motivation, special competencies, rating, indicator, method.

Мамлакатимизда замонавий таълим тенденциялари асосида профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, унинг санарадорлигини ошириш орқали малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, профессионал таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш, ўқув жараёнига Миллий квалификация тизимини тўлақонли жорий этиш талаб этилади.

Янги профессионал таълим тизимининг жорий этилиши профессионал таълим муассасаларида янги таълим шаклларини қўллаш ҳамда замонавий ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш, компетенцияларни шакллантириш ва компетенция даражаларини баҳолаш методларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Ўқитиши жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ профессионал таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашда таълим олувчилярнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ.

Профессионал таълим жараёнида инновацион таълим шакллари, технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувларни қўллаш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ таълим олувчиларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дуал таълим ҳақиқатда таълим ривожланишининг янги мазмун-моҳият парадигмасидан иборат бўлиб, одатда анъанавий деб аталувчи эски таълим па-

радигмасидан етарлича радикал (кескин) тарзда ажралишни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, таълим концепцияси, унинг мақсади, моҳияти, вазифалари, таъмийлар ва ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилади. Моддий ишлаб чиқариш чегаралари билан чекланган анъанавий таълим усулидан фарқли равишда, аксинча янги усул ривожланиш суръатларини белгилайди, муайян турдаги фаолият турларига амалий фаолият билан чамбарчас боғлиқликда таълимнинг дуаллигини таъминлайди.

Таълимнинг анъанавий тизими одамлар орасидаги ижтимоий тафовутни чуқурлаштиради ва белгилаб беради. У муайян ижтимоий имтиёзларни олиш воситаси сифатида баҳоланади. Шу боис одамларнинг фақат кам сонли қисми таълимнинг юқори поғоналарига етиб бора-

ди. Дуал таълим тизими ҳар бир инсоннинг қобилиятларини ривожлантириш орқали инсонлар орасидаги ижтимоий тафовутларни енгиш имконини беради.

Мавжуд таълим тизими ишлаб чиқариш ва ижтимоий шароитда очиқ-ойдин мавжуд бўлган муайян вазифаларни баҷаришга йўналтирилган бўлиб, мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қиласади.

Дуал таълимда касбий тайёргарлик даражасига юқори талаблар қўйилаётган шароитларда мутахассисларнинг асосий вазифаси меҳнат бозорида ўз йўлини осон топиш имконини берувчи касбий компетентликка эга бўлиш ҳисобланади. Мазкур таълим соҳасининг бундай хусусияти профессионал таълимда компетентлик ёндашувини қўллашнинг фақат мақсадга мувофиқлигига эмас, зарурлигига ҳам боғлиқдир.

Олдинги даврларда касбий таълимда узоқ вақт «билиш» нуқтаи назаридан ёндашилган бўлиб, унинг асосий вазифаси таълим оловчиларда билимларни тизимли шакллантириш ҳисобланар, кўникма ва малакаларга ўргатиш жараёнига иккинчи даражали компонентлар сифатида қаралар эди. Янги профессионал таълимда замонавий педагогик қарашларнинг ривожланиши муносабати билан бу вазифалар ўзгармоқда. Албатта, бунда фанни билиш таълим оловчининг таълим тузилмасидан чиқиб кетмаслиги, бироқ йўналтирувчи роль ўйнаши лозим. Шу боис ўтказилган таҳлилларимиз доирасида Н.А.Муслимов[1], Б.А.Назарова[2] каби бир қатор олимларнинг тадқиқот ишларидаги компетенциявий ёндашув алоҳида аҳамият касб этади, бунда биринчи ўринга билим берилаётган таълим оловчининг ахборотга эгалиги эмас, балки маълум вазиятларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш қобилияти муҳим ўрин тутади.

Ўтказилган таҳлиллар ва хulosалар на-
тижасида дуал таълимда мутахассиснинг
касбий компетентлигига қўйидагича таъ-
риф берилди: бўлажак мутахассиснинг
касбий компетентлиги ўз мутахассислиги
бўйича эгаллаши керак бўлган компетен-
циялари, муҳим шахсий сифатлари ва ин-
дивидуал психологик хусусиятлари мажмуи
бўлиб, мунтазам равишда билим олишга,
ўз-ўзини такомиллаштириш, касбий
билимларни бевосита амалиётда қўллай
олиш, янги инновацион технологиялар-
дан боҳабар бўлиш билан бирга уларни

амалиётга татбиқ эта олиш, ишга ижодий ва масъулиятли ёндашиш, ўз фаолиятига алоқадор барча муаммоларни тизимли ра-
вишда тушуниш, вазифа қўя билиш ва аниқ
муаммоларга ечим топа олиши демакдир.
Дуал таълимда мутахассисларда компе-
тенцияларни ривожлантириш таълимнинг
муҳим вазифаси сирасига киритилган бў-
либ, бунда уларнинг компетенция дара-
жаларини тўғри баҳолаш ҳам муҳим аҳа-
миятга эга.

Дуал таълимни жорий қилган европа
мамлакатларида (Германия, Швейцария)

таълим олувчиларнинг компетентлик даражаларини баҳолаш методлари ҳамма вақт баҳс-мунозарали мавзу бўлиб келганлиги боис бу жараён инновацион ёндашувларни талаб этади. Чунки бу масала турли адабиётларда турлича ёритилган. Бироқ мавжуд қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, таълим олувчиларнинг касбий компетентлик даражалари таълим сифатини белгилабгина қолмай балки битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўзурнини топшишига имкон яратади. Дуал таълимда касбий компетентлик мезонлари ўқитиладиган ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифаларидан, эгалланиши лозим бўлган маҳсус компетенциялар мазмунидан келиб чиқиб аниқланади.

Дуал таълим жараёнида таълим олувчиларнинг компетенцияларини баҳолашда ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олиш муҳим саналади, бунда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1) ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир якунланган мавзу бўйича

таълим олувчиларнинг фаолияти тўғрисида холоса чиқариш;

3) мавжуд билимларни аниқ, батафсил баҳолаш учун уларнинг бир неча ўқув йили давомида ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилади.

Холоса қилиб айтганда, дуал таълимда компетенцияларни баҳолашнинг метод ва воситаларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда баҳолашнинг кўп баллилк тизими қўйидаги афзалликларга эга: ўқишидаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида рейтингнинг кўп балли мезонга эга эканлиги; баҳолашнинг бундай кўп балли мезонга эга бўлиши таълим олувчини ҳар тамонлама баҳолаш имконини бериши (билим, кўникма ва малакани баҳолаш); таълим олувчилар фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил фаолияти тўғри бошқарилиши; баҳолаш жараёнида амалий машғулот мазмунидан ва мураккаблик даражасидан келиб чиқиб балларнинг машғулот соатларига қараб тақсимланиши; ҳар бир қўйилган баллар орқали ўз-ўзини баҳолай олиш имкониятларининг кенгайиши; босқич чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Дуал таълимда мутахассисларнинг компетентлик даражаларини баҳолаш методларидан энг самаралиси касбий топшириқлар, амалий топшириқлар ва намойиш имтиҳонларида бериладиган муаммоли ва ижодий топшириқлар методидир. Зеро, компетентлик назарий ва амалий билимларни бевосита амалий фаолиятда қўллаш натижасида намоён бўлиши билан бирга мустақил ва ижодий фаолият натижасидир[3].

Бу методлар энг самарали бўлиб, асосан таълим олувчининг мустақил ва ижодий ишларни қобилиятини ривожлантиришига ва баҳолашга йўналтирилган.

Мустақил фаолият юритишда касбий компетенцияларни шакллантириш жараёни ҳар доим тушунилган, англаб етилган хусусиятда бўлади. Мустақил ишларни маҳоратини эгаллаш учун таълим олувчи фақат ўз фаолияти мақса-

дини тушуниб етишигина эмас, балки таълим олиш метод ва усусларини ўзлаштириши ҳамда билимларни амалий қўллаш кўникмаларини эгаллашлари кепрек бўлади. Маҳоратлар шаклланишида маълум шароитларда қандай қилиб ҳаракат қилиш кераклиги ҳақидаги билимларни эгаллаши алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай билимлар амалий ҳамда ақлий ишларни бажаришнинг самарали



усул ва услубарини эгаллаши учун зарур бўлади.

Таълим олувчиларнинг компетенция даражаларини баҳолашда мустақил ва ижодий топшириқларни ишлаб чиқиша қўйидаги қоидаларга риоя этилиши керак: топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак; ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усувлар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутади; топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак; топшириқлар ечи мини аниқлаш ва таълим олувчи онги-

да ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим; топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим; топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар таълим олувчига маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади; топшириқни бажаришда таълим олувчи тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ёки ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади; ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланади.

Адабиётлар:

1. Шумакова О.В., Мозжерина Т.Г., Комарова С.Ю., Гаврилова Н.В. Опыт дуального образования как возможность повышения эффективности профессиональной подготовки обучающихся // Электронный научно-методический журнал Омского ГАУ. 2016. № 4 (7). URL <http://e-journal. omgau. ru/index.php/2016-god/7/32-statya-2016-4/485-00230>.
2. Терещенкова Е.В. Дуальная система образования как основа подготовки специалистов // Концепт. 2014. № 04 (апрель). ART 14087. URL: <http://ekoncept. ru/2014/14087.htm>.
3. Бреус М.Е., Довгополая Н.В., Ноговицына А.В., Симонин П.В. Дуальная система обучения – залог профессиональной мобильности выпускников аграрных вузов на рынке труда // Интернет-журнал Науковедение. 2016. Т. 8. № 1 (32). С. 17.
4. Гатен Ю.В. Формирование психолого-педагогической компетенции преподавателя высшей технической школы в системе повышения квалификации: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. пед. наук. Елец, 2010. 23 с.
5. Салтыков С.А. Экспериментальное сопоставление методов взвешенной суммы, теории полезности и теории важности критериев для решения многокритериальных задач с балльными критериями // Управление большими системами. Выпуск 29. М.: ИЛУ РАН. 2010. С. 16-41.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАЛАРИНИ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

С.А.Уралов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти докторанти

Аннотация.

Мақолада професионал таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлигигини ривожлантиришда акмеологик, мураккаблаштириш, ижтимоий, фасилитация ва креативлик тамойилларидан фойдаланиш масалалари келтирилган бўлиб, унда муаллиф томонидан ички ўқитиш тизимини ташкил қилиш тизими бўйича мулоҳазалар келтириб ўтилган. Профессионал таълим, касбий-педагогик компетентлик, акмеологик, мураккаблаштириш, ижтимоий, фасилитация, креативлик тамойиллари.

Калит сўзлар:

Аннотация:

В статье представлены вопросы использования принципов акмеологического, усложнения, социального, фасилитации и креативности в развитии профессионально-педагогической компетентности мастеров производственного обучения, работающих в профессиональных образовательных учреждениях, в которых автор приводит рекомендации по системе организации системы внутреннего обучения.

Ключевые слова:

Принципы профессионального образования, профессионально-педагогическая компетентность, акмеологический, усложняющий, социальный, фасилитирующий, креативный.

Annotation:

The article presents the issues of using the principles of acmeological, complication, social, facilitation and creativity in the development of professional and pedagogical competence of masters of industrial training working in professional educational institutions, in which the author provides recommendations on the system of organization of the internal training system. Principles of professional education, professional and pedagogical competence, acmeological, complicating, social, facilitating, creative.

Key words:

Principles of professional education, professional and pedagogical competence, acmeological, complicating, social, facilitating, creative.

Профессионал таълим тизимида ишлаб чиқариш таълими усталари, айниқса уларнинг касбий-педагогик маҳорати даражаси жамият ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдағи 466-сон қарорида, професионал таълим муассасаси маъмурияти ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик, касбий ва психологик маҳоратини доимий равишда такомиллаштиришга масъул эканлиги белгилаб қўйилган[1]. Шу нуқтаи назардан, професионал таълим муассасаларида мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлигини такомиллаштириш жараёнларини лойиҳалаштириш, чора-тадбирлар режаси ва дастурларини тузиш ҳамда амалга ошириш тизими бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида, аксарият ишлаб чиқариш таълими усталарида педагогик билимлар етишмайди ёки ушбу бўшлиқни тўлдириш учун тизимли равишда ички ўқишлиар ташкил этилмаётганлиги сир эмас.

Профессионал таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш жойида касбий - педагогик ривожлантириш тизимини яратишнинг барча тамойилларини аниқлаш модел тузиш ва яратишнинг дастлабки қадами ҳисобланади. Педагогик кузатишлар доирасида белгиланган мақсад билан биргаликда устанинг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тизимини яратиш учун асос бўлган асосий тамойилларнинг мазмунини аниқлаш мумкин. Биз ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлигини такомиллаштириш моделини яратиш учун асосий қоидалар сифатида Г.В.Басаргина таъриф берган тамойилларни келтирамиз[2], шунингдек, тадқиқотчи Е. А. Григориева ҳам беш тамойил асосида педагог тайёрлашнинг самарали шаклларини тадқиқ қилган. Замонавийлик принципи янги касбий қадриятларни ишлаб чиқиши орқали уқувсизликни енгиб ўтиш, касбий ривожланиш тамойили ўз фаолиятини қайта функционаллаштириш ва фикрлашни ўзгартириш орқали ўзгартиришдир. Тадбирлилик тамойили – янги ўқув дастурларини лойиҳалашнинг жамоавий методларига ўтиш; таълимнинг узлуксизлиги тамойили – ўз-ўзини тарбиялаш усусларини ўзлаштириш; “Таълим, касбий тафаккур ва касбий амалиёт”нинг учлик уйғунлашуви касбий ривожланишнинг тармоқ характеристи тамойилидир [3].


Биз томонимиздан яратилган, ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тизими (1-расм) қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

Биринчи тамойил – акмеологик. Акмеология ижтимоий, гуманитар ва табиий илмий назариялар чорраҳасида пайдо бўлган фан бўлиб, инсон камолоти омилларини, унинг ривожланиш ҳодисасини юксак даражада ўрганишни мақсад қиласди. Акмеология – грекча “акме” – энг юқори босқич, гуллаган давр, энг юксак даражага эришиш, инсоннинг ўзига берилган барча имкониятлари ва иқтидорини намоён этиш маъносини англатади ва касбий камолотда мукаммаллик босқичига етишнинг объектив ва субъектив омиллари, унинг ўқишда ютуқларга эришиши ва ривожланиши, шахс фаолиятида, касб-ҳунар таълими тизимида, таълим жараёнида юксак даражага эришишини ўрганади [4].

Акмеология ривожланаётган шахс муаммоларини ўз касбий маҳоратида юксакликка эришган шахс, иш предмети сифатида кўриб чиқади. Ишлаб чиқариш таълими устасининг иш фаолияти самарали, муваффақиятли бўлиши керак, бу унинг асосий мақсади билан белгиланади. Педагогик фаолиятдаги регрессив ҳодисалар ижобий тажрибани ўқувчи шахсини ривожлантириш томонига ўтказишга имкон бермайди.

Иккинчи тамойил – вазифаларни мураккаблаштириш тамойили. Таълим жараёнига диалектик ёндашув классикдир. Дунёни билиш одатда “Оддийдан мураккабгача”, “Номаълумдан маълумгача”, “Осондан қийингача” бўлган йўлни босиб ўтади. Ишлаб чиқариш таълими устасининг касбий шаклланиши ҳам аста-секин ўсиш ва мураккаблашиб бориш йўлидан кетади. Бундай ўзгаришларнинг натижалари биринчи ва юқори тоифадаги педагогик тоифалаш орқали қайд этилади. Касбий фаолиятда юзага келадиган муҳим вазифаларнинг тобора пайдо бўлиши ва уларни ҳал қилиш мутахассиснинг касбий сифатларини яхшилашга ёрдам беради. Касбий-педагогик компетенция даражаси қанчалик юқори бўлса, педагог амалиётда шунчалик мураккаб муаммоларни ҳал қилиши мумкин.

Учинчи тамойил – ижтимоий мақсадга мувофиқлик тамойили. Педагогикадаги мақсадга мувофиқлик фаолиятни ташкил этишга танланган ёндашувлар ушбу фаолият натижаларига мос келишини англатади. Ижтимоий мақсадга мувофиқ-



1-расм. Ишлаб чиқариш таълими усталирининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тизими.

лик инсоннинг жамиятдаги мұхитига, унинг яқын одамлар билан муносабатларининг қулайлигига қаратилган. Ишлаб чиқариш таълими устаси ўзини профессионал равишда такомиллаштириб, биринчи навбатда, ўз ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлаб, яқынлари орасида ўз фаолиятини мустаҳкамлаб боради.

Тўртинчи тамойил – фасилитация (инглизча *facilitate* – осонлаштириш) тамойили. Фасилитация – гуруҳ ишини ташкил этиш, кўпинча аниқ, реал, амалий топшириклар билан боғлиқ, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муҳокама, фаолиятнинг реал режасини ишлаб чиқиш, реал, можароли манфаатларни мувофиқлаштириш[5]. Шахснинг онгида бошқа шахс ёки инсонларнинг тимсолини долзарблаштириш орқали унинг унумдорлигини ошириш. Таълим жараёнини осонлаштириш, айниқса, катталар таълими ҳақида гап кетганда жуда муҳимдир. Машғулотчининг асосий вазифаси тингловчига янги билимларни интенсив равишда эгаллаш ва ўзини ўзи такомиллаштириш зарурлиги ғоясига етказишидир. Машғулотчининг шахсий ўзгаришлари биринчи ўринга чиқади, бу асосан машғулотчи ва унинг васийлиги ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Таълим муассасидаги кўмаклашувчи маъмурият аъзолари, методистлар, ижодкорлик ва инновацияларга мойил бўлган педагоглар, бир сўз билан айтганда, ўз намунаси мисолида ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий шаклланиш ва такомиллаштириш жараёнига ҳисса қўшиши мумкин бўлган жамият вакилларидир.

Бешинчи тамойил - креативлик тамойили. Креативлик шахснинг тафаккури, ҳиссиётлари, мулоқотида, турли фаолият соҳаларида, фаолият натижалари ва мазкур натижаларни яратишда намоён бўлувчи ижод, янгилик яратишга бўлган қобилиятидир. Оддий сўз билан айтганда креативлик муаммони тез ва ноодатий ҳал қилишидир[6]. Педагогик фаолиятда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда ижодий ёндашув изланиш муҳитини яратишга, ишлаб чиқариш таълими усталари ва ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот маҳоратини оширишга, ўқув майдонини кенгайтиришга имкон беради. Креативлик янги ғояларни яратиш қобилияти сифатида ўз фаолиятини такомиллаштириш жараёнида кўпроқ иштирокчилар қатнашиши билан ошади. Мослашувчанлик, ўзига хослик, стереотиплардан узоқлашиш қобилияти каби ижодий қобилияларни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогик жараённинг муайян соҳасини моделлаштириш жараёни маълум мақсад асосида амалга оширилади ва бунда бир қатор функциялар бажарилади.

Шундай қилиб, профессионал таълим муассасасида ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик компетентлилигини ривожлантириш тизимида акмеологик, фасилитация, мураккаблаштириш, ижтимоийлаштириш ва креативлик тамойиллари алоҳида ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2020 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикасида Узлуксиз бошлангич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартиба солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 466-сон қарори.
2. Басаргина, Г.В. Педагогические условия повышения профессионализма мастеров производственного обучения в системе профессионального образования. Дисс. ... к.п.н.: 13.00.08. - М . : РГБ, 2005. - 230с.- С.139.
3. Григорьева, Е.А. Модель профессионального развития педагога в ИКТ-насыщенной среде [Текст] / Е.А. Григорьева // Методист.- 2009.-№2.-С.12-15.
4. Эрназарова Г.О. касб-хунар коллеки ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси. Тошкент, 2018.
5. Қосимова З. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. Ўқув кўулланма. Тошкент – 2019.
6. Г.Ғаффарова, З.Худаёрова. Янги Ўзбекистонда креативлик инсон капиталини ривожлантириш омили сифатида. Илмий мақола. "Yangi O'zbekiston: barqaror rivojlanishning ijtimoiy-falsafiy, iqtisodiy-siyosiy va huquqiy masalalari" volume 2 | special issue 23. ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҶАРАШЛАР

И.Т.Мирсаидов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти таянч докторанти

Аннотация.

Ушбу мақолада ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш, компетенция элементлари ўртасидаги интеграциянинг аҳамияти, афзаликлари, стратегиялари ва муаммолари кўриб чиқилади. компетенция, ахборот, ўқитувчи, ўқувчилар, муносабат, интеграция.

Калит сўзлар.

В данной статье рассматриваются важность, преимущества, стратегии и проблемы развития информационной компетентности студентов, интеграции между элементами компетентности.

Ключевые слова:

компетентность, информация, учитель, студенты, отношение, интеграция.

Abstract:

This article discusses the importance, advantages, strategies and problems of developing students' information competence, integration between elements of competence.

Key words:

competence, information, teacher, students, attitude, integration.

Профессионал таълим ўқувчиларининг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш муаммоси долзарбдир, чунки таълим муассасаси олдида профессионал малакали мутахассисни тайёрлаш вазифаси турибди. Бўлажак профессионал таълим битирувчисини тайёрлашда юқори даражага эришиш, амалий ва назарий фанлар соҳасида фундаменталликни сақлаб қолган ҳолда кўпроқ амалиётга йўналтирилган тайёрлашни чуқурлаштириш орқали амалга оширилади. Бўлажак мутахассисни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув ва касбий муаммоларни мус-тақил ҳал қилишга ўргатиш керак. Ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш бу таълимни ахборотлаштириш билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим соҳасини жорий этишга қаратилган янги ахборот технологияларидан оптимал фойдаланиш методологияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёни тушунилади.

Таълим ва тарбиянинг ижтимоий, психологияк ва педагогик мақсадлари ўзгармас жараён бўлиши мумкин эмас, чунки таълим тизимининг ўзи мазмун, технологиялар, муносабатлар, ҳуқуқий нормалар

ва унинг бошқа таркибий қисмларининг доимий янгиланиши ҳолатидадир. Ахборот билан ишлаш воситалари ва ўқитиш методлари таълимда тобора кенг тарқалаётганлигини таъкидлаб, олимлар педагогик нуқтаи назардан шахснинг компетенцияга асосланган хусусиятларига ўтиш содир бўлаётганлигини таъкидлайдилар. Умумий ва касб-хунар таълими стандартларига «компетентлик» меъёрий компонентининг киритилиши таълимда эътиборни таълим стандартлари тизимидан компетенциялар тизимида ўтишидан далолат беради, унинг муҳим элементларидан бири ахборот билан ишлаш компетенциясидир. Ахборот билан ишлаш компетенцияси ҳар қандай соҳадаги мутахассиснинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилиши зарур.

Профессионал таълимнинг асосий мақсади – малакали, масъулиятли, ўз касбида равон ва тегишли фаолият соҳаларига йўналтирилган, ўз касби (мутахассислиги) бўйича самарали ишлашга қодир, доимий касбий ўсишга ва профессионал ҳаракатчанликка тайёр бўлган малакали мутахассисни тайёрлашдир.

“

Таълим амалиётига янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорийетишшар қандай фанфаолиятинг ахборот муҳитини янгилашга олиб келади, бу эса профессионал таълим ўқувчиларини ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни, шакллари ва усулларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қиласди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдағи “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармонида таъкидланишича, олдинги йилларда мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш жараёнида эришилган барча ютуқлар профессионал таълимнинг мақсади сари тарақкий этаётганлигининг яқъол белгисидир. Шунга қарамай йиллар давомида таълимнинг турли даражаларida ҳали ҳам бир қатор муаммолар сақланаб қолмоқда, буни 1.1-расмда кўришимиз мумкин.

лари – Р.Х.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, Н.А. Муслимов, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноятов, О.А.Қўйсинов В.И. Байденко, А.С. Белкин, И.А. Зимняя илмий тадқиқот олиб борганлар, шу жумладан: М.Арипов, Р.Р.Боқиев, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, М.Э.Мамаражабов, Н.И.Тайлақов, С.Турсунов, О.Х.Туракулов, Ж.О.Ҳакимов, Д.А.Зарипова, Б.Б.Эргашев, Ф.Х.Фаффаров, У.А.Ўринов, З.Ш.Тўхтаева, З.Т.Рахимов Ҳ.Ш.Бегимқулов, Ҳ.А.Сайдакбаров, А.П. Базаева, И.М.Баштанар, А.М. Витт, А.Н. Завяловларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришда компьютер технологияларининг ўрни ва роли ҳақидаги илмий изланишлари ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-педагогик аҳамиятини очиб берган. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, олимларнинг ўқувчиларни касбий тайёрлашнинг турли жиҳатларига доимий қизиқишлигарига қарамай, профессионал таълим назарияси ва амалиётида ўрганилмаган кўплаб муаммолар мавжуд, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд.

Таълим муассасаларининг инновацион ривожланиш жараёнида жамиятнинг ахборот маконида етарли даражада иштирок этмаслиги;

Замонавий таълим технологияларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги;

Бир қатор таълим ташаббуслари таълим тизимини қамраб олишида қийинчиликлар мавжудлиги.

1.1-расм. Ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар.

Ҳозирги кунга қадар мутахассисларни тайёрлаш жараёнига компетенцияга асосланган ёндашувни, шу жумладан уларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш усулларини жорий этиш бўйича сўнгти пайтларда педагогика ва психология фанларининг кўплаб вакил-

Замонавий таълим парадигмаларида профессионал таълим мазмуни, назарияси ва методикаси муаммоларини ўрганиш, маҳсус журналлар саҳифаларида монографик психологик ва педагогик адабиётларни, назарий ва услубий характердаги нашрларни ўрганиш ва таҳлил қилиш

шуни кўрсатадики, таълимга компетенцияга асосланган ёндашув масалаларига бағишиланган ишларда таълим сифатини янгилаш муҳим йўналиш сифатида кўриб чиқилади.

Кўп адабиётларда компетенция турлари масаласи кенг ёритилган. Н.А.Муслимов, У.Ш.Бегимқулов, А.Н.Голуб, И.А. Зимняя, Э.Ф. Морковина ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида компетенциялар қўйидаги турларга ажратиб баён қилинганини кузатишими мумкин: таълим, касбий, ахборот, таҳлилий, когнитив, коммуникатив, умумий маданий, ташкилий, прогностик, дизайн, технологик ва бошқалар. Шуни таъкидлаш керакки, деярли барча тадқиқотчилар ахборот билан ишлаш компетенцияси муҳимлигини таъкидлайдилар. Ушбу компетенциянинг ўқувчилар ҳаётидаги аҳамияти ва алоқаси асосий ўрин эгаллайди. Э.Ф.Морковина ахборот билан ишлаш компетенцияси интегратив функцияни бажаради, чунки когнитив компетенцияни ривожлантиришни ахборот билан ишлаш қобилиятисиз амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтган.

Қуйида келтирилган расм (1.2-расм)



1.2. жадвал. Ахборот компетенциясининг таркибий элементлари таснифи.

олимларнинг ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, шунингдек, унинг бошқа компетенциялар билан ўзаро таъсирини кўпроқ очиб берадиган тадқиқот нуқтаи назарлари орқали шакллантирилган бўлиб, бунда ахборот компетенцияси диаграммасида биринчи ўрин бошқа компетенцияларга нисбатан берилганлигини таъкидлаймиз, аммо бу унинг улар устидан устунлигини эмас, балки олимлар томонидан ўз ишларига ахборот билан ишлаш компетенциясини киритишининг юқори кўрсаткичидан далолат беради. Шуни қўшимча қилиш керакки, бир қатор тадқиқотчилар ахборот билан ишлаш компетенциясини касбий компетенциянинг бир қисми сифатида кўришади.

Кўп тадқиқотчилар ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш масаласи юзасидан турли вақтларда турлича ёндашганлар.

Тадқиқотчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясининг таркибий элементларини таснифлаш муаммоси бўйича илмий нуқтаи назарлари хилма-хиллигини кўриш имконини беради. Бироқ, уларнинг позицияларидағи ўхшашликлар ҳам кўринади, бу бизга ахборот билан ишлаш компетенциясининг асосий таркибий қисмларини аниқлашда мавжуд қонуниятлар ҳақида гапиришга имкон беради. Барча олимлар ушбу элементларнинг ўзаро ин-

тегративлиги ҳақида гапирадилар ва компонентларнинг функционал тенглигига ишора қиласидилар. Ахборот билан ишлаш компетенциясининг қўйидаги таркибий қисмлари асосийлари сифатида белгиланган:

Мотивацион ва қийматга асосланган бу ўқувчининг муҳим қиймат йўналишларини танлашда ёрдам берадиган қадриятлар дунёсига киришини осонлаштирадиган шарт-шароитларни яратишдан иборат, инсоннинг меҳнатга ва умуман ҳаётга муносабатига таъсири қилувчи мотивацион мотивлар даражасини тавсифлайди.

Маълумотни қўллаш қобилияти - бу ўқувчининг касбий ва педагогик фаолиятида ўқув маълумотларини қидириш, тўплашнинг замонавий усусларини эгальлаш, турли манбалардан маълумотларни топиш қобилияти, маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш қобилияти, олинган маълумотлардан профессионал мақсадларда фойдаланиш қобилияти сифатида тавсифланади.

Техник ва технологик - бу ўқувчиларнинг ахборотни автоматлаштирилган қидириш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган техник қурилмаларнинг ишлаш тамойиллари, имкониятлари ва чекловлари ҳақидаги тушунчани акс этирувчи; муаммоларни турлари бўйича таснифлаш, сўнгра унинг асосий хусусиятларига қараб аниқ техник воситани танлаш ва қўллаш қобилияти сифатида таснифланади.

Коммуникатив - маълумотни бир

шахсдан иккинчисига (оғзаки ва оғзаки бўлмаган) узатиш учун табиий ва расмий тилларни, техник алоқа воситаларини билиш, тушуниш, фойдаланишни кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, тақдим этилган элементларни ҳар томонлама қўллашгина бўлажак ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенсияцини нафақат шакллантириш, балки ривожлантириш имконини беради. Ахборот билан ишлаш компетенциясининг барча элементларини мақсадли шакллантириш профессионал таълим муассасаси ўқувчиларини малакали профессионал мутахассис сифатида тайёрлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ахборот билан ишлаш компетенциясининг моҳияти ва тузилишини кўриб чиқишга назарий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бизга фикрлар плюрализми, мавзунинг асосий тушунчалари: «компетенция», «компетентлик»-нинг турли хил талқинлари мавжудлигини айтишга имкон беради. “Ахборот билан ишлаш компетенцияси”, “Касбий компетенция”, бу тушунчаларни профессионал таълимда тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этиш ва уларни ўқув амалиётига қўллашнинг кўп қиррали хусусияти билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-сентябрдаги Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-5812-сон Фармони;
2. Бермус, А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании [Электронный ресурс] / А.Г. Бермус // Режим доступа : [хттп://www.эйдос.ру/журнал/2005/0910-12.хтм](http://www.эйдос.ру/журнал/2005/0910-12.хтм). – В надзаг. : Интернет-журнал «Эйдос». – Загл. с экрана;
3. Сладков, С. А. Информационная компетентное гь, как условие профильной и предпрофильной подготовки [Текст] / С.А Сладков // Инновации общего и профессионального образования . материалы мелдунар науч -практ. конф - Челябинск, 2006 -С. 74-78;
4. Қаршиев А.А. Ўқувчиларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг методик жиҳатлари // Тафаккур зиёси №3 (2021) Журналнинг халқаро ИССН рақами: 2181- 6131 117-120 6 (13.00.00. №29);
5. О.Н. ГРИБАН Формирование информационной компетентности студентов педагогического вуза: монография / ФГБОУ ВПО «Урал. гос. пед. ун-т». – Екатеринбург, 2015. – 162 с.

THE ROLE OF CONTEXTUAL LEARNING IN TEACHING

A.Azizova

Doctoral student at the Institute for the Development of Vocational Education

Аннотация.

Ушбу мақолада контекстли таълимдан фойдаланиш муҳокама қилинади. Контекстли таълим - бу университет талабалари ўртасида касбий аҳамиятга эга бўлган ваколатларни шакллантиришга ёрдам берадиган ва таълим фаолиятини босқичма-босқич касбий фаолиятга айлантиришга имкон берадиган тегишли таълим усули.

контекст, ўқитиш, ўрганиш, талаба, услугуб, ўқитувчи.

Калит сўзлар:

Аннотация:

В этой статье обсуждается использование контекстуального обучения. Контекстное обучение - это актуальный образовательный подход, который способствует формированию профессионально значимых компетенций у учащихся профессионального образования и позволяет постепенно трансформировать образовательную деятельность в профессиональную.

контекст, преподавание, обучение, студент, метод, преподаватель.

Ключевые слова:

Annotation:

This article discusses the use of contextual learning. Contextual learning is a relevant educational approach that contributes to the formation of professionally significant competencies among university students and allows for a gradual transformation of educational activities into professional ones.

context, teaching, learning, student, style, teacher.

Key words:

Consistent work is being carried out in the country to reform the education system by training highly qualified personnel who meet the requirements of the labor market, implementing international standards for assessing the quality of education, creating effective mechanisms for introducing innovative scientific achievements into practice and implementing the tasks defined by the Action Strategy for the five priority areas of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

At the same time, the inconsistency of vocational education programs with the levels of the International Standard Classification of Education (ISCED) adopted by UNESCO, the incomplete introduction of the National Qualification System of Uzbekistan into the educational process prevent trained personnel from taking a worthy place in the labor market.

In order to improve the system of vocational education based on advanced foreign experience, training qualified

and competitive personnel for the labor market through the introduction of levels of primary, secondary and secondary specialized vocational education, as well as the broad involvement of employers in this process.

Dated 06.09.2019, No. DP – 5812, to create in the Republic of Uzbekistan, starting from the 2020/2021 academic year, a network of educational institutions with the introduction into their activities of a new system of primary, secondary and secondary specialized vocational education and differentiated educational programs corresponding to the levels of the International Standard Classification of Education (hereinafter referred to as the International Classification) [1].

A growing number of studies show that the majority of students whose interest and achievements in natural sciences and language are significantly improved when they are helped to make connections between new knowledge and experience

that they had, or with other knowledge that they have already mastered [2].

The theory of contextual learning is relevant both in Russia and abroad. The founder of this theory in Russia is A.A. Verbitsky, who in the journal «Questions of Psychology» in 1981 in the article «Psychology and pedagogy of higher education: problems, results, prospects. Round table» for the first time wrote: «With the advent of business games and other practice-oriented forms and methods of active learning at the university we can obviously talk about the fourth way of learning - abstract-contextual or sign-contextual.»

Contextual learning is a proven concept that includes the latest research in the field of cognitive science [3].

The contextual approach shows that learning is a complex and multifaceted process that goes far beyond the training-oriented methodologies of stimulus and reaction [4].

The main part. Contextual learning (CL) is a learning system that connects brain actions. Contextual learning is the connection of academic content with the context of real life. This is very important because it helps to preserve not only short-term memory, which students usually easily forget, but it also helps to store long-term memory, which will help them apply these memories in their work responsibilities later in life.

Contextual learning, called the contextual approach, helps teachers relate the content that students are learning academically to real-world situations. This inspires students to establish a connection between knowledge in their lives.


According to Hull, contextual learning theory states that learning occurs only when students process new information or knowledge. He also says that this approach to teaching and learning assumes that the mind naturally searches for meaning in context and does so by searching for relationships that make sense and seem useful [5]. This approach assumes that the brain is looking for the meaning of a specific relationship with our environment. Based on the results of scientific work on projects to modernize vocational education at Ohio State University and Bowling Green University, the following definition of contextual learning was formulated: «Contextual learning is a concept of teaching and learning that helps teachers correlate the content of the subject with real-world situations and motivates students to establish links between knowledge and their application in life» [6].

Based on this activity, CL can not only be done in the classroom, but also in laboratories, as well as in the workplace. Teachers should create a learning environment that can be easily linked to real life. In this type of environment, students can find a connection between unrealistic ideas and everyday ideas in the context of the real world. The curriculum and instructions based on contextual learning strategies should be structured in such a way as to encourage the five main forms of learning [7].

Contextual learning is useful for students' development, because by providing a learning experience in a context in which they are interested and motivated, they can achieve more. Contextual learning structures may include, inter alia, internships, service training, and study abroad programs.

Various empirical learning theorists have contributed to the understanding of contextual learning. Among them are John Dewey, Kurt Levin, David Kolb and Peter Ewell.

Conclusion. Modernization of education should be focused on the introduction of such educational technologies that contribute to the formation of an active position among



students, direct them to gain knowledge, creative problem solving and making competent decisions. To achieve high results, it is advisable to use the technology of contextual learning, within the framework of which the professional content of the future professional activity of students is modeled. Contextual learning helps to correlate the content of the subject with the real situation in the world and motivates students to acquire the knowledge and skills necessary for successful professional activity.

The reform of the educational system

that has been taking place in our country in recent years is aimed at enabling students to receive a quality education and become highly qualified specialists. Contextual learning is an up-to-date educational approach that contributes to the formation of professionally significant competencies among university students and allows for the gradual transformation of educational activities into professional ones. The problem of effective implementation of contextual learning at the university is dealt with by teachers not only in our country, but also abroad [8].

LIST OF USED LITERATURE.

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, dated September 6, 2019 No. DP-5812
2. Bernd, R. G., & Erickson, P. M. (2001). Contextual teaching and learning: preparing students for the new economy: national dissemination center for career and technical education.
3. Thomas, j. w. (2000). a review of research on project based learning.
4. Byars-Winston, a. m., & fouad, n. a. (2008). Math and science social cognitive variables in college students contributions of contextual factors in predicting goals. journal of career assessment, 16(4), 425-440.
5. Hull, D. (1995). Who are you calling stupid?: the revolution that's changing education: cord communications.
6. Bernd R.G., P.M. Erickson P.M. Contextual Teaching and Learning: Preparing Students for the New Economy [Электронный ресурс] // The Highlight Zone: Research Work. – 2001. – № 2 (5). – Р. 1–8. – Режим доступа: https://ru.scribd.com/document/209938778/NCCTE-Highlight05_ContextualTeachingLearning (дата обращения: 10.03.2018).
7. Powers, S., & Guan, S. (2000). Examining the range of student needs in the design and development of a web-based course. instructional and cognitive impacts of web-based education, 200- 216
8. Verbitsky A.A. Competency-Based Approach and Theory of Contextual Learning: Materials for the fourth meeting of the methodological seminar November 16, 2004 - M.: Research Center for the Quality of Training of Specialists, 2004. - 84 .

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Б.Ф.Носиров

Профессионал таълимни ривожлантириш институти таянч докторанти

Аннотация:	Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки таълим тизими доимий равиша ривожланишда ва замон талабларига мослашувчан бўлмоғи лозим. Ушбу мақолада таълим тизимида масофавий таълимни жорий қилишнинг аҳамияти, олиб борилаётган илмий, амалий тадқиқотлар, эришилаётган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шунингдек, масофавий таълимнинг педагогларнинг касбий ва шахсий ривожланишидаги аҳамияти ҳақида атрофлича фикрлар юритилган.
Калит сўзлар:	масофавий таълим, синхрон, асинхрон, касбий ривожланиш, малака ошириш, касбий компетентлик, аралаш таълим, видео-алоқа, онлайн контент, медиакомпетентлик, баҳолаш принциплари, методик қўллаб-қувватлаш.
Аннотация:	Мировой опыт показывает, что система образования должна постоянно развиваться и быть гибкой к требованиям времени. В данной статье кратко рассмотрены важность внедрения дистанционного образования в систему образования, проводимые научные и практические исследования, достижения и существующие проблемы. Также обсуждалась важность дистанционного образования в профессиональном и личностном развитии педагогов.
Ключевые слова:	дистанционное обучение, синхронное, асинхронное, повышение квалификации, профессиональная компетентность, смешанное обучение, видеокоммуникация, онлайн-контент, медиакомпетентность, принципы оценивания, методическое обеспечение.
Annotation:	International experience shows that the education system must be constantly evolving and flexible to the requirements of the times. In this article, the importance of introducing distance education in the educational system, the ongoing scientific and practical research, achievements and existing problems are briefly discussed. The importance of distance education in the professional and personal development of pedagogues was also discussed.
Key words:	distance education, synchronous, asynchronous, professional development, professional competence, mixed education, video communication, online content, media competence, assessment principles, methodical support.

Тарихий тараққиёт даврида таълим тизими бир неча босқичларни босиб ўтган бўлсада, ҳар доим таълим жараёнининг асосий функционал мақсад ва вазифаси ёшларни илм-фанга жалб қилиш, янги замонавий тадқиқот йўналишларини ишлаб чиқиш, тадқиқотлар бозори талабларидан келиб чиқиб илмий-тадқиқотларнинг амалий сифат ва натижадорлигини ошириш, шунингдек, "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи доирасида таълим олувчилик талабларидан келиб чиқиб ҳар

доим, ҳар қандай вақтда ўзлари учун зарурый билимларни олишларига шароит яратиш, уларни керакли манбалар билан таъминлаш бўлиб келган. Бу жараён ҳар бир босқичида янги шакл ва мазмун касб этган бўлса-да, сўнгги 10 йиллик, айниқса СОВИД-19 пандемияси шароитида таълим тизимида мавжуд айрим муаммолар кўзга ташлана бошладики, булар асосан таълим олувчиларнинг вазият тақозоси билан таълим муассасаларида эмас уй шароитида таълим олиш жараёнини ташкил этиш

билин боғлиқдир. Барчамизга маълумки, пандемия даврида таълим жараёнида се-зиларли узилишлар юзага келди. Бу эса, ўз навбатида, сифатли таълим бериш ва бу жараённинг узлуксизлигини таъминлаш учун янгича ташкилий шаклларни талаб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда ҳам таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, таълимнинг жаҳон талабларига жавоб берадиган шаклларини зудлик билан ўрганиб чиқиш ва миллий таълим тизими-мизга татбиқ қилиш, айниқса, масофавий таълим жараёнига алоҳида эътибор берила бошланди.

Шиддат билан ривожланаётган даврда таълим, унинг мазмуни, шунингдек, бугунги кун таълим олувчисининг талаблари ҳам олдингидек эмас. Улар ҳар доим, ҳар вақт ва ҳар жойда чекланмаган таълим

**Тадқиқотларга кўра
масофавий таълим АҚШнинг
Гарвард ва Массачусетс
сингари тарихий ва машҳур
технология институтларида
дастлаб йўлга қўйилган
бўлса-да, масофавий(онлайн)
таълимнинг кенг жорий
қилиниши бир неча ўн
йилликларни талаб қилди.
Дастлаб масофавий таълим
шунчаки почта қутилари
орқали тарқатилган дарс
мавзуси маълумотлари ҳамда
уй вазифалари кўринишида
тажрибадан ўтказилган
бўлса, кейинчалик халқаро
интернет тармоғи ушбу таълим
тарзининг кенг ёйилишига
катта замин яратди.**

олиш имкониятларидан фойдаланишни хоҳлайди. Бу эса давлат ва жамият олди-га таълимни узвий рақамлаштириш ва ахборотлашган жамиятга муносиб кадрлар тайёрлаш масаласини кўндаланг қўй-моқда. Ўзбекистон Республикаси таълим

тизимида ҳам рақамлаштириш жараён-лари билан боғлиқ бирмунча салмоқ-ли ишлар амалга оширилмоқдаки, бунда ахборотлаштириш соҳасидаги “ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ти-зимларини ривожлантириш ҳамда та-комиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда мил-лий ахборот тизимини яратишга қаратил-ган” жаҳон талабларига жавоб берувчи тармоқ ва сифатли таълим тизимини таш-кил этиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилиди. Бу мақсадлар ижросидан кўз-ланган асосий мақсад олий ва професси-онал таълим тизими раҳбар ва мутахассис ҳамда профессор-ўқитувчилари малакасини узлуксиз доимий ошириб бориш ва қайта тайёрлаш орқали таълим сифа-ти ва самарадорлигини ошириш, бунда масофавий таълим технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият бе-рилмоқда. Жумладан, масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда раҳбар ва профессор-ўқитувчиларни қай-та тайёрлаш, уларнинг малакасини дои-мий ошириб боришнинг виртуал методик таъминоти бўйича инновацион метод ва замонавий технологиялар яратилмоқда ва тизимга татбиқ этилмоқда.[1] Шунингдек, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳар қандай ҳолда, қандай жойда бўлишидан қатъи назар, таълим олувчи-лар эҳтиёжларини тўла қондириш, жамият тараққиётининг прогрессив ўсишини мунтазам таъминлашни инобатга олган ҳолда масофавий таълим технологияла-ридан малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида кенг фойдаланиш ҳам долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 19 майдаги қонуни 16-моддасида ҳам масофавий таълимга алоҳида урғу берилиши унинг узлуксиз таълим жараёнида қанчалик муҳим аҳамиятта эга эканлигини яна бир бор таъ-кидлайди. Масофавий таълим давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилгани унинг барча давлат дастурларида тилга олини-ши билан ҳам изоҳланиши мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамили иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараённига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш” вазифалари асосий қилиб белгиланиши ҳам унинг долзарблигини яна бир бор асослайди.[2] Мазкур вазифаларни изчиллик билан ижобий ҳал қилиш мақсадида 2017-2021 йилларда бир қанча таълим тизимида оид ижобий ислоҳотлар амалга оширилди ва бу давом этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Реабуликаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми ҳисобланган 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2021 йил 26 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 559-сон қарори ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгилangan бажарилиши долзарб ҳисобланган ва-

зифаларни амалга ошириш таълим тизими олдидаги асосий масалалар ҳисобланади.[3]

Мамлакатимизда малака ошириш тизими ривожланишининг мазарий-методологик масала ва муаммолари Р.Х.Джўраев, Ҳ.Ф.Рашидов, А.Р.Ходжабаев, Ш.Е.Қурбонов, Н.А.Муслимов, У.И.Иноятов, Н.Ф.Абдуназарова, Ш.С.Шарипов, У.Ш.Бегимқулов, Б.С.Нуриддинов, О.Х.Тўрақулов, Ш.Қ.Мардонов, К.А.Каримов, Ҳ.Ш.Бегимқулов ва бошқа юртимиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Амалга оширилган барча тадқиқот ишлари таълим тизимидағи муаммолар ва уларнинг ечимини ўзида қамраб олган бўлиб, У.Бегимқулов педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг методик, дастурий-техник таъминоти, Ф.Закирова эса педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини шакллантириш, Т.Шоймардонов тадқиқот ишларида айнан педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларининг мониторинг механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий жиҳатларини ёритиб беришган[4].

Масофавий таълим жараёни халқаро таълим талаблари асосида ривожланаётган долзарб масалалардан бири бўлиб, унинг хорижий миқёсда ривожланиши ва тараққиёти, таълим жараёнига татбиқ этилиши Stephen Renton, Cynthia Clay, Timothy Koegel, Sherrie Rose, E.R.Sari, Karin Crawford, Б.Лебедева, И.Б.Стрелкова, Сузан Э.Лее, Г.Лундберг, Ч.Вингсле, К.Ткхелидзе, М.А.Гарсиа, С.С.Андерссон, А.А.Лен, Л.Рябовол, Л.С.Юревич, Д.Т.Викторовна, И.Н.Стребкова каби хорижий олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган, амалий тақлифлар тайёрланган.

Шундай тадқиқот ишларидан бири индонезиялик Э.Р.Сари томонидан 2012 йилда “Teacher professional development in an online learning community: a case study in Indonesia” мавзусида амалга оширилган бўлиб, унда ўқитувчилар малакасини оширишга қўйидагича таъриф берилади: “Ўқитувчининг касбий ривож-

ланиши (ТПД): инсон ресурсларини бошқариш ва касбий ўсишни мақсад қилган таълимдаги ривожланиш дастури ва таълимдаги ўзгаришларга таъсир кўрсатиш учун ўқитувчиларни такомиллаштириш амалиёти”[5]. Худди шундай тадқиқот ишларидан бири Ҳ.Стефан томонидан 2007 йилда Швецияда “Participating in Synchronous Online education” мавзусида амалга оширилган бўлиб, унда асосий эътибор масофавий таълим турларидан бири ҳисобланган синхрон таълимни жорий этиш масалалари, унинг педагогларнинг касбий ривожланишидаги ижобий ва салбий томонлари таҳлилига қаратилган. У ўзининг тадқиқот ишида қўйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Бугунги кунда ишчи кучига талаб ошгани сари таълимга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда, олий маълумотли бўлиш билан бирга ўз устида узлуксиз ишлаш талаб этилмоқда. Масофавий таълим жамиятда ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун таълим тизимидаи кучли жавоб реакцияси дейишимиз мумкин. Бу ерда қисқача масофавий таълим сифатида таърифланган онлайн таълим аслида онлайн воситачилик, онлайн ғоялар тўқнашуви, масофадан бир-бирини тушуна олиш, бир-бирини ўзаро ривожлантириш, ҳудуд, вақт таъсир қилмаган ҳолда мунтазам ривожланишнинг таълимдаги энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Бу асосан асинхрон алоқага таянади, гарчи у кўплаб фойдаланувчиларда синхронизация этишмаслигидан муаммо сифатида кўринса-да, бу вақтинчалик эканлигини тушунишлари зарур”.[6]

Аввало педагоглар малака ошириш тизими улар фаолиятида қандай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши, қандай янги имкониятлар эшигини очиши ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Ҳ.Бегимқулов “Малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш” мавзусидаги PhD диссертациясида масофавий малака ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг

**Сўнгги йилларда
масофавий малака
oshiриш тизимини янада
такомиллаштиришга оид
қилинган илмий тадқиқот
ишларида К.А.Каримов ва
Ҳ.Ш.Бегимқуловларнинг
ишлари салмоқли аҳамиятга
эга. К.А.Каримов ўзининг
2018 йилда олиб борган
“Педагог кадрлар малака
oshiриш тизимида АҚТ
муҳитини такомиллаштириш”
мавзусидаги PhD диссертация
ишида масофавий таълимнинг
назарий-методологик
асослари, тизимлаштириш,
платформа жорий этиш ва
онлайн контентлар яратиш
лойиҳасини ишлаб чиқди ва
амалиётга жорий этди.[7]**

назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиши билан бирга платформани видео алоқа контентини қўшиш орқали янада ривожлантириш тизимини ишлаб чиқди[8]. Ҳозирги кунда масофавий малака ошириш тизимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида илмий тадқиқот ишлари давом этирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, амалга оширилган тадқиқот ишлари таҳлили, олиб борилаётган фаол ижтимоий сиёsat натижаси ўлароқ бугунги кунда педагоглар малакасини ошириш тизимида бир қанча ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, ҳалигача ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биз адабиётлар таҳлили, олиб борилган тадқиқотлар илмий янгиликлари, белгиланган вазифаларнинг амалга оширилганлик даражаларини ўрганиб чиқиб қўйидаги муаммолар мавжудлигини, улар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борили-

ши зарурлиги, халқаро талабларга мос ҳолда мавжудлари такомиллаштирилиб, қайта жорий этилиши, зарур ҳолларда янги платформа ва контентлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

- Масофавий таълим платформасида фойдаланувчиларга икки туридан ҳам тенг фойдаланиш мақсадида синхрон ва асинхрон турлари учун умумий контент ишлаб чиқиш.
- Масофавий таълим фойдаланувчилари учун электрон кутубхона блокини жорий қилиш.
- Барча профессионал таълим педагог ходимлари учун my.moqt.uz платформасида касбий стандартларга асосланган қисқа муддатли курслар тизимини ишлаб чиқиш.
- Касбий эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда

фойдаланувчилар учун меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, педагогик, методик, касбий кўникмаларга асосланган қисқа муддатли курслар тўпламини жорий қилиш ва йил давомида фойдаланиш имкониятини яратиш, келгусида зарур ҳолларда пулли контентларни йўлга қўйиш.

- Масофавий таълим курсларида шахсга йўналтирилган, мустақил ўрганиш, эркин фикрлашга тарғиб қилувчи мавзулар ва методлардан фойдаланиш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.

Ҳар бир амалга оширилаётган ислоҳотлар, илмий тадқиқотлар самараси аввало мамлакатимиз келажаги, халқаро талабларга жавоб бера оладиган етук мутахассис педагоглар ҳамда етишиб чиқаётган рақо-батбардош кадрларни тайёрлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5812-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибига солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 106-сонли қарори.
4. Носиров.Б.Ф., "Профессионал таълим тизимида масофавий таълимдан фойдаланиш истиқболлари". Э-ИССН : 2181-4341. ИҚРО ЖУРНАЛИ/2023 ВОЛ-2 ИССҮЕ-1.
5. E.R. Sari «Teacher professional development in an online learning community: a case study in Indonesia» PhD dissertation Edith Cowan University, March 2012.
6. H.Stefan «Participating in Synchronous Online education» PhD dissertation School of economics and Management, Lund University, Sweden 2007y.
7. К.А.Каримов "Педагог кадрлар малака ошириш тизимида АКТ мұхитини такомиллаштириш" PhD диссертацияси, Тошкент 2018 й.
8. Ҳ.Ш.Бегимқулов "Малака ошириш тизимида профессионал таълим педагог кадрларининг медиакомпетентлигини рақамли технологиялар воситасида такомиллаштириш" PhD диссертацияси, Тошкент, 2023 й.
9. <http://my.moqt.uz/>
10. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000110749>

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

М.Худайберганова

Хоразм вилояти, Урганч шаҳар 1-сон касб-хунар мактабининг
махсус фан ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада замонавий таълим тизимида мультимедиа ресурсларини ўқитишида фойдаланувчи электрон мультимедиа ишланмалари ва ресурслари, мультимедиа ресурслари классификацияси ва уларнинг компонентлари, мультимедиа ресурсларининг сифатини аниқловчи умумий ва маҳсус дидактик талаблар тизими ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

Мультимедиа воситаларини таълимда қўллаш имконлари, мультимедиа ресурслари классификацияси ва уларнинг компонентлари, мультимедиа ресурсларининг сифатини аниқловчи умумий ва маҳсус дидактик талаблар тизими.

Аннотация:

В данной статье рассматриваются электронные мультимедийные разработки и ресурсы, классификация мультимедийных ресурсов и их компонентов, система общих и специальных дидактических требований, определяющих качество мультимедийных ресурсов в современной образовательной системе.

Ключевые слова:

Возможности использования мультимедийных средств в образовании, классификация мультимедийных ресурсов и их компонентов, система общих и специальных дидактических требований, определяющих качество мультимедийных ресурсов.

Abstract:

This article discusses the use of electronic multimedia developments and resources in the modern education system, the classification of multimedia resources and their components, and the system of general and special didactic requirements that determine the quality of multimedia resources.

Key words:

Possibilities of using multimedia tools in education, classification of multimedia resources and their components, system of general and special didactic requirements determining the quality of multimedia resources.

Мультимедиа воситаларини таълимда қўллаш қўйидагиларга имконият яратади:



Таълим олувчининг коммуникатив ва ижтимоий қобилиятиларини ри-вожлантиришга қўйидагилар киради:

- компьютер воситалари ва ахборот электрон таълим ресурслари ёрдамида ҳар бир шахснинг алоҳида (индивидуал) таълим олиши ҳисобига очиқ ва масофавий таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялаш имкониятлари сезиларли даражада кенгаяди;
- таълим олувчига фаол билим олувчи субъект сифатида қараш, унинг қадр-қимматини тан олиш;
- таълим олувчининг шахсий тажрибаси ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- мустақил ўқув фаолиятини олиб бориш, бунда таълим олувчи мустақил ўқиб ва ривожланиб боради;
- таълим олувчиларда, ўзларининг касбий вазифаларини муваффақиятли бажариш учун ҳозирги тез ўзгарувчан ижтимоий шароитларга мослашувига ёрдам берадиган замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Мультимедиа воситалари ёрдамида шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш жараёни замонавий, кўптармоқли, предметга йўналтирилган мультимедиали ўқув воситаларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб этади. Улар таркибида кенг маълумотлар базаси, таълим йўналиши бўйича билимлар базаси, сунъий интеллект тизимлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг математик моделини яратиш имконияти бўлган лаборатория амалиётлари киради.

Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг манфаатдорлигини (мотивациясини) оширишга кўмаклашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги мультимедиали ўқув ахборотларининг уйғуллашуви, интерактивлик, мослашувчанлик сифатларига кўра мультимедиа фойдали

ва маҳсулдор таълим технологияси ҳисобланади.

Интерактивликнинг таъминланиши ахборотларни тақдим этишнинг бошқа воситалари билан таққослагандан рақамили мультимедианинг муҳим ютуқларидан ҳисобланади. Интерактивлик таълим олувчининг эҳтиёжларига мос равишда тегишли ахборотларни тақдим этишни назарда тутади. Интерактивлик маълум бир даражада ахборотларни тақдим этишни бошқариш имконини беради: таълим олувчилар дастурда белгиланган созволарни индивидуал тарзда ўзgartариши, натижаларини ўрганиши, фойдаланувчининг муайян хоҳиши ҳақидаги дастур сўровига жавоб бериши, материалларни тақдим этиш тезлигини ҳамда тақрорлашлар сонини белгилаши мумкин. Лекин мультимедиадан фойдаланишда бир қатор жиҳатларни эътиборга олиш муҳим. Мультимедиада тақдим этилаётган ўқув материалларини тушуниш учун қулай бўлиши, замонавий ахборотлар ва қулай воситалар орқали тақдим этилиши талаб қилинади.

Мультимедиа технологияларининг барча имкониятларини тўлиқ очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш учун таълим олувчиларга салоҳиятли (компетентли) ўқитувчининг кўмаги зарур бўлади. Дарсликлардан фойдаланилгани сингари, мультимедиа воситаларини қўллашда ҳам таълим стратегияси таълим жараёнида ўқитувчи нафақат ахборотларни тақдим этиш, балки таълим олувчиларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва жараённи бошқариб бориш билан шуғуллангандагина мазмунан бойитилиши мумкин. Одатда, чиройли тасвирлар ёки анимациялар билан бойитилган тақдимотлар оддий кўринишдаги матнларга қараганда анча жозибали чиқади ва улар тақдим этилаётган материалларни тўлдирган ҳолда зарурий эмоционал даражани таъминлаб туриши мумкин.

Мультимедиа воситалари ҳар хил таълим йўналишлари (стиллари) уйғунлигига қўлланилиши ва таълим олиш ҳамда би-

лимларни қабул қилишнинг турли руҳий ва ёшга доир хусусиятларига эга бўлган шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин: айрим таълим оловчилар бевосита ўқиши орқали, бъязилари эса эшитиб идрок этиш, бошқалари эса (видеофильмларни) кўриш орқали таълим олишни ва билимларни ўзлаштиришни хуш кўрадилар.

Интерактив мультимедиа технологиялари академик эҳтиёжга эга бўлган таълим оловчига ноанъанавий қулайлик туғдиради. Хусусан, эшитиш сезгисида дефекти бор таълим оловчиларда фонологик малакалар ва ўқиши малакалари ўсиши, шунингдек, уларнинг ахборотларни визуал ўзлаштиришларини таъминлайди. Нутқи ва жисмоний имконияти чекланганларда эса воситалардан уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб фойдаланишга имкон беради.

Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли (инструментлари) бўлиб, у ўқитувчига анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг кўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш; кўргазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш; ахборот турларини таълим оловчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантиқий ўрганишига мос равища кетма-кетлиқда танлаб олиш имкониятини яратади.

Таълимда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг умумий бўлган бирмунча салбий тарафлари хам мавжуд. Улар жумласига диққатнинг бўлинниши, материалларни яратишдаги мураккабликлар, вақтнинг кўпроқ талаб этилиши, дастурий таъминот ва техника воситаларини созлаш ва фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар, ахборотларни компьютер экранидан ўқиши жараёнидаги қийинчиликлар ва бошқа жиҳатлар киради.

Шу жумладан, телевидение, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни

трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишлиланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультиплексијий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш зарур ҳисобланади. “ZiyoNet” тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбалари гириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедиа ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунинг-дек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга маҳсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш белгиланган.

Ахборотларни тақдим этишининг мурракаб усууларидан фойдаланиш аксарият ҳолларда ҳар хил номутаносибликлар туфайли таълим оловчилар диққатини ўрганилаётган асосий мавзудан чалғитиши мумкин. Мультимедиа воситаларида тақдим этилаётган катта ҳажмдаги маълумотлар, турли ҳавола ва шу кабилар дарс жараёнида ўқувчи диққатини бўлиши мумкин.

Мультимедиа воситаларининг аудио, видео, график ва бошқа элементларини яратиш анъанавий матн кўринишидаги материалларни яратишдан кўра анча мурракаб.

Мультимедиали материалларни мустақил равища яратиш сингари мультимедиадан таълим оловчи сифатида фойдаланиш ҳам бирмунча кўпроқ вақт сарфланишини талаб этади. Айниқса, мультимедиали таълим воситаларини яратиш учун кўп вақт ва диққат керак бўлади.

Мультимедиали таълим воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун дастурий таъминот ва техника воситалари талаб даражасида созланган бўлиши зарур.


Бунда мультимедиали таълим материалларини тақдим этиш жараёни матнларни таҳрирлаш ва акс эттиришнинг од-

дий воситаларига қараганда янада юқори сифат ва кенг имкониятлар талаб этади.

Үқитишга мўлжалланган мультимедиа технологияларига асосланган электрон ахборот ресурсларининг асосий кўринишлари қуидагилар бўлиши мумкин:

Ахборот – қидирув ва маълумот мультимедиа тизимлари ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг маълумотларни

Ўқитишга мўлжалланган мультимедия



сақлаш, қидириш ва тақдим этиши учун мўлжалланган. Бундай тизимлар таркиби-га материалнинг иерархик таркиб этишини таъминловчи турли гипермедиа дастурла-

ри ва ушбу белгилар бўйича мултимедиа ахборотларини тез қидиришга тааллуқли бўлиши мумкин. Шунингдек, маълумотлар омбори ҳам кенг имкониятларни тақдим этади. Маълумотлар омбори бошқарув тизими мультимедиа ахборотларини қидириш ва саралаш имкониятини таъминлайди.

Амалий мультимедиа-энциклопедиялар битта курсга, шунингдек, курслар гурӯҳига мос келиши керак. Бу ҳолатда ўқув модули аниқ бир мавзу ёки тушунчага бағишиланиши мумкин. Масалан, модул анъанавий дарсликнинг битта параграфи таркибига мос келувчи материалдан иборат бўлиши ёки бир вақтнинг ўзида бир неча курсларда фойдаланиувчи атамаларни тушунтириши мумкин.

Электрон энциклопедия яратиш ва синфлаш асослари билимларни структуралаш, билимлар соҳасидаги атамаларни белгилаш ва улар орасидаги муносабатлар ҳисобланади. Билимлар даражасини ўлчаш ва назорат қилиш учун мультимедиа-воситалари телекоммуникацион оламда етарлича кенг тақдим этилган ҳамда уларнинг яралишига тааллуқли ўқитишда кенг қўлланилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Шавкат Мирзиёев, "Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз" Тошкент- "Ўзбекистон"-2018.
- Шавкат Мирзиёев, "Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир" Тошкент- "Ўзбекистон"-2018.
- С.С Қосимов. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент. "Алоқачи", 2006.
- Ахборот технологияси. Ахборотларнинг криптографик муҳофазаси. Маълумотларни шифрлаш алгоритми Ўзбекистон Давлат стандарти. ЎзДСт1101:2006.
- С.К.Ганаев, М.М. Каримов. Ҳисоблаш системалари ва тармоқларида инфомация ҳимояси.– Тошкент Давлат техника университети, 2003.
- В.И.Завгородний. Комплексная защита информации в компьютерных системах: Учебное пособие.-М: Логос; ПБЮЛН.А.Егоров, 2001.
- Г.Н. Устинов. Основы Информационной безопасности систем и сетей передачи данных. Учебное пособие. Серия "Безопасность".- М.:СИНТЕГ, 2000.

Internet manbalari:

- <https://arxiv.uz.referatlar>.
- <azkurs.org.ahborot texnologiyalari>.
- <https://staff.tiame.uz Foydalanuvchilar uchun>.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАВР ТАЛАБИ

С. Убайдуллаева

Профессионал таълимни ривожлантириш институти докторанти

Аннотация:	Жаҳонда профессионал таълим педагог-кадрлари олдига долзарб вазифа кўйилган, уҳам бўлса, таълим олувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш бўйича таълим шаклларини, метод ва воситаларини ҳамда замонавий ўқитиш назариясини ишлаб чиқиш. Бундан ташқари, профессионал таълимда таълим олувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлиги сифатини ошириш таълим жараёнига янги ёндашув ва тамоилларни киритишни тақозо этади.
Калит сўзлар:	мустақил таълим, профессионал таълим, касбий фаолият, дидактик ва педагогик тамоиллар, махсус фанлар.
Аннотация:	В мире перед педагогами профессионального образования стоит актуальная задача – разработка образовательных форм, методов и средств, а также современной теории обучения для развития готовности студентов к профессиональной деятельности. Кроме того, повышение качества профессиональной подготовки студентов профессионального образования требует внедрения новых подходов и принципов в учебный процесс.
Ключевые слова:	самостоятельное образование, профессиональное образование, профессиональная деятельность, дидактико-педагогические принципы, специальные предметы.
Annotation:	In the world, professional education pedagogues have an urgent task, and that is to develop educational forms, methods and tools, as well as modern teaching theory for the development of students' readiness for professional activity. In addition, improving the quality of professional training of students in professional education requires the introduction of new approaches and principles to the educational process.
Key words:	independent education, professional education, professional activity, didactic and pedagogical principles, special subjects.

Республикамизда профессионал таълим жараёнини модернизациялаш мақсадида бир қанча хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилмоқда. Хусусан, Германия, Швейцария, Белоруссия каби давлатлар билан самарали ҳамкорлик ташкил қилинмоқда. Барча соҳалардаги ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тарагиёт стратегияси сари” деган тамоилнинг асосий ғоя ва бош мезони сифатида етти йўналишдан тўртинчиси “Адолатли ижтимоий сиёsat юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш” деб белгиланган.

Шу боис, мамлакатимизда таълим тизимини хорижий тажрибалар асосида тақомиллаштириб бориш, таълимнинг янги шаклларини татбиқ этиш зарур.

Бугунги кунда таълим олувчиларнинг мустақил танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва топиш, ақлий меҳнат маданиятини, мустақил билим олиш малакаларини ривожлантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Замонавий профессионал таълимининг вазифалари ва мақсадларининг ўзгариши ҳамда кенгайиб бориши – таълим мазмунини, коллеж тузилмасини ҳамда ўқитиш жараёнини тақомиллаштиришга олиб келди.

Ҳозирги даврда касб-хунар таълими муассасалари олдига таълим-тарбия бериш шароитларини яратиш ва такомиллаштириб бориш билан бир қаторда ўқувчиларнинг қизиқишилари, эҳтиёжи, ҳудудий хусусиятлар ҳамда ишлаб чиқариш талабларига қараб касб-хунарга тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ҳозирги даврда ўқитувчининг таълим жараёнидаги вазифаси ва роли ўзгариб бормоқда: таълим жараёнидаги фаоллиги пасайиб бормоқда. Ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда ҳамда ўқувчиларнинг

Мустақил таълим олиш ўқувчининг ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар эса ўқув материалини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади.

мустақил ўрганишларида у фақат ёрдам берувчи, маслаҳатчи сифатида қатнашиши давр талаби бўлиб қолди.

Мустақил таълим – ўқувчиларнинг ўқув мақсадларига кафолатли эришишларини, шунингдек, фан дастурлари доирасидаги ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари бўйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутади. Ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг мустақил таълим олишга интилишларини рағбатлантиришлари ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи якка ҳолда самаралироқ ишлайдими ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргалиқда ишлашни ёқтирадими; ўз вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга интернет тармоғидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми – ўқувчи мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак.

Мустақил таълимнинг асосий моҳијати ҳам шундаки, ўқувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машғулотларда берилаётган билимлар бў-

лиши керак эмас. Мустақил таълим шароитида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалини ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топишга ундашлари ҳамда йўналтиришлари лозим.

Мустақил таълимда ўқитиш мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни мос ҳолда ҳамда ташқи таъсир ёрдамисиз амалга оширилиши керак.

Шахснинг мустақиллиги унинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучни сарф этиш каби хусусиятларининг борлигидир.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда ўқувчининг мустақил билим олишини самарали ташкил этиш орқали уни ижодий фаолият юритишга ва шу билан мустақил изланишга ундейди.

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабларни қўяди. Таълим муассасасидаги ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якунний натижаси олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда ўқувчи аниқ бўлмаган ҳамда олдиндан режалаштирилмаган натижага эришиши керак, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши лозим.

Мустақил билим олишнинг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиши ва самарали амалга ошириш кўзланган натижага олиб келади.

Ўқувчи ўзи олган билимлари сифатига жавобгарликни зиммасига олиши керак. Ўқувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маъruzalariда берилаётган билимлар эмас, балки ўқувчи ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, ўқувчининг тадқиқот олиб бориш

кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Ҳар бир бўлажак замонавий мутахассис мустақил равишда таълим олишга ва ўрганишга шундай тайёрланишлари керакки, улар нафақат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда ҳамда самарали ўзлаштира олишлари лозим. Шуни таъкидлаш керакки, бўлажак кичик мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик вазифа ҳам ҳисобланади ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун маҳсус методикалар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мустақил таълим олишнинг устувор омилларидан бири ўқувчининг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни ҳис қилишидадир. У ўқитувчи га қарам эмас, у ўзи мустақил равишда нимани ва қандай қилиб ўрганишни ҳал қила олади. Бундай ўқувчининг ўзи камчиликларини ўзи тузатиши учун мустақил ишлайди. Бунда ўқувчининг таълим олишни мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимdir.

Ўқитувчилар ўқувчиларни таълим олишдаги индивидуал стратегияларни шакллантириш бўйича интилишларини олқишлиш ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Ўқувчи якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; талаба вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга Интернет тармоғидаги мавжуд электрон материаллардан фойдаланиш қулайроқми – мустақил таълим шароитида талаба ишни қандай қилиб

яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи яхши билиши керак. Талаба олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши кутилади. Талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маъruzаларда бераётган мавзулар бўлиши керак эмас. Талаба ўзи англashi ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Замонавий таълим жараёнининг вазифаси ўқитиш, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ соҳалар учун кичик мутахассислар тайёрлашда ўқувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, мустақил ҳамда ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, илмий-амалий билимларни чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда ўқувчилар қобилияти ва қизиқишига онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ҳамда масъулияти ошишига ёрдам беради.

Маҳсус фанларни ўқитишида ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини, яъни техник фикрлашни, фазовий тасаввур, лойиҳачилик зеҳнини, билимлардан муайян муаммоли вазиятларда фойдалана олиш иқтидорини ва бошқа малакаларни ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Профессионал таълимда ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини шакллантириш ва ривожлантиришда мустақил ишларни самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятта эга. Чунки ўқувчилар мустақил ҳолда топшириқлар ёки машқларни бажариши орқали уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мумкин.

Адабиётлар

1. Қ.Т.Олимов ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Фан" – 2009. 172 б.
2. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илгор педагогик технологиялар». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2008. – 80 б.

ТАШҚИ МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭҲТИЁЖИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ф.Машарипов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Иш берувчилар билан ҳамкорлик ва амалиётни ташкил этиш бўлими бошлиғи

Аннотация:

Ушбу мақолада иқтисодиётнинг ривожланиш босқичида ташқи меҳнат бозори эҳтиёжини шакллантириш омиллари таснифланган. Шу билан бирга ёшларни ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга малакали кадрлар сифатида тайёрлаш ва уларнинг ўз ўрнини эгаллаши ҳамда иш билан бандлик ҳолатидаги мавжуд муаммолар ўрганилган. Шунингдек, ташқи меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи омилларининг ўзаро боғлиқлиги асосланган.

Калит сўзлар:

Ташқи меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, касб-хунарга ўқитиш, профессионал таълим, хорижий иш берувчилар, кадрлар тайёрлаш, меҳнат миграцияси, ишчи кучи, касбий малака тизими, малака паспорти, малакани баҳолаш марказлари, тармоқ кенгашлари, хорижий тилларни ўрганиш, ташкиллаштирилган қонуний меҳнат миграцияси.

Аннотация:

В данной статье классифицируются факторы формирования потребности во внешнем рынке труда на этапе развития экономики. В то же время изучается подготовка молодых людей в качестве квалифицированных кадров для профессий, пользующихся высоким спросом на внешнем рынке труда, и их положение, а также существующие проблемы в ситуации с трудоустройством. Он также основан на соотношении факторов спроса на рабочую силу и ее предложения на внешнем рынке труда.

Ключевые слова:

внешний рынок труда, трудовые ресурсы, рынок труда, профессиональная подготовка, профобразование, иностранные работодатели, подготовка персонала, трудовая миграция, рабочая сила, система профессиональной квалификации, квалификационный паспорт, центры оценки квалификации, сетевые советы, изучение иностранного языка, организованная легальная трудовая миграция.

Abstract:

This article classifies the factors of the formation of the need for the external labor market at the stage of economic development. At the same time, the training of young people as qualified personnel for professions that are in high demand in the external labor market, and their situation, as well as existing problems in the employment situation, are being studied. It is also based on the ratio of factors of demand for labor and its supply in the external labor market. external labor market, labor resources, labor market, vocational training, vocational education, foreign employers, personnel training, labor migration, labor force, professional qualification system, qualification passport, qualification assessment centers, network councils, foreign language learning, organized legal labor migration.

Keywords:

Ҳар бир давлатнинг барқарор та-
раққиётини таъминлашда асосий пойде-
вор - инсон омили, унинг интеллектуал
салоҳияти билан узвий боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолиси-

нинг катта қисми замонавий билим ва қў-
никмаларга эга ёшлардан иборат эканли-
гини инобатга олган ҳолда, ёшларнинг ҳар
томонлама етук, билимли, рақобатбардош
мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш

йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг энг асосий бўғини ёшларга бир нечта чет тилларини ўргатиш, маҳаллий ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 6 ноябрдаги Фармонида “Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларни тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш” белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Президентимиз жорий йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “....мактаб ўқувчиларини камиди иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш бугунги куннинг устувор вазифаси эканлигини” таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш ҳамда миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Тараққиёт стратегиясининг олтинчи устувор вазифасида хорижий давлатларнинг меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш, энг кўп талаб этиладиган касбий мутахассисликларни аниқлаш ва фуқароларни ушбу мутахассисликларга йўналтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунга келиб дунёning деярли 200 та мамлакати жаҳон меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлмиш халқаро

меҳнат бозорида иштирок этмоқда. Маълумки, таълим соҳасидаги рақобатбардошликни ошириш масаласи тайёрланадиган ўрта бўғин ва олий маълумотли мутахассисларнинг билим ва кўникмалари уларнинг шахс сифатида шаклланишида ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий ижтимоий-иқтисодий омил эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, табиийки, кўплаб илмий соҳа олимлари таълим муаммоларини, унинг иқтисодиёт ва жамият тараққиёти билан ўзаро алоқадорлигини доимий тадқиқ қилиб келадилар.

Жумладан, ушбу муаммоларнинг умумий методологик асослари В.И.Андреев, Л.М.Митина, О.В.Крухмалева, М.Хайеггерларнинг ишларида ижтимоий-иқтисодий масалалари – Филиппа Г. Кумбс, Н.В.Суш, А.И.Жук, ва Н.Н.Кошелларнинг илмий тадқиқотларида, таълимнинг инновацион масалалари бўйича - З.М.Юқ, А.В.Марков, Г.А.Хацкевич, Б.А.Гедронович, В.В.Гедронович, А.С. Головачев, Н.В.Юрова, Е.С.Шишкин ва В.П.Аветисянларнинг илмий мақолаларида, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан академик К.Х. Абдураҳмонов, Умурзоқов Б.Х., Худойбердев З.Я., Рахимова Д.Н., Рахимова Н.Х., Абдураҳманова Г.Қ., Фойипназаров С.Б., Ирматова А.Б. ва бошқалар меҳнат бозорининг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги, ишсизлик муаммоси, таълим тизими, таълим хизматлари бозори, таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро интеграция муносабатлари борасида илмий излашишлар олиб борганлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, иқтисод фанлари доктори Қ.Абдураҳмонов меҳнат бозори талаби бўйича жуда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган бўлиб, у нафақат меҳнат ресурслари сони, балки уларнинг сифат даражалари ҳақида ҳам ўз қарашларини билдирган ҳолда меҳнат ресурслари сифатининг таклифини қуидагича ифодалайди: “Меҳнат ресурслари сифатининг таклифи инсоннинг таълим ва малака даражаси, физиологик, жисмоний,

ижтимоий-психологик хусусиятлари, ишлаб чиқариш шароитларига мослаша олиши, касбга йўналтирилганлиги ва мобиллити каби шахсий хислатларининг жамланмасидир”.

Г.Абдураҳмонова, Э.Муҳитдиновларнинг Ўзбекистоннинг халқаро ишчи кучи бозорида қатнашуви унинг демографик кўрсаткичлари – аҳолининг юқори суръатларда ўсиши, ишчи кучи ресурсларининг умумий сонида ёшлар улушининг юқорилиги бир томондан, уларнинг маълумоти, савия даражаси юқорилиги бошқа томондан ажralиб туради. Республикализнинг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиши унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияшуви ва бошқа бир қанча иқтисодий афзалликларга эга бўлишига имконият яратади. Бунинг натижасида:

Биринчидан, маҳаллий ишчи кучи бозорида маълум даражада талаб ва таклиф мувозанатига эришилади.

Иккинчидан, хорижда ишлаётгандар мазкур давлатлардаги корхона ва ташкилотларда ишни ташкил этиш, уни бошқариш, бозор иқтисодиётида унумли меҳнат қилиш ва тегишли замонавий билимларни ўрганиб, тажриба ва малакаларини бойитиб қайтади.

Учинчидан, ишчи кучини экспорт қилиш республикага келиб тушадиган валюта тушумларининг ўзига хос манбай бўлиб қолиши ва ушбу маблағ ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишда фойдаланиш имконияти яратилади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот ишида мамлакатимиз ҳамда хорижий ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олимларининг меҳнат бозори эҳтиёжи асосида кадрлар тайёрлаш, унинг аҳамияти ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда кадрлар тайёрлашнинг тутган ўрни бўйича илмий тадқиқот ишлари, олимларнинг қарашлари ҳамда билдирган фикр-мулоҳазалари ўрганилган ва таҳлил этилган. Мақолада эмпирик, тасвирий статистика, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил тадқиқот

усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида таълим маконида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Анъанавий таълим ташкилотлари билан бир қаторда янги турдаги замонавий муассасалар тармоғи ташкил топди. Кечки, масофавий ва сиртқи таълим шакллари асосида ўқиш имконияти яратилди, таълим муассасаларига академик ва молијавий мустақиллик берилди. Хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ташкил этилди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга, олий таълим қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Таълим жараёнида турли хилдаги таълим ресурслари ва контентидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлиб, давлатимиз томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижасида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг яқин ва узоқ хориж давлатларига таълим ва меҳнат миграцияси тобора ортиб бормоқда. Ёшларимизнинг глобаллашган дунёда ўз ўрнини топа олиши эса уларнинг эгаллаган билим, шаклланган кўнишка ва қадриятларига бевосита боғлиқ.

Ҳозирги даврда жаҳонда меҳнат ресурслари учун кураш кескинлашган, йирик ишлаб чиқариш кучлари арzon ва сифатли ишчи кучи учун дунё меҳнат бозорида рақобатлашаётган бир пайтда халқаро меҳнат миграцияси ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнida мамлакатимиздаги профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тұлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрлар-

нинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилиб келаётган эди. Бу эса ўз навбатида касб-хунар ва олий таълим муассасаларини тугаллаган ёшларимиз хорижий давлатларда ўз мутахассисликлари бўйича ишлашларига ҳам имкон бермаётган эди.

Айни камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда илк бор Миллий малакалар рамкаси ишлаб чиқилди. Миллий малакалар рамкасининг тасдиқланиши меҳнат бозорида ноформал тарзда таълим олган минглаб ҳамюртларимизнинг квалификациялари тан олинишига имкон беради ва улар ўз билим, кўникма ва малака даражасига мос касб ва мутахассисликлар бўйича ишлай олишларига имконият яратади.

Қайд этиш жоизки, ички меҳнат бозорига ҳар йили ўртacha 600-700 минг янги ишчи кучи кириб келиши Ўзбекистоннинг ташқи меҳнат бозоридаги фаол иштирокини таъминламоқда. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича ташкил этилаётган иш ўринларининг аксарият қисми хусусий сектор улушига тўғри келади. Хусусий сектор билан таълим муассасаларининг ўзаро интеграцияси таъминланмаганлиги битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун, ташқи меҳнат бозорига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнат миграцияси орқали қарийб 200 минг кишининг бандлигини таъминлашга тўғри келади.

Хорижий давлатлар амалиётига тўхталадиган бўлсак, Европа, Скандинавия яримороли (Дания, Норвегия, Швеция), АҚШ, Жанубий Корея давлатларида саноат ва сервис соҳаси кескин ривожланниб бориши натижасида ташқаридан ишчи кучига зарурат туғилгани сабабли, бу давлатлар миграцион реципиент (қабул қилувчи) сифатида етакчи ҳисобланади.

Мисол тариқасида, асосий ишчи кучини юборувчи экспортёр давлатлар сифатида Германияда Туркия, Польша,

Буюк Британияда Покистон, Ҳиндистон, Францияда Жазоир, Марокаш, АҚШда Хитой ва Филиппин иштирок этади.

БМТ маълумотига кўра, дунёдаги мигрантлар сони 272 миллион нафарни ташкил этади, бу дунё аҳолисининг 3,5 фоизи дегани. Айни пайтда Ҳиндистоннинг 17,5 миллион фуқароси ташқи меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этиб, аҳолиси энг кўп меҳнат мигранти ҳисобланган мамлакат бўлиб қолмоқда.

Албатта, демографик, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳам меҳнат миграцияси соҳасига ўзининг уёки бу даражада таъсирини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодиётдаги ривожланиш босқичлари меҳнат миграциясига талабни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 1 июнь ҳолатига кўра, доимий аҳоли сони - 36,2 млн бўлиб, шундан жами меҳнат ресурслари - 19,7 миллионни ташкил этади. Шундан: иқтисодий фаол аҳоли - 15,1 млн бўлиб, жами бандлар - 13,9 миллионни ташкил этади. Жумладан: Республикадан ташқарига ишлашга кетганлар - 2,1 млн ни ташкил этади. Мамлакатимизда 2023 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра ишга жойлаштиришга муҳтоҷ аҳоли сони - 1,2 млн киши.

Кейинги йилларда аҳоли бандлиги, меҳнат муносабатлари, меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган туб ўзгаришлар амалга оширилиб, соҳага оид қатор қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Ушбу қонун ҳужжатлари орқали нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда меҳнат фолиятини олиб борувчи фуқароларга имтиёзлар яратилди, ҳуқуқ ва мажбурият бўйича аниқ вазифалар, тегишли механизmlар белгиланди. Таъкидлаш жоиз, миграция соҳасидаги асосий талаблардан бири халқаро меҳнат бозорига касб-хунарга эга малакали кадрлар етказишdir.

**Худудлар кесимида хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар тўғрисида
Маълумот**

Т/р	Худуд номи	Республикадан ташқарига ишлашга кетгандар сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	179 929
2.	Андижон вилояти	264 764
3.	Бухоро вилояти	111 656
4.	Жиззах вилояти	56 393
5.	Қашқадарё вилояти	167 645
6.	Навоий вилояти	42 369
7.	Наманган вилояти	130 757
8.	Самарқанд вилояти	307 175
9.	Сурхондарё вилояти	151 863
10.	Сирдарё вилояти	43 378
11.	Тошкент вилояти	169 476
12.	Фарғона вилояти	211 845
13.	Хоразм вилояти	175 831
14.	Тошкент шаҳри	105 369
Жами:		2 118 449

Сўнгги уч йилда 210,5 минг юртдошимиз манзилли миграция билан қамраб олинди. Шундан 28,9 минг фуқаро ташкилий тартибда хорижий давлатларда ишга жойлаштирилган бўлса, 181,6 минг хорижга кетаётган фуқароларга, миграция базасига рўйхатга олинган ҳолда, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Ҳозирги кунда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари сони 2,1 млн кишини, уларнинг 596,1 минг (28,8%) нафари хотин-қизларни, 748,4 минг (36,1%) нафари ёшларни ташкил этади.

Халқаро тажриба ва амалиётларни ўрганиш натижасида кузатилган асосий жиҳатлардан бири шуки, меҳнат миграциясида иштирок этувчи фуқаронинг касбий малакаси ва чет тилини билиш даражаси юқори бўлиши кафолатланган, илфор техника ва технологияга асосланган, юқори иш ҳақига эга бўлган иш ўринларида меҳнат фаолиятини амалга оширишида муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда Германия Федератив

Республикасидаги 2000 мингдан зиёд тиббиёт, ҳайдовчилик ва бошқа техника соҳаларида мавжуд бўш иш ўринлари бўйича талабномалар шакллантирилган. Германия меҳнат бозоридаги ҳамширавлик бўйича мавжуд эҳтиёж асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан 33 та тиббиёт йўналишидаги колледж ва техникумларда 800 нафарга яқин ўқувчилар немис тили курсларига ўқитилмоқда.

Ҳеч бир давлат иқтисодиётда жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ютуққа эриша олмайди. Иқтисодиёт соҳасидаги умумий жараёнлар, капиталнинг бошқа жойга ўтишининг ўсиши, давлатлараро иқтисодий, савдо, молиявий алоқаларнинг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг рўй бертаётган интернационаллаш жараёни миллий меҳнат бозорлари интеграцияси чуқурлаштириш, халқаро меҳнат миграцияси соҳасида жараёнларни фаоллаштириш билан қўшиб олиб борилади.

Шу билан бирга, меҳнат бозори жамиятдаги ўзгаришлар ортидан ўзгариб бормоқда, баъзи касблар йўқолиб кетмоқда, айримларининг мазмуни ўзгармоқда, шунингдек, янги касблар ҳам пайдо бўлмоқда. Замонавий касб эгалари меҳнат бозорида ҳозир қўйидаги компетенцияларни эгаллашлари талаб этилмоқда. Жумладан, тилларни ва маданиятни билиш, жамоада ишлаш, ижодий фикрлаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзгаришларни бошқариш.

Ҳозирги вақтда бутун дунё меҳнат бозорида талаб қилинадиган касблар рўйхатига қўйидагилар киритилган: дастурчи, дастур тузувчи, 3D дизайннер, веб-дизайннер, техник дизайнер, турли соҳа муҳандислари, маркетолог, PR ва контент менежери, рақамли хавфсизлик мутахассиси, шифокор, ўқитувчи, биоинженер, фермер, агроном ва бошқалар.

Таълим муассасалари битирувчилари ўз иқтидори ва қизиқишларига мос касбни танлаб олса, камида иккита чет тилини билса, меҳнат бозорида муносиб ўрнини топадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ташқи меҳнат бозори эҳтиёжи асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бу ёшларнинг замонавий ва сифатли билим ва қўникмаларини шакллантириш ҳамда уларнинг маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорида муносиб касб, муносиб турмуш тарзи, муносиб меҳнат, фаровон ҳаёт ва муносиб даромад ишлашлари учун шарт-шароит яратиш ҳисобланади.

Меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ташқи меҳнат бозори эҳтиёжи асосида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича қўйидагилар таклиф этилади:

- Маҳаллий ва ташқи меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш учун бугун ва истиқболда қандай мутахассисларни қанча миқдорда тайёрлаш кераклигини, замонавий корхоналарда меҳнат фаолияти олиб бориш лаёқатлашрига эга бўлиш учун улар қандай касбий билим ва қўникмаларга эга бўлишлари кераклигини аниқлаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- Ташқи меҳнат бозори эҳтиёжи асо-

сида профессионал таълим муассасаларида тайёрланадиган касблар бўйича ўқувчиларни немис, инглиз, корейс ва япон тилларига ўқитишни йўлга қўйиш ҳамда мазкур тил йўналишлари бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

- Хорижий эксперталар кўмагида профессионал таълим муассасаларида ўқув қўлланма ва адабиётларни халқаро илғор тажриба асосида такомиллаштириш;

- Таълим муассасаларида фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ва диверсификациялашуви шароитида мураккаб замонавий вазифаларни юқори касбий даражада ҳал қила оладиган мутахассислар тайёрлаш;

- Европа давлатлари, АҚШ, Буюк Британия ва Канада давлатлари билан уюшган миграцияни ривожлантириш мақсадида мазкур ривожланган давлатларнинг иш берувчилари ўртасида Ўзбекистоннинг меҳнат миграцияси тизими қулагилгини тарғиб қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон нашриёти - "Янги Ўзбекистон стратегияси" – Тошкент 2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси", Тошкент, 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги ЎРҚ-642-сон Қонуни, 2020 йил 20 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 28 январь.
6. Қаландар Абдурахмонов – "Меҳнат иқтисодиёти" назария ва амалиёт. Дарслик. Иқтисодиёт нашриёти. Тошкент 2019 йил.
7. Гулнора Абдурахмонова – "Меҳнат иқтисодиёти", ўқув қўлланма. Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент 2020 йил.
8. Б.Умурзаков, Б.Алимухаммедов Т.Махмудов – "Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларининг асосий вазифалари ва фаолияти" – Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. Тошкент, 2021 йил.
9. Г.Абдураҳмонова. - "Инсон ресурсларини бошқариш", дарслик. Фан нашриёти, Тошкент 2021 йил.
10. <https://mehnat.uz>—Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти.
11. <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти.
12. <https://edu.uz> — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Шарипов

Профессионал таълимни ривожлантириш институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада професионал таълим муассасалари ўқувчилик инг амалиётини ташкил этишда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш методикасини таомиллаштириш, ўқувчиларнинг билимларни яхшироқ, чуқурроқ ўзлаштириши, объектив билимларни ривожлантириш, замонавий ўқитиш усуллари ва материаллардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологиялари ва коммуникация компонентларини ўз ичига олган замонавий таълим инфратузилмаси, масофавий таълим шакларининг афзалликларидан самарали фойдаланиш ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Педагогик технологиялар, симуляция, дифференциаллаштириш, инновацион технология, дифференциал, интеграция

Аннотация: В статье рассматривается совершенствование методики использования современных цифровых технологий в организации практики студентов профессиональных учебных заведений, лучшее и более глубокое усвоение знаний студентами, развитие объективных знаний, использование современных методов обучения и материалы, а также современная образовательная инфраструктура, включающая в себя информационно-коммуникационные технологии и коммуникационные компоненты, эффективны из преимуществ дистанционных форм обучения. Представлена аналитическая информация об их использовании.

Ключевые слова: Педагогические технологии, моделирование, дифференциация, инновационная технология, интеграция.

Abstract: The article discusses the improvement of the methodology for using modern digital technologies in organizing the practice of students of vocational educational institutions, better and deeper assimilation of knowledge by students, the development of objective knowledge, the use of modern teaching methods and materials, as well as modern educational infrastructure, including information and communication technologies and communication components are effective from the advantages of distance learning. Analytical information on their use is presented.

Key words: Pedagogical technologies, simulation, differentiation, innovative technology, differential, integration

Замонавий ўқитиш усуллари – бу нафақат материални пассив идрок этишга, балки ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва уларни таълим жараёнига жалб қилишга асосланган компетенцияни шакллантиришнинг фаол усуллари ҳисобланади. Ахборот, техник, ташкилий ва коммуникация компонентларини ўз ичига олган замонавий таълим инфратузилмаси масофавий таълим шакларининг афзалликларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ўқитувчилар фаол жараён ва интерактив таълим усуллари билан фаол таниширилмоқда. Ушбу техника тақлид ёки симуляция ўйинини моделлаштиришга асосланган: вазият усуллари (аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, вазият техникиси), симуляция машғулотлари, бизнес ўйинлари, ўйин дизайнни ва бошқалар киради.

Таъкидланганидек, ушбу усуллар материални ўзлаштиришда энг катта самара беради, чунки бу ҳолда ўқув жараёнини амалий касбий фаолиятга сезиларли дараҷада яқинлаштиришга тингловчиларнинг юқори даражадаги мотивацияси ва фаоллиги билан эришилади. Тўйинтирмаслик усулларидан ташқари: муаммоли маърузалар ва семинарлар, мавзули муҳокамалар, ақлий ҳужум ва бошқалар киради.

Хозирги вақтда лойиҳавий ўқитиш технологиясига катта эътибор берилмоқда. Стандарт ижодий мустақил иш жараёнида ижтимоий-шахсий ва касбий ваколатларни шакллантиришни таъминлайдиган лойиҳа компонентининг ролини кучайтиришни назарда тутади. Стандартга мувофиқ олий таълимнинг барча таълим дастурларида «Дизайн» модули жорий қилинган. Ушбу модул ўқув дастурининг бир қисми бўлиб, асосий таълим бўйича учта лойиҳани, маҳсус тўртта лойиҳани ва ҳар бирида 3 та тест блокидан иборат мураккабликдаги 1 лойиҳани амалга оширишни белгилайди.

Бир семестрлик бакалавриат ва мутахассислар тайёрлаш дастурлари учун ло-йиҳа модулининг бир қисми сифатида талабаларни билим ва қўнимкаларни янада қўллаш учун лойиҳа фаолияти асослари билан таништиришга мўлжалланган «Лойиҳа фаолиятига кириш» амалга оширилади. Сўнгги пайтларда компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ўқитиш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилмаган ҳолда таълим муассасаси таълимда инновацион мақомга даъво қила олмайди. Зеро, таълим муассасаси ўқув жараёнига ташкилий, дидактик, техник ва технологик инновацияларни умумий татбиқ этувчи ҳамда билимларни ўзлаштириш суръати ва ҳажмининг реал ўсиши ва кадрлар тайёрлаш сифатининг реал ўсиши асосида инновацион муассаса ҳисобланади.

Ўқув жараёнини масофавий қўллаб-қувватлаш воситаси бўлган Moodle Learning Environment (E-Learning in South

Africa, E-Learning) нафақат талабалар мустақил ишини, балки ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларини ҳам ташкил этиш имконини беради.

«Олий мактабда фаол ва интерактив таълим технологияси (дарс шакллари)» ўқув қўлланмасида таъкидлаганидек, Замонавий компьютер телекоммуникациялари иштирокчиларга ҳақиқий шерик билан «жонли» (интерактив) мулоқотга (ёзма ёки оғзаки) киришиш имконини беради. Ҳамда реал вақт режимида фойдаланувчи ва ахборот тизимлари ўртасида фаол хабар алмашиш имконини беради. Интерактив воситалар ва қурилмалардан фойдаланадиган компьютер ўқув дастурлари фойдаланувчининг компьютер билан узлуксиз мулоқотини таъминлайди, ўқувчиларга пойгани бошқариш имконини беради, материални ўрганиш тезлигини тартибга

Мустақил таълим деганда нафақат «таълим фаолиятини ташкил этиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, «лекин, айниқса муҳим бўлган ва ташкил этиш» талабалар ва таълим ходимларининг ўзаро таъсири», масофадан бошқариш технологияси тушунилади.
Талабалар ва таълим ходимлари ўртасидаги ўзаро алоқани «воситачиликда (масофада) ташкил этиш» учун ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш. Бу ёндашув интерактив таълим шаклларини ташкил қилиш учун электрон ва масофавий технологиялардан фаол фойдаланиш имконини беради, масалан, талабалар мустақил таълимини ташкил этиш, талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, лойиҳалар бўйича талабаларнинг биргаликдаги ишларини ташкил этиш.

солади; олдинги босқичларга қайтиш ва ҳоказо. Бу таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимга дифференциал ёндашувни амалга ошириш имконини беради.

Компьютер технологиялари, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг диалог режимида ўзаро таъсирини таъминлайди, когнитив фаолиятни фаоллаштириш имкониятларини яратади. Замонавий, янги маълумотларга кириш, кўриш принципини энг яхши тарзда амалга оширишни таъминлашга имкон беради. Компьютер дастурлари таълимни қизиқарли ва хилма-хил қиласди. Анъанавий усуллар ва ўқув воситаларининг компьютер технологиялари билан уйғулиги иш фаолиятини яхшилашга ёрдам беради, мустақил ишларни фаоллаштиради. Энг катта самараага ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ ўрганишнинг турли усулларини танлашга тизимли ёндашиш билан эришилади.

Таълим технологияси қатор ютуқлари билан бирга айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Таълимнинг, асосан, хотираға мўлжалланганлиги, янги информацияларни ўрганишда тафаккур ҳодисалари, болалар билишининг ички хусусиятлари (мотивлар, эмоциялар)ни ҳисобга олмаслик, эсга тушириш фаолиятига кўпроқ эътибор бериш ва шу кабилар таълим технологиясининг заиф томонлари ҳисобланади. Тўлақонли таълим технологиясида бу камчиликлар бартараф қилиниши лозим. Таълим технологиясининг асосий мақсади ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга мос келадиган таълим лойиҳасини яратишdir. Бундай лойиҳа ҳозирги замон психологияси, дидактикаси ва педагогика амалиётининг асосий ва илғор ғояларига таянган ҳолдагина яратилади.

Ўқитищда таълим технологияларининг яна бир кўриниши - ўйин фаолияти. Бунда ҳам аввалгидек, ўқитувчи янги мавзуни тушунтиради ва ўқувчилар ўқув материалини гуруҳ ўзлаштиришига йўналтиради. Аммо ўзлаштириш натижаларини баҳолашда жамоалар ўртасида ҳафталик мусобақаларни ташкил этадилар. Бунинг учун

уч нафар ўқувчидан иборат «турнир столари» ташкил қилиниб, унда бир-бирига тент ўзлаштирувчи ўқувчилар мусобақани ташкил этади. Бундай ўқитиш математика, табиий фанларда кўпроқ ижобий натижа беради. Топшириқлар табақалаштирилиб, мураккаблик даражасига қараб берилади. Ҳар бир стол ғолиби ўз жамоасига бир хил миқдорда баллар келтиради. Бунда бўш ўзлаштирувчилар ҳам ўзи тенгилар билан мусобақалашиб, жамоасига очко келтиради. Турнирда энг кўп балл тўплаган команда ғолиб деб эълон қилинади ва тақдирланади. Бунда ўқувчилар аввал ўзлаштирган билимларнинг натижасига кўра, индивидуал топшириқ олиб, ўз иш суръати асосида уни бажаради.

Таълимнинг бундай шаклида командалар турли хил фаолият (топшириқ) билан шуғулланиши мумкин. Команда аъзолари бир-бирларига ўз индивидуал топшириқларини бажаришда ёрдам бериб, ўзларининг ютуқ ёки ўзлаштирилишларини маҳсус журнالда қайд қиласдилар. Якуний баҳолаш тестлари ўқувчиларнинг ўзлари (маҳсус баҳоловчи ўқувчи) томонидан индивидуал амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир ҳафтада команданинг ҳар бир аъзоси ишлаган мавзулар ва топшириқларни дастур ва ўқув режа асосида ҳисобга олиб боради. Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаши лозим. Ўқувчилар ўзлари мустақил ишлаганликлари учун ўқитувчининг алоҳида гуруҳ ёки ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти кенгаяди. Ўқувчилар фаолиятини таълим жараёнида бундай ташкил қилиш кўпроқ физика, математика, кимё фанларини ўқитишда қўл келади.

Таълим технологияларини ўқишига ва ижодий фаолиятга татбиқ қилиш шакли кўпинча пастки гуруҳларда қўлланилиши мумкин. Бунда 4 нафар ўқувчидан иборат гуруҳ жуфтликларга ажратилади. Ўқитувчи ўқитаётганларнинг бир жуфти билан ишлаётганда бошқаси мустақил бир-бирига ўқиб бериб, унинг айтиб бериши режасини тузади. Асосий фикрларни ажратиб, матндаги саволларга жавоб ёзади, тўғри

ёзиш, луғат билан ишлашни машқ қиласи. Агар синф гомоген гуруҳларга бўлинмаса, ҳамма ўқувчи ҳамкорликда ишлаб, матнинг умумий маъносини англаб, муаммоли саволларга жавоб топади. Она тили ва четтили дарсларида ўқувчилар тўғри ёзиш, луғат билан ишлаш, матн маъносини айтиб бериш, бир-бирларининг ёзма ишларини текшириш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадилар. Гуруҳдаги барча ишлар ўқитувчи назоратида амалга оширилади. Ўқувчилар билимини баҳолаш тестлари ўқитувчиларнинг тўла тайёргарлигига ишонч ҳосил қилганида ўтказилади. Ҳамкорликда таълим беришнинг «биргаликда ўқиймиз» технологияси. Бунда синф турли хил ўзлаштирувчи 3-5 нафар ўқувчидан иборат гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ синф умумий мавзунинг бир қисмидан иборат топшириқ олади. Гуруҳ ҳар бир аъзосининг биргаликдаги иши билан бутун ўқув материалининг ўзлаштирилишига эришилади. Асосий иш принципи бутун командани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, ҳар кимга тенг

имкониятлар яратиш. Гуруҳни тақдирлаш ҳар бир ўқувчининг эришган натижасига боғлиқ бўлади. Бунда ўқитувчи гуруҳларни тузишда ўқувчиларнинг индивидуал ва психологияк хусусиятларини ва ҳар бир гуруҳ учун аниқ-мос топшириқ тузишга эътибор қаратиши муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳ ичидаги эса ҳар бир ўқувчининг ўрнини ўзлари белгилайди. Гуруҳлар таълимнинг бу шаклда бўлиш, ижодий мақсад билан бирга (таълими), ижтимоий-психологияк вазифа ўртоқларининг топшириқларини бажариш маданияти ва ўзаро мулоқотни назорат қилишни таъминлайди. Таълимнинг бу иккала мақсадини ўқитувчи назорат қиласи.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълимий технологияларнинг юқорида кўриб чиқилган шакллари, мақсад ва вазифаларининг яқинлиги, ўқувчиларнинг таълим олишда тенг имкониятлари ва индивидуал масъулияти ҳисобланади. Шу билан бирга, гуруҳда рақобат эмас, ҳамкорлик, гуруҳ аъзоларининг умумий мақсад, муваффақиятда манфаатдорлиги, ўзаро ёрдам белгиловчи ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўрта мактабда фаол ва интерактив таълим технологияси (дарс шакллари): ўқув қўлланма / Сост Т.Г. Мухин. - Н. Новгород: ННГАСУ, 2013. - 97 п.
2. Гушчин ю.в. Олий мактабда интерактив ўқитиш усуслари // «Дубна» Халқаро табиат, жамият ва инсон университетининг психологик журнали, 2012. - № 2. - 1-18-бетлар.
3. Захарова, И.Г. Таълимда ахборот технологиялари: ўқув қўлланма, «Академия», 2008., 338-бет
4. Коваленко Э.М. Таълимдаги интерактив технология ва электрон таълим элементлари // Таълимни модернизация қилиш муносабати билан интерактив таълимнинг замонавий тизими. Илмий-методик конференция; Жанубий Федерал Университети). - Ростов-на-Дону: Жанубий федерал университети нашриёти. - 47-50-бетлар.
5. Замонавий педагогик технология: дарслик/муаллифлар жамоаси; Қасамёд. Бордовская н.в. - 2-нашр, Сәкер - м.: Кноурус, 2011. - 432 б.
6. 2012 йил 29 декабрдаги 273-фз-сон (2015 йил 13 июлдаги таҳrir) федерал қонуни «Россия Федерациясида таълим тўғрисида»// Маълумот ҳуқуқий тизими «Консульт Плус». Кириш тартиби: УРЛ: <http://www.consultant.ru/document/> (Кўриб чиқиш санаси: 01.10.2015).

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

О.Алимназаров

Профессионал таълимни ривожлантириш институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация.

Мазкур мақола ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу жараёнда уларнинг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш мақсадида ўқув машғулоти ташкил этилди ва унинг натижалари математик статистик усуллар орқали қиёсий таҳлил қилинди.

Ўқув-билиш компетентлиги, методика, эмпирик тадқиқот.

Аннотация.

Данная статья направлена на совершенствование методики использования электронных образовательных ресурсов в организации самостоятельного обучения студентов. В рамках этого процесса было организовано обучающее занятие с целью формирования у них учебно-познавательной компетентности в использовании электронных образовательных ресурсов, а его результаты подвергнуты сравнительному анализу с помощью математических и статистических методов.

Ключевые слова:

учебная компетентность, методология, эмпирические исследования.

Abstract.

This article is aimed at improving the methodology of using electronic educational resources in organizing independent education of students. In this process, a training session was organized in order to form their learning-cognitive competence in the use of electronic educational resources, and its results were comparatively analyzed through mathematical and statistical methods.

Таянч сўзлар:

learning competence, methodology, empirical research.

Кириш. Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг бўлажак компетентли кадр сифатида ривожланиш даврида тўплаган ижтимоий тажрибалари, уларнинг таълим олиш даврида эгаллаб олишлари мумкин бўлган билим, кўникмава малакалари даражалари билан белгиланади. Кўпгина ўқувчиларнинг билим олиш жараёнида ортда қолиши, уларнинг жисмонан ва психологик жиҳатдан фарқланишларини кузатишимииз мумкин.

Ўқувчиларда мустақил таълим топшириклиарини мустақил равишда бажариш билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш жараёни, ўқитувчи томонидан белгиланган мақсадли методикага асосан ташкил этилади [4].

Тадқиқотлар натижасида ўқувчиларнинг электрон таълим ресурсларидан

foydalaniш ўқув-билиш компетентлиги шакллантирилди. Ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда электрон таълим ресурсларидан foydalaniш методikasini takomillashchiришda мураккаблик даражаси turliча bўlgan topshiriqlarни bажariшda аудитoriyadagi va аудитoriyadan tashkari taъlimni tashkiл этиш шакllari, metodlari ҳамда воситалари орқали уларда компетентlik шакллантирилади.

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг мустақил таълимини ташкил этишда электрон таълим ресурslariдан foydalaniш ўқув-билиш компетентliginи шакллантиришda самарадорликка эришиш, унда foydalaniлadiган методика, яъни таълим шакli, унинг мазмун-моҳияти, воситалари ва metodlari

билин бевосита боғлиқдир.

Методлар ўқувчиларда мавжуд билимларни янада фаоллаштиришга йўналтириш, мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва уларни умумлаштирган ҳолда, узвийлигини таъминлаш ҳамда янги билимларни эгаллашларига эришиш, ўзлаштирилган билимларнинг ҳаётийликка йўналтирилганлигини намоён қилишда фойдаланилади [1, 96 б.].

Асосий қисм. Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулотида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари тадқиқ қилинди. Демак, бу жараёнда интерактив таълим методларидан фойдаланилди. Мазкур методларнинг дидактик жиҳатдан кенг имкониятлари мавжуд. Мазкур ўқув машғулотида ўқувчиларнинг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш билим, кўникмаларини шакллантириш мақсад қилиб олинди.



Ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулотининг афзаллик жиҳатлари қўйидагича:

олиб бориладиган ҳар бир дарс машғулоти маълум бир даражада тадқиқот жараёни ҳисобланади;

ўқувчилар ўз фикрларини мустақил баён этиши имконияти таъминланади; бу орқали ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликнинг ижтимоий муносабатлари йўлга қўйилади.

Ўқув машғулоти ҳамкорликдаги ижтимоий муносабатлар асосида олиб борилади, яъни ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини аниқлаб олиб, сўнгра билимларини янада бойитишга йўналтиради [6, 64 б.]. Мазкур ўқув машғулоти давомида фақат ўқитувчи фаол ишламасдан ўқувчилар ҳам фаоллик кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида эркин ижтимоий муносабатлар ҳамда

Демак, мустақил таълимни ташкил этиш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулоти орқали ўқувчилар мазкур жараённи таҳлил қилишлари, мавжуд муаммонинг мазмун-моҳиятини англашлари, шунингдек уларнинг муқобилларини танлашларида табиийликка эътибор қаратишлари зарурияти юзага келади [5, 62 б.].

Юқорида таъкидлаганимиздек, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш, шунингдек, мазкур таълим ресурсларидан фойдаланиб уларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш мақсадида, ўқув машғулоти ташкил этилди.

Демак, мазкур жараёнларда аввало шуни этиборга олиш зарурки, таълимнинг янги турини, яъни электрон муҳитидан смарали фойдаланиш жараёнларини ўқувчиларга аниқ тушунтириб ўтмасдан уни амалиётга татбиқ этиб бўлмайди. Агар мазкур жараёнлардан мақсадли фойдаланилса, таълим жараённинг сифатини ошириш имконияти мавжуд бўлади [3].

уларда мазкур жараёнларга мос равишда ўқув-билиш компетентлиги шаклланади. Мазкур машғулотларнинг афзаллик томонларидан яна бири, бу таълим жараёнида олинган назарий билимлар билан амалий машғулотларнинг уйғунликда олиб борилиши натижасида кўникмаларнинг шаклланишидир. Демак, намуна сифатида ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш мақсадида

ташкил этилган ўқув машғулотида Компас 3D муҳандислик дастуридан фойдаланиш жараёнини кўриб чиқамиз.

Мазкур жараён ўқувчиларнинг муҳандислик фаолиятига тайёргарлигини таъминлашда таълим жараёнида амалий дастурлардан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг долзарблигиги кўрсатади[7].

Тадқиқот ишишимизни амалга оширишда касб-хунар мактаблари 30711401-Автомобил двигателларини ташхислаш ва таъмираш йўналиши ўқувчиларига “Техникавий чизмачилик” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш, жумладан Компас 3D муҳандислик дастуридан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўқув машғулоти ташкил этилди. Ўқув машғулотини олиб бориша академик груп ўқувчилари тажриба ва назорат групчларига ажратилди. Назорат групчи учун ўқув машғулоти анъанавий таълим шаклида, тажриба групчи учун эса, ўқув машғулоти такомиллаштирилган методикамиз асосида олиб борилди.

Ўқув машғулотининг бошланғич қисмида ўқитувчи Компас 3D муҳандислик дастури ва унинг имкониятлари билан ўқувчиларни таништириди. Кейин, ўқитувчи Компас 3D муҳандислик дастуридан фойдаланиб, график чизма ишларини бажариш түғрисида намуна кўрсатиб берди.

Бу жараёнда интерактив методлардан фойдаланиш ўқув машғулотининг самарадорлигини таъминлайди. Шунингдек, у машғулот давомида қўйидаги босқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқич. Бошланғич компетенцияларни шакллантириш.

Мақсад ўқувчиларда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш, шунингдек, мазкур таълим ресурсларидан

фойдаланиб, уларнинг мустақил таълим мини ташкил этиш.

Бу жараёнларда Компас 3D муҳандислик дастуридан фойдаланиб табиийликка қаратилган обьектларнинг проекцион ва унинг 3D ўлчамли моделини тақдим қилиш, таҳрирлаш ишлари амалга оширилади.

Кутиладиган натижага: мазкур жараёнлар ёрдамида Компас 3D муҳандислик дастуридан фойдаланиш ўқув-билиш компетентлигини шакллантиришнинг бошланғич ишлари олиб борилади.

Иккинчи босқич. Янги билимларни ўзлаштириш ишлари бажарилади.

Мақсад: янги билимларни мустақил ўзлаштириш, оралиқ ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш.

Кутиладиган натижага: билим ва кўнилмаларни мустақил равишда эгаллаш.

Ўқувчилар Компас 3D муҳандислик дастуридан амалий жараёнларда фойдаланиб бажарилади.

Учинчи (якуний) босқич. Ўқув-билиш компетентлигини баҳолаш мезони сифатида қўлланилади.

Якуний босқичда вазифаларни бажариш даражасини баҳолаш кўрсаткичларини қўйидагича кўринишда ифодалаш мумкин:

- технологик тайёргарлик даражаси, чизма топшириғининг белгиланган меъёр талаблари даражасида бажарилганилиги;

- ўқувчининг мустақил равишда вазифаларни бажариш сифати;

- бажарилган вазифаларнинг натижаларини тақдимот орқали намойиш этиш сифати.

Якунловчи қисм. Груп ўқувчилари берилган топшириқлар белгиланган талабларга мувофиқ равишда бажарилганилигига қараб баҳоланади. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фаолият олиб бориш ўқув-билиш компетентлигининг шаклланганлик даражаларига эътибор қаратилади.

Натижалар ва муҳокамалар. Ўқувчиларининг мустақил таълим жараёни

самарадорлигини ошириш мақсадида, эмпирик тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар Сирдарё вилояти Сардоба туман касб-хунар мактаби Автомобилдвигателларини ташхислаш ва таъмилаш йўналиши биринчи босқич ўқувчилари учун “Техникавий чизмачилик” фанидан олиб борилди. Тадқиқот жараёнида тажриба гурӯҳида 26 нафар, назорат гурӯҳида 24 нафар ўқувчи қатнашди.

Юқоридаги эмпирик тадқиқотларда олинган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаш ва татбиқ этилган ғояларимизни асослаш ҳамда тажриба натижаларини қайта ишлашда математик-статистик таҳлил усулларидан бири Стюдент критерийсидан фойдаланилди.

Мазкур натижаларга кўра, $T_{крит}(0,05; 47) = 1,96$ га teng. Демак, тажрибада олинган натижалар бўйича $T_{крит} = 1,96 < T = 2,1$ га эга бўлди, яъни тажриба ва назорат гурӯҳлари ўқувчиларининг ўзлаштириши 1.13 га teng, $T_{крит} < T$ бўлгани учун Нўяқабул қилинди. Шунинг учун натижалар тажриба гурӯҳида назорат гурӯҳига

нисбатан 13 % юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Бу эса, олиб борилган тадқиқот жараёни натижаларининг самарадорлигини ва методик таъминотининг илмий-педагогик жиҳатдан ишончли эканлигини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотлар натижасида, Сирдарё вилояти Сардоба туман касб-хунар мактабида ўқувчиларнинг мустақил таълим мини ташкил этиш мазмуни, сифати, таълим дастурлари, технологияларининг татбиқ этилиши натижасида бир қанча ўзгартиришлар амалга оширилди.

Демак, Сирдарё вилояти Сардоба туман касб-хунар мактаби ўқувчиларининг электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб мустақил таълим жараёнини ташкил этиш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулотлари орқали олинган кўрсаткичлар-тажриба гурӯҳи ўқувчиларининг натижалари назорат гурӯҳи ўқувчиларининг натижаларига кўра, ижобий натижаларга эришилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Байбаева М.Х. Педагогик технологиялар асосида касб-хунар коллажлари ўқувчиларининг умумкасбий фанлардан мустақил ишларини ташкил этиш. Пед. фан. ном. ...дисс. Тошкент: 2012 – 143 б.
2. Luiz Miguel Renda dos Santos and Shintaro Okazaki. Planned e-learning adoption and occupational socialisation in Brazilian higher education. Studies in Higher Education, 2015.
3. Mazen Ismaeel Ghareb and Saman Ali Mohammed. The Role of E-Learning In Producing Independent Students With Critical Thinking.: International Journal of Engineering and Computer Science, 2015.
4. Мусаев Ж.П. 5-9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик стратегиялари. Пед. фан. фалсафа док. (PhD) дисс... автореферати. Тошкент: 2022.
5. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Холиқова З. Интерактив методлар: моҳияти ва қўлланилиши // Мет. қўлл. Т.: Низомий номидаги ДТПУ. 2013. – 115 б.
6. Stefanie Findeisen and Stefen Wild. General digital competences of beginning trainees in commercial vocational education and training. <https://doi.org/10.1186/s40461-022-00130-w>: Empirical Res Voc Ed Train. Springer Open, 2022.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

3.Гафурова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация:	Ушбу мақолада профессионал таълим тизимининг ўқув жараёнида ўқитишнинг интерактив усулларини қўллаш жиҳатлари, уларнинг касбий компетенцияларни шакллантиришдаги аҳамияти очиб берилган. Мақолада либерал иқтисодиёт масалалари ҳисобга олинган ва касбий компетенция, методика ва методология терминологияси очиб берилган.
Таянч сўзлар:	Асосий ваколатлар, касбий таълим, бўлажак мутахассислар, глобал таълим майдони.
Аннотация:	В данной статье представлены аспекты применения интерактивных методов обучения в образовательном процессе системы профессионального образования, их важности в формировании профессиональных компетенций. В статье учтены вопросы либеральной экономики и раскрыта терминология профессиональной компетенции, методики и методологии.
Ключевые слова:	ключевые компетенции, профессиональное образование, будущие специалисты, глобальное образовательное пространство.
Annotation	This article presents aspects of the application of interactive teaching methods in the educational process of the vocational education system, their importance in the formation of professional competencies. The article takes into account the issues of liberal economics and reveals the terminology of professional competence, methodology.
Keywords:	key competencies, professional education, future specialists, global educational space.

Замонавий саноат жамияти турли дарражадаги - глобал, миллий, ташкилий ва индивидуал даражадаги турмуш тарзининг жадал ўзгариши билан тавсифланади. У доимий равища инсондан маълум фазилатларни, масалан, ташкилотчилик, тезкорлик, режалаштириш қобилияти, турли характердаги муаммоларни ҳал қилиш, доимий ўзгаришларга тайёрлик, касбий ҳамда ижтимоий ҳаётда зарур бўлган янги билим, кўнишка, амалий тажрибани ўзлаштириш қобилиятини талаб қиласиган ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Жамиятнинг замонавий иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ривожланиш тенденцияси ишнинг кичик вазифаларга бўлинishi билан тавсифланган такрорий оммавий ишлаб чиқаришдан, муайян технологиялар ва

мураккаб тизимлардан фойдаланишга ўтмоқда[1].

Ўзбекистон профессионал таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ўқитишнинг интерактив технологияларини кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада оширишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Европа мамлакатларига хос глобал таълим муҳитини шакллантиришда таълимнинг амалий йўналғанлигини таъминлаш, сифатли таълим олиш, ўқувчини ижодий ривожланишга йўналтириш, ўқитишнинг янги парадигмаларини ривожлантиришда интерактив таълим муҳитини яратиш ва улардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғун-

лаштириб, кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, таълимда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Кадрлар тайёрлашда янада юқори натижаларга эришиш учун таълимнинг якуний мақсадларини адекват англаш, уни такомиллаштириш ва мазмунан замонавийлаштириш, айниқса, ўқитишнинг интерактив методлари ва замонавий дидактик воситаларини яратиш, қўллаш борасида кенг қамровли мақсадли ишларни амалга ошириш таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг асосий йўналишлари билан белгиланади[1].

Юқори профессионал компетентликнинг ўзига хос хусусияти сифатида «асосий» сўзидан фойдаланиш И.Д.Чечелнинг қўйидаги сўзларидан аниқ бўлади: «Инсоннинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги асосий кўникмалар ва қобилияtlар билан белгиланади. Битирувчи учун улар яхши иш ва яхши турмуш даражасига эришиш учун эшикни очадиган калит ҳисобланади. Асосий қобилият ва кўникмаларга қўйидагилар киради: ўрганиш, саводхонлик, мулоқот санъати, мослашувчанлик, ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ишлаш, мувофиқлик, бошқаларга таъсир қилиш қобилияти - етакчилик қобилияtlари. Юқорида айтилганларнинг барчasi профессионал компетентликнинг асосидир, яъни талаба ҳам назарий, ҳам амалиётда эга бўлиши керак бўлган касбий билим, кўникма, малака ҳамда хулқ-атворлар ва буларнинг барчасини машғулот якунида кўрсатишдир».

Асосий компетенцияларни шакллантириш педагогик муаммо сифатида XX аср охири XXI аср бошида ҳар қандай мамлакатнинг муваффақияти ва фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг инсон салоҳияти сифати – қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар, мутахассисларнинг билим даражаси ва малакаси билан боғлиқлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Сифат-

ли маҳсулотни фақат яхши тайёрланган одамларнинг меҳнати натижасида олиш мумкинлиги ва шунинг учун таълим инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида сифат менежменти циклининг бошланғич босқичи эканлиги ҳақидағи ғоянинг равshan кўринишига қарамай, аксарият тадқиқотчилар ва мутахассислар ҳамон эътиборни ишнинг техник жиҳатларига қаратишмоқда.

Бугунги кунда касбий таълим муассасаси битирувчисининг олган билим қўниkmаси асосида касбий компетентлиги қандай бўлиши керак:

**“Компетентлик” тушунчаси
касбий педагогикада
тубдан янги нарса эмас.
Компетентлик - бирор
нарсани сифатли ва самарали
бажариш қобилияти; ишни
бажариш талаблариغا жавоб
бериш қобилияти; муайян
меҳнат функцияларини
бажариш учун талабларни
қондириш қобилияти. У фақат
касбий мухитда кутилган
хатти-ҳаракатлар шакллари
(жамоада ишлаш, маълумот
узатиш қобилияти) орқали
ўзини намоён қиласи,
меҳнат самарадорлиги билан
боғлиқ ва жараён ҳамда
фаолият натижасини баҳолаш
тизимини ташкил қилиш
имконини беради.**

а) касбий тайёргарлик ва компетентликнинг янада юқори даражаси, янгиликка тезкор муносабатда бўлиш ва уни ўз касбий фаолияти амалиётiga тезкорлик билан татбиқ этиш, ўзига хослик, янгилик, касбий муаммоларни ҳал қилишда индивидуал ёндашув, доимий мустақил таълим олиш; касбий фаолиятнинг индивидуал тизимини технология томонидан имкон доирасида доимий равишда такомил-

лаштириши[2].

б) касбий фаолиятга тайёрлик учун барча талабларга риоя қилиш; малака талабларини кескин ва жадал бажариши.

в) ўз ташаббуси билан янги ишлаб чиқариш (ташкилий, педагогик ва ҳоказо) вазифаларни ҳал қилиш истаги ва қобилияти, ишлаб чиқариш (ташкилий, педагогик ва бошқалар), бу босқичда мутахассиснинг компетенцияси доирасига кирмайдиган вазифаларни бажариш орқали ўз фаолияти доирасини кенгайтириш истаги.

д) касбий фаолиятнинг янги шартларига психологияк тайёрлик, шу жумладан: касбий меҳнат мотивлари (касбий ўзини ўзи англаш эҳтиёжларини қондириш ва моддий эҳтиёжларнинг юқори даражасига эришиш); шахснинг иродавий шаклланиши (мақсадлилик, қатъиятлилик, ташкилотчилик ва бошқалар); ўз касбий фаолиятини амалга оширишнинг янги шароитида муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган касбий аҳамиятга эга бўлган фазилатлари.

Кўриб турганимиздек, компетентликка асосланган ёндашув доирасида компетентликларнинг кўплиги ва уларнинг турлари (касбий, технологик, долзарб, бир ёки бир нечта асосий компетентликлар) ҳақида савол туғилиши табиий.

«Либерал иқтисодиётда, технология ўзгаришида, ижтимоий муносабатларнинг жадал ривожланишида муваффақиятли ўзини ўзи татбиқ этиш учун замонавий кадрларимиз қуидаги асосий компетенцияларга эга бўлиши керак:

- 1) онгли ва масъулиятли танлов қилишга тайёрлик;
- 2) технологик компетентлик;
- 3) ўз-ўзини тарбиялашга тайёрлик (умрбод таълим);
- 4) ахборот компетентлиги;
- 5) ижтимоий компетентлик (самарали ижтимоий ўзаро муносабатга тайёрлик);
- 6) коммуникатив компетентлик[3].

Ушбу компетентликнинг мавжудлиги муаммони аниқлаш, мувозанатли қарор

қабул қилиш ва бунинг учун масъулиятни ўз зиммасига олишга имкон беради, ўз ҳаракатлари ушбу қарорни ҳаётга татбиқ этишини таъминлайди.

Технологик компетентлик - бу шахснинг кўрсатмаларни, технология тавсифини, фаолият алгоритмини ва фаолият технологиясини бузишга йўл қўймайдиган йўналишларни тушуниш, мослаштириш ва амалга ошириш қобилиятини англаради.

Мустақил таълим олишга тайёрлик деганда, ўз олдига янги вазифа қўйган одам ўз билим ва кўнилмаларидаги камчиликларни аниқлаши, маълумот сўровини шакллантириши, ўз фаолияти учун у ёки бу маълумотларга бўлган эҳтиёжни баҳолаши, турли воситалардан фойдаланиб, турли хил ташувчиларда тақдим этилган турли хил манбалардан маълумот олиш ва ахборот қидирувини амалга оширишга қодирлигини англаради.

Ижтимоий компетентлик - бу инсон ўз интилишларини бошқа одамлар ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари билан боғлаши, муаммони ҳал қилиш учун бошқа одамлар ва ижтимоий институтлар-

**Ахборот компетентлиги-
битирудчининг ўзи ҳал
қилаётган вазифа нуқтаи
назаридан олинган
маълумотларни шарҳлаш,
тизимлаштириш, танқидий
баҳолаш ва таҳлил қилиш,
асосли хulosалар чиқариш,
маълум бир вазиятда, ўз
фаолиятини режалаштириш
ва амалга оширишда олинган
маълумотлардан фойдаланиш,
мавжуд маълумотларни
тизимлаштириш, уни
турли шаклларда ва
турли хил ташувчиларда,
ахборот истеъмолчисининг
эҳтиёжларига мос келадиган
ҳолда тақдим этиш
қобилиятидир.**



нинг ресурсларидан фойдаланиши; умумий муаммони ҳал қилишда гуруҳ (жамоа) аъзолари билан самарали мuloқot қилишидир[4].

Айни пайтда мамлакатимизнинг бир қатор профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг асосий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган педагогик ёндашувларни аниклаш буйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Хуллас, замонавий профессионал таълим назарияси ва амалиётида компетенцияга асосланган ёндашувни тавсифловчи бир қатор хulosалар чиқариш мумкин:

- асосий компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш таълим, фан ва амалиётда истиқболли йўналиш ҳисобланади;
- профессионал таълим тизимида компетенцияларни ривожлантириш ғояси энг жадал ривожланмоқда;
- компетенцияга асосланган ёндашув таълим мазмунини нафақат «билимдан», балки «фаолият усулларидан» ҳам қуриши ўз ичига олади;
- компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш ушбу ёндашув доирасида ишлашга қодир кадрларни тайёрлаш учун катта ресурсларни ажратишни талаб қиласди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли қарори “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва қўниммаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/4814154>
2. Нуримбетов Р.И., Қаландарова Г.Қ. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. № 2, март-апрел, 2018 йил.
3. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений - М.: Издательский центр «Академия», 2002 г.
4. Хохлова О.А. Формирование профессиональной компетентности педагогов // Справочник старшего воспитателя – 2010 г.

ЭСТОНИЯДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Н.Абдурахмонова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти,

Профессионал таълимни инновацион ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси

Н.Сироҗиддинова

Профессионал таълимни ривожлантириш институти,

“Инновацион таълим технологиялари” кафедраси мудири

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим тизими, Эстония давлатида профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда касб-хунар мактаблари (ametikool), касб-хунар таълими марказлари (kutsehariduskeskus / kutseõppakeskus), халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури (PISA), VET тизими, “Шогирдлик” дастури ҳақида сўз юритади. профессионал таълим, касб-хунар мактаблари (ametikool), касб-хунар таълими марказлари (kutsehariduskeskus / kutseõppakeskus), халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури (PISA), VET тизими, “Шогирдлик” дастури.

Аннотация:

В данной статье обсуждают систему профессионального образования Республики Узбекистан, реформы, проводимые в системе профессионального образования в Эстонии, а также профессиональные училища (аметикоол), центры профессионального образования (кутсехаридускескус / кутсепкескус), оценку иностранных студентов, программа (PISA), система ПОО, программа «Ученичество».

Ключевые слова:

профессиональное образование, профессиональные училища (ameticool), центры профессионального образования (kutsehariduskeskus / kutseõppakeskus), программа международной оценки учащихся (PISA), система VET, программа «Ученичество».

Annotation:

This article discusses the vocational education system of the Republic of Uzbekistan, the reforms carried out in the vocational education system in Estonia, as well as vocational schools (ameticool), vocational education centers (kutsehariduskeskus / kutsepkeskus), and the assessment of foreign students, program (PISA), VET system, Apprenticeship program.

Keywords:

vocational education, vocational schools (ameticool), vocational education centers (kutsehariduskeskus / kutseõppakeskus), Program for International Student Assessment (PISA), VET system, Apprenticeship program.

Бугунги кунда таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, таълим муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини, шунингдек, таълим хизматлари бозорини кенгайтириш назарда тутилар экан, мазкур жараён таълим тизими раҳбар ва педагог ходимларининг бошқарувчилик компетенцияларига янги талабларни тақозо этади. Тажрибалардан маълумки,

таълим муассасасининг самарадор фаолият юритиши унинг бошқарув сифатига ҳам боғлиқ. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг иқтисодий жиҳатдан мустақил фаолият юритишни таъминлаш каби вазифалар тизимда янги замонавий фикрлайдиган, тизимга оид муаммоларга ечим топа оладиган, инно-

вацияларни кўллаб-қувватловчи, рақобат ўсib бораётган таълим хизматлари бозорида табақалашган таълим хизматларини таклиф эта оладиган, юқори билимга эга раҳбар ходимларга ва педагогларга эҳтиёжни янада оширмоқда. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ушбу сўзларини келтиришни жоиз деб билдиқ: "Ҳозирги вақтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновацион жаҳон ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз". Бундан келиб чиқадики, профессионал таълим тизимида бажарилаётган ишларда ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий компетенциясини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишида замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган ўқитиш усулларини амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади.

Профессионал таълим тизимини ривожлантиришда кўникма ва компетенцияларни ривожлантириш масаласи долзарб ҳисобланади. Жаҳон меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш профессионал таълим тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Кўникмаларни шакллантириш бўйича Ўзбекистонда профессионал таълим мавжуд тузилмалари, кадрлар тайёрлашнинг мавжуд шакллари ҳамда муддатлари ва бошқалар ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири, ўқитища замонавий педагогик технологиялар ва ютуқлардан ҳамда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, уларни таълим тизимида жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимида татбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги "Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожланти-

риш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги 287-қарорида кўникмалар инсоннинг муайян меҳнат функцияларини бажаришга қобилиятини ифодаловчи, таълим жараёнида ёки шахсий тажриба орқали эгалланган сифати (маҳорати) деб қайд этиб ўтилган. Ушбу қарорларда белгиланган вазифаларда бугуннинг касб эгалари қандай билим ва кўникмага эга бўлиши лозимлигига алоҳида

Эстонияда олий ўқув юртларидан ташқари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (VET) олиш мумкин бўлган 30 дан ортиқ турли ихтиносликдаги колледжлар фаолият юритади. Буларга касб-хунар мактаблари (ametikool) ва касб-хунар таълими марказлари (kutsehariduskeskus / kutseõppakeskus) киради. Аксарият муассасалар чет элликларни қабул қиласади. Эстон ва рус тилларида, қисман инглиз тилида дастурлар асосида таълим жараёнлари ташкил этилади. Эстон тилида 1-курсда таълим олишдан олдин қўшимча равиша 1 йил интенсив тил курсига бағишиланади. Пуллик дастурлар билан бир қаторда грант асосидаги бепул дастурлар ҳам мавжуд.

эътибор қаратилган. Биз бу борада албатта хорижий давлатларнинг профессионал таълим тизимидағи ютуқларини ўрганишимиз керак. Зоро, профессионал таълим тизимининг асосий мақсади меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилишдир.

Биз профессионал таълим тизими дунё мамлакатларида қандай ташкил этилганилиги масаласи билан қизиқиб кўрдик ва Эстония давлатида бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ўрганишга ҳарарат қилдик.

Эстония коллеклари тузилиши жиҳатидан рус коллекларига ўхшаш. Бу ерга 9 ёки 11-синфдан ўқувчилар қабул қилинishi мумкин. 9-синфдан кейин иккита вариантдан бирини танлаш мумкин бўлади:

- Биринчиси, ўрта мактаб дастури билан параллел равишда мутахассислик олиш. Таълим жараёни камида 3 йил давом этади. Битиравчи талабаларга Kutsekeskhariduse Iðputunnistus (4-даражали касб-ҳунар таълими сертификати) берилади. Бу диплом университетнинг бакалавриат босқичига ўқишга кириш ёки эгалланган касб бўйича ишлашни бошлаш имконини беради.

- Иккинчи вариант - ўрта мактаб фанларини қабул қилмаслик ва дарҳол мутахассисликни ўрганишга киришиш. Ўқиш мутахассислигига қараб олти ойдан 2,5 йилгача давом этади. Бунда талабалар 4-даражали касбий таълим сертификатига эга бўладилар. Бу олий таълим олиш имкониятини бермайди - колледжа яна бир йил ўқиб кейин якуний имтиҳонларни топшириш мумкин.

Агар ўқувчи ўрта мактабни (11-синф) тугатганидан сўнг касб-ҳунар коллежига ўқиши давом эттирса, дастур аввалги дастурлардан бироз қисқароқ бўлади. Аммо бу параметрлар мутахассисликка қараб фарқ қилиши мумкин (бир йилдан 2,5 йилгача). Ўқиши тугатгандан сўнг касбий таълимнинг 5-даражали сертификатига эга бўлишади. Аммо бундай малака университетда эгалланадиган бакалавр даражасидан (6-даражали) паст ҳисобланади.

“Шогирдлик” дастури

Эстония таълим тизимининг “шогирдлик” дастурида мактаб, корхона ва шогирд ўртасида шартнома (praktikaleping) тузилади, унда ҳар бир томоннинг бурча масъулияти кўрсатилади. Шартномага ўқув натижаларини кўрсатувчи индивидуаллаштирилган ўқув режаси илова қилинади. Ўқув режасининг учдан бир қисми назарий тайёргарликка эътибор қаратиладиган касб-ҳунар таълими муассасасида, учдан икки қисми эса корхонада ўtkaziladi; шогирдга иккита назоратчи тайинланади, бири мактабда, иккинчиси иш жойида. Шогирдлар корхонада ўқиш давомида иш ҳақи ва мактабда ўқиш давомида ўқиш учун нафақа оладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва қўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 287-сон қарори. www.lex.uz
3. Сирожиддинова Н.Р. Инновацион таълим технологиялари асосида ўқувчиларнинг тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш. // Дисс.....п.ф.ф.д. (PhD). – Тошкент, 2023
4. Эстония Таълим ва тадқиқот вазирлиги, (2017[2]), Эстонияда OECDнинг Касбий таълим ва таълим (VET) бўйича асосий ҳисботи, www.hm.ee/sites/default/files/uuringud/oecd_vet_background.pdf.

МУТАХАССИСЛАРДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ

Д.Р.Рахматуллаев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация:	Ушбу мақолада профессионал таълим муассасалари иқтисодиёт йўналишлари ўқувчи-ёшларида ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот хавфсизлиги бўйича билимларни эгаллашнинг долзарбилиги, иқтисодчи мутахассис фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ёритиб берилган.
Таянч сўзлар:	интернет, ахборот, ахборот маданияти, ахборот майдони, ахборот оқими, глобаллашув, иқтисодиёт.
Аннотация:	В данной статье выделены значение приобретения знаний по информационной безопасности в формировании информационной культуры студентов экономических специальностей профессиональных учебных заведений, выделены основные направления обеспечения информационной безопасности в работе экономиста.
Ключевые слова:	Интернет, информация, информационная культура, информационное пространство, информационный поток, глобализация, экономика.
Abstract:	In this article, the importance of acquiring knowledge on information security in the formation of information culture of students of economics majors of professional educational institutions, the main directions of ensuring information security in the work of an economist are highlighted.
Keywords:	Internet, information, information culture, information space, information flow, globalization, economy.

Жаҳон миқёсида глобал ахборотлаштириш иқтисодий, сиёсий, саноат ва бошقا соҳаларни қамраб олмоқда, натижада ахборот хавфсизлиги умумий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида сиёсатнинг муҳим бўғинига айланди. Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши билан бир қаторда, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган янги ижтимоий муносабатлар - ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Бунда профессионал таълим тизимида кадрларни тайёрлаш амалиётига ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш технологиялари жорий этилиши муҳим саналади. Профессионал таълим жараёнини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга доир қа-

тор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хитой, Япония, Финляндия каби ривожланган мамлакатлар таълим стандартларида иқтисодий соҳа бўйича бўлажак мутахассисда ахборот маданияти, ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмалари ҳамда молиявий ресурсларни мустақил бошқара олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўя олиш, кичик бизнесни амалга ошириш кўникмаларини ўз ичига олган иқтисодий билимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда таълим ва иқтисодиётнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида ахборот маданияти ва иқтисодий билимларни шакллантиришнинг вариатив шаклларини ишлаб чиқиш, иқтисодий билимларни шакллантириш-

нинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, педагогик инновацияларни жорий этиш орқали иқтисодий таълимни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда профессионал таълимда иқтисодиёт йўналишларида ўқувчилик касбий фаолиятга тайёрлашни рақамли иқтисодиёт талабларини, жамиятдаги, иқтисодиётдаги, илм-фан ва таълим мазмунидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур. Шу муносабат билан иқтисодий билимларни ва ахборот маданиятини шакллантириш замонавий мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўқувчиларнинг иқтисодий билимдонлигини ривожлантириш, ижодий-креатив фикрлаш, амалий кўникмалар, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муҳим ресурслари ҳисобланган ахборотлар ва билимларни шакллантиришга оид муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир.

Ҳозирда профессионал таълим тизими олдига қўйилаётган талаблар ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришни талаб қиласди, яъни уларда касбий малака, ўзгарувчан шароитга тез мослашиш қобилияти, иқтисодий компетентлик, ўзининг иқтисодий билимларини доимий равишда мустақил тўлдириб бориш ва улардан ижодий фойдаланиш кўникмалари ҳамда ахборот маданияти шаклланган бўлиши лозим. Профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари

кенг доирадаги иқтисодий масалаларни таҳлил қилишни билиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўя олиши, жамият ривожланишининг консерватив ва позитив тамойилларига баҳо бериши, ушбу туб ўзгаришларда ўз нуқтаи назарини билдириши, амалий касбий фаолият юритишига тайёр бўлиши ва муайян дунёни англаш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Иқтисодий маданият жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётидаги оммавий ижодий иштироклари ва ўзаро муносабатлари, уларнинг иқтисодий билимлари, хўжалик юритищдаги маҳорати ва малакаси, иқтисодий фикрлаши ва тафаккури ривожланганлигининг сифат тавсифидир.

Иқтисодий таълим иқтисодий тарбиянинг аҳамиятини янада ошириб, унинг самарали тадбиркорлик, ресурслардан тежамли фойдаланиш, банк кредити билан ишлаш, яширин иқтисодиётдан сақланиш ва солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, уй хўжалигини юритишда ҳисоб-китоб, янгиликларга интилиш ва жамият иқтисодий фаолиятидаги иштирокида намоён бўлади [2].

Иқтисодий билимларга эгалик ўқувчилар томонидан иқтисодий ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг асосий йўналишларидан бири эканлигининг чуқур англанишига имкон бериш билан бирга уларда мавжуд моддий ва маънавий ашёлар, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, жамият иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда оила хўжалигини оқилона юритиш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларга эга бўлишларига имкон беради.

Иқтисодий билимлар ёрдамида иқтисодий назариянинг жами моҳияти, моддий бойликлар, уни ишлаб чиқариш, алмашиш, тақсимот ва истеъмол қилиш, жамиятнинг ривожланишига таъсири тушиналади. Шахсий қобилият иқтисодий фаолиятни бажаришда иқтисодий компетенцияга таянади.



Иқтисодий билимларнинг шакланиши ҳақида гапирар эканмиз, бўлажак рақобатбардош мутахассисларнинг ахборот маданиятига алоҳида урғу беришимиз лозим. Биз мақолада ахборот маданиятининг муҳим компоненти бўлган ахборот хавфсизлиги тушунчасига эътиборимизни қаратдик. Бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетентлиги даражаси иқтисодий билимлар (касбий муҳим ахборотларни сақлаш, саралаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, корхонанинг ахборот активлари, тижорат, банк ёки давлат сирини сақлаш) ҳамда АҚТ (ахборот-коммуникация технологиялари)ни қай даражада ўзлаштирганлиги билан баҳоланади. Ахборот хавфсизлигига таҳдидни ҳар қандай, ҳаттоқи билмасдан амалга ошириш корхонанинг жиддий моддий йўқотишлари ёки фаолиятини тўхташига олиб келиши мумкин. Шу боис, бўлажак иқтисодчиларни касбий фанларни ўзлаштириш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан саналади.

Ҳозирги кунда ахборотлашган жамиятда бўлажак мутахассисларда ахборот

хавфсизлигини таъминлаш кўникмалари ни шакллантириш мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади[1].

Ушбу ғоя давлат даражасида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасида қабул қилган меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган. Бу ахборот, ахборот инфратузилмаси, маълумотларни тўплаш, тарқатиш ва узатиш билан шуғулланувчи субъектлар, шунингдек, пайдо бўлиши учун тартибга солувчи тизимнинг ижтимоий муносабатлар пайтидаги комбинациясини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий ҳужжатларида қуйидаги таҳдидларга энг кўп дуч келиниши: давлат статистикаси тизими; кредит-молия тизими; жамият ва давлатнинг иқтисодий соҳада фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари бўлинмаларининг маълумотлари ва бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари; мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, муасасалар ва ташкилотларнинг бухгалтерия

ҳисоби тизимлари деб таъкидланади. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий соҳа оддий фойдаланувчилари - мутахассислари учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билимларни шакллантириш долзарб деган хуласага келишимизга имкон беради.

Ахборот хавфсизлиги – «ахборотни ҳимоя қилиш» тушунчасидан бошлаб кўриб чиқилади. «Агар ахборотни ҳимоялаш зарур маълумотларни ҳимоя қиласиган ва таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш жараёнини тавсифласа, унда ахборот хавфсизлиги бундай ҳимояланганликка эришилган ҳолатни акс этиради» [3].

В.П.Поляков ахборот хавфсизлигини ахборот ресурслари, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш технологиялари, шунингдек, ахборот фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари хавфсизлиги ҳолати сифатида белгилайди [5].

Ахборот хавфсизлиги – «муносабатларнинг субъектлари, шу жумладан ахборот эгалари ва фойдаланувчиси ҳамда ёрдамчи инфратузилма фойдаланувчиларига йўл қўйиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки атайлаб қилинадиган табиий ёки сунъий таъсиrlар ахборот хавфсизлигини таъминловчи

инфратузилмадир»[4].

Ахборот хавфсизлиги таҳдидини амалга оширишда минимал хавф одатда муҳим бўлмаган маълумотларнинг йўқолиши, баъзи дастурий ва техник воситаларнинг ишдан чиқиши, яъни маълум бир иш жойи билан чекланган бўлиб, бу ҳисобот тайёрлашга тайёрланмаслик, муҳим материаллар, тақдимотлар, танбеҳлар, рағбатлантиришлардан маҳрум қилиш ва мутахассисни ишдан бўшатишгacha бўлган бошқа муаммоларга олиб келади.

Мутахассисларнинг хулосаларига асосланниб, иқтисодчи мутахассислар ўртасида ахборот хавфсизлиги бўйича билимлар шаклланиши бундай таҳдидларга қарши хавфсизликни сезиларли даражада оширади, деб ҳисоблаш мумкин. Шундай қилиб, юқорида айтилганларнинг барчаси иқтисодчилар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида ахборот маданиятини шакллантириш «Касбий фаолиятда ахборот технологиялари» фани мазмунига ахборот хавфсизлигига оид мавзуларни киритиш, қўшимча курслар ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиши талаб қиласиди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самаров Р. Ахборот-психологик хавфсизлик. // Ж. "Муҳофаза", 2009, № 09 (59).
2. Раджабов Ў.Д. Иқтисодий таълимнинг иқтисодий тафаккурга таъсири. Замонавий таълим / современное образование 2017, №11.
3. Семененко В.А. Информационная безопасность: учеб. пособие /В.А.Семененко. - М. : МГИУ, 2005. -215 с.
4. Самаров Р., Саттаров Й. Ахборот маданияти ва уни шакллантиришнинг назарий-амалий аҳамияти. Замонавий таълим / 2014, 1. – Б. 13-17.
5. Поляков В.П. Дидактический комплекс «Информационная безопасность» для подготовки студентов экономических специальностей /В.П. Поляков. - Н. Новгород : ННГАСУ, 2006. - 142 с.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ

Э.Д.Имамназаров

Наманган муҳандислик-қурилиш институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий тадқиқотларда “педагогик қўллаб-қувватлаш” тушунчаси, ресурс ва натижавий (педагогик шароитлар билан боғлиқ) ёндашувлар, шунингдек, ресурслар ва шартлар мажмуи нуқтаи назаридан талқин этилади.

Таянч сўзлар: Педагогик воситалар, бўлажак муҳандис, педагогик қўллаб-қувватлаш, касбий тайёргарлик, ташкилий, техник, дидактик.

Аннотация: В данной статье понятие «педагогическое сопровождение» в современных исследованиях трактуется, как правило, с точки зрения ресурсного и результативного (связанного с педагогическими условиями) подходов, а также совокупности ресурсов и условий.

Ключевые слова: Педагогический инструментарий, будущий инженер, педагогическое обеспечение, профессиональная подготовка, организационная, техническая, дидактическая.

Abstract: In this article, the concept of «pedagogical support» in modern research is interpreted, as a rule, from the point of view of resource and effective (related to pedagogical conditions) approaches, as well as a set of resources and conditions.

Key words: pedagogical tools, future engineer, pedagogical support, professional training, organizational, technical, didactic.

Олий таълим тизими бўлажак муҳандисларда касбий тайёргарликни рақамли технологиялар воситасида шакллантириш ва уни ривожлантириши мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак муҳандиснинг чуқур билим ва самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ва амалий билимларнинг, таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш малакасининг нечоғлиқ шаклланганига боғлиқдир. Шунга кўра, бўлажак муҳандисларда касбий тайёргарликни рақамли технологиялар воситасида ривожлантириш технологияси педагогик воситаларнинг таркиби ва мазмуни катта ўзгарувчанлик билан фарқланади ва педагогик ижод соҳаси ҳисобла-

нади. Масалан, тадқиқотчилар педагогик қўлланма таркибига модел, педагогик технология ва мезон аппарати, педагогик технология ва илмий-услубий таъминот, амалиётга йўналтирилган курс, интеграциялашган курслар тўплами, педагогик ва ахборот технологияларини киритадилар. Педагогик воситалар таркибида ажратилган воситалар доимо тизимли равишда ўзаро боғланган бўлади.

“Педагогик воситалар” ва “педагогик қўллаб-қувватлаш” тушунчаларининг ўтказилаётган тадқиқот контекстида бир-бiri билан қандай боғлиқлигини аниқлаш лозим. Охирги концепциянинг мазмуни “таъминлаш” – “бирор нарсани амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш” сўзининг маъносини акс эттиради. Замонавий тадқиқотларда “педагогик

қўллаб-қувватлаш” тушунчаси, одатда, ресурс ва натижавий (педагогик шароитлар билан боғлиқ) ёндашувлар, шунингдек, ресурслар ва шартлар мажмуи нуқтаи назаридан талқин этилади.

Педагогик воситалардан ўқув амалийтида фойдаланиш кўп даражали алоқаларни ўрнатишга имкон беради (шахслараро, гуруҳлараро, ташкилотлараро) касбий тайёргарликнинг интеллектуал соҳасида, шунингдек, педагогик тактикага мувофиқ дидактик ва тарбиявий вазифаларни оммавий ҳал қилиш учун: фанлараро ўзаро боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш; бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлаш мазмунини ўз вақтида янгилашни таъминлаш; ўқувчиларни маълум бир саноат билан эрта танишириш ва жамоавий рухни ривожлантириш; касбий аҳамиятга эга шахсий сифатларни ривожлантириш; шахслараро ўзаро амалий муносабатларни ўрнатиш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ижодий фаолиятда ўзини ўзи такомиллаштиришга қаратилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, биз тармоққа хос касбий тайёргарликни ривожлантириш учун педагогик воситаларни қуйидаги ўзаро боғланган компонентлар шаклида тушунтироқчимиз: норматив-ҳуқуқий, функционал-ресурс ва техник-услубий.

Бунинг учун ушбу воситалар тўплами кўплаб функцияларни бажариши керак: ташкилий, ўқитиш, назорат қилиш, тузатиш, коммуникатив, рефлексив башорат қилиш [1].

Рақамли технологиялар ёрдамида ривожлантиришнинг педагогик воситаларини ҳисобга олган ҳолда, биз унинг мазмунини шакллантирамиз: ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини мустаҳкамловчи педагогик воситалар тўплами. Касбий тайёргарликнинг интеллектуал соҳаси (ўқитувчи, талабалар, эксперталар - тадқиқотчилар ва ишлаб чиқариш) бўлажак муҳандисларни касбий

тайёрлаш жараёнида ушбу касбий ва шахсий сифатни самарали шакллантириш ва ривожлантириш имкони бўлади.

Педагогик воситалар ёрдамида касбий тайёргарликни такомиллаштиришнинг таркибий қисмларини қисқача тавсифласак:

Норматив-тартибга солиш компоненти (ўрганилаётган ҳодисанинг ташкилий жиҳати билан боғлиқ) давлат, тармоқ ва маҳаллий даражадаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ педагогик воситаларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш учун мўлжалланган замонавий маҳаллий ва халқаро стандартлар, асосий ва қўшимча таълим дастурларининг мақсад ва вазифалари.

Функционал-ресурс компоненти (технологик жиҳат билан боғлиқ) педагогик воситаларнинг ахборот-мазмун асосидир. Ушбу компонентнинг ўзагини очиқ билимлар базаси касбий тайёргарликнинг концептуал схемаси ва ўқув-услубий мажмуалар модуллари томонидан шакллантирилган бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлаш мазмуни ташкил этади. Дастурий таъминот ва аппарат инфратузилмаси таълим мазмунини яратиш, ривожлантириш ҳамда бошқариш учун мўлжалланган. Ускуна қисми маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш қурилмаларини, биринчи навбатда, компьютер ускуналарини ўз ичига олади. Дастурий таъминот қисми таълим мазмунини ишлаб чиқиш (тузилиши ва қонуниятларини ўрганувчи, матн ва гиперматн форматидаги электрон курслар дизайннерлари) ва уни бошқариш учун мўлжалланган лицензияланган дастурий таъминотни ўз ичига олади (концептуал схемага асосланган кўп тилли электрон ўқув муҳити ва ОТМларда жорий қилинган бошқа тизимлар, масалан, Moodle).

Техник-услубий компонент (касбий ва фаолият жиҳати билан боғлиқ) педагогик воситалардан фойдаланувчиларни махсус услугубий таъминлаш, услугубий ва тех-

ник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали талабалар, ўқитувчилар, саноат, фан ва ишлаб чиқариш вакилларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш. Шунингдек, у педагогик диагностикани (касбга тайёгарликнинг намоён бўлиш даражалари, мезонлари, кўрсаткичлари, диагностика воситалари) касбий тайёргарликнинг шаклланиши ва ривожланишининг узлуксиз педагогик мониторингини ўз ичига олади, унинг натижалари бир нечта қўшимча маълумотлар базаларида тўпланади ҳамда таҳлил қилинади.

Педагогикада техник компонентлар, ўқув жараёнида техник воситалар, ресурслар ва дастурларни ифодалайди. Бу электрон дарсликлар, интерактив дарсликлар, компьютерлар, проекторлар, интернет ва бошқа техник воситалар бўлиши мумкин. Улар талабаларга ўқув жараёнида қўлланиладиган, билимларни ошириш ва ўз-

лаштиришга ёрдам берадиган қурилмалар ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, рақамлаштириш касбий тайёргарликнинг моҳијатига таъсир қилувчи ҳодисалар тўплами билан намоён бўлади. Касбий тайёргарлик саноатнинг интеллектуал соҳасига тегишли бўлган йўналиш ташки таъсир омилларига таъсир қилиш билан тавсифланади. Ушбу компетенциянинг мазмуни учта ўзаро боғлиқ компонентлар билан белгиланади: мотивацион-қиймат, функционал-фаолият ва акс эттирувчи-баҳолаш.

Танланган компонентларнинг мазмунни педагогик воситалар мажмуаси орқали очиб берилади. Тизимли равишда боғланган ҳолда, уларнинг ҳар бири ўз вазифасини ҳал қиласи, тармоқ классификаторида касбий тайёргарликнинг самарали шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшади.

Педагогик воситаларни ишлаб чиқиша кўплаб турли хил вазифаларни (ташкилий, техник, дидактич, молиявий ва бошқалар) ҳал қилишни талаб қиласи, бу турли фан соҳалари мутахассисларини (ўқитувчилар, дастурчилар, муҳандислар ва бошқалар) жалб қилишни ўз ичига олади.

Умумий дастур асосида мувофиқлаштириш, унга кўра бу жараён сакизта мантиқий боғланган, ўзаро боғлиқ ва кетма-кет бажариладиган технологик босқичлар шаклида тақдим этилади, бу ўзгаришлар тўрт босқичда амалга оширилади. Педагогик мантиқий воситалар тартибга солувчи компонент педагогик фаолият субъектининг психологик ресурсини фаоллаштириш учун мўлжалланган бўлиб, у интроспекция ёки ўз-ўзини кузатиш ва фикрлашнинг шаклланган кўникумлари даражаси билан тавсифланади: мақсадни белгилаш ва режалаштириш; педагогик дизайн; башорат қилиш, назорат қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш натижаларини баҳолаш; ноаниқлик шароитида масъулиятли қарорлар қабул қилиш.

Тадқиқотнинг илмий натижаларини олишнинг ишончлилиги учун биз инди-

видуал компетенцияларни эмас, бўлажак муҳандиснинг касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш компонентларини ёритишга аҳамият бердик, чунки бу компонентлар анча кенгроқ бўлиб, нафақат когнитив ва фаолият компонентларини, балки мотивацияни ҳам ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, баъзи муаллифларга эргашган ҳолда, биз компетенция деғанда шахснинг ўзига хос хусусиятини, яъни маълум бир нарсага эга бўлишини тушунамиз.

Шундай қилиб, тадқиқотда компетенция келажақдаги касбий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган шахснинг интеграл хусусияти (қобилияtlари, мотивлари, билимлари, кўникумлари) сифатида қаралади.

Бўлажак муҳандиснинг касбий компе-

Бўлажак муҳандиснинг касбий компетенцияси, бизнинг фикримизча, стандартда кўрсатилган ваколатларни ўз ичига олади:

01

умумий маданий (ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини тарбиялаш қобилияти);

02

умумкасбий (библиографик ва ахборот маданияти асосида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда касбий муаммоларни ҳал қилиш истаги);

03

профессионал (хизмат кўрсатиш жараёнини, шу жумладан истеъмол-чининг талабларига мувофиқ, энг сўнгги маълумотлар асосида таълим олиш).

тенциясининг мотивацион компоненти талабаларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган мотивациясини акс эттиради.

Бўлажак муҳандиснинг компетенциянинг барча жиҳатларини акс эттирувчи билимлари шартли ички ва ташқи тузи-

лишга, ҳажм ва мазмунга эга бўлган тизимга туширилиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган билимлар янгилик бўлмаса-да, лекин у муҳандис билиши керак бўлган асосий устуворликларни белгилаш ва умумлаштириш учун асос яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность. – М., 1997., - 98 с.
2. Муслимов Н.А. Формирование профессиональной компетенции будущих педагогов на основе применения информационных и педагогических технологий. Россия, Чита, Молодой ученый.2012-г.-№1.0,366.т.
3. Муслимов Н.А., Абдуллаева., Куйсинов О.А., Н.С.Гаипова. Монография. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. —Т.: «Фан ва технология», 2013,128 бет.
4. Ҳамидов Ж.А. Замонавий ўқитиши технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари // Касб-ҳунар таълими.-Тошкенет, 2007.- № 2.-Б.20-21. (13.00.00. №19)
5. Imamnazarov, E. (2020). The use of educational and practical games in the formation of the independent work in the personnel skills. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(4), 123-126.
6. Imamnazarov, Erkinjon. "METHODS OF IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE ENGINEERS IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGIES." Science and innovation 2.B5 (2023): 57-62.
7. Imamnazarov, E., Ikromov, I., & Hasanov, X. (2022). CODE VISION AVR DASTURIDA MIKROKONTROLLER. Евразийский журнал академических исследований, 2 (5), 591-597.
8. Imamnazarov, E. «DIGITAL TECHNOLOGIES DEVELOPMENT FACTOR IN PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE ENGINEERS.» Science and innovation 2.B4 (2023): 388-391.
9. Парпиев О.Т., Имамназаров Э.Д. Педагогические игры и их возможности в профессиональном обучении //Проблемы и перспективы развития образования. –2012., –С.149-150.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ - ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИ

Г.В.Рахимова

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги
Жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчиси

Аннотация:	Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси, профессионал таълим муассасалари мутахассислари ва ўқувчилари учун малака талаблари, зарур билим ва кўникмалар ҳақида маълумот берилган.
Таянч сўзлар:	Профессионал таълим, малака ва кўникмалар, миллий малака тизими, малака ошириш, инновацион ёндашув ва технологиялар.
Аннотация:	В данной статье представлена информация о реформах, проводимых в системе профессионального образования, правовой основе реформ, квалификационных требованиях к специалистам и студентам профессиональных учебных заведений, необходимых знаниях и навыках.
Ключевые слова:	Профессиональное образование, квалификация и навыки, национальная система квалификаций, профессиональное развитие, инновационный подход и технологии.
Abstract:	This article provides information about the reforms being carried out in the vocational education system, the legal basis of the reforms, qualification requirements for specialists and students of vocational educational institutions, the necessary knowledge and skills.
Key words:	Vocational education, qualifications and skills, national qualifications system, professional development, innovative approach and technology.

Бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир. Барчамизга маълумки, XXI аср бошларида кечайётган глобал ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, дунёнинг ғоявий-мағкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу эса таълим тизимида туб ислоҳотлар қилишни талаб этаяпти десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим сифати юқори босқичга кўтарилиб бораётган бир вақтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизими ҳам йўлга қўйилди. Профессионал таълим муассасалари бошқарув ҳамда педагог кадрларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз янгилаб бориш механизmlарини жорий

етиш, замонавий талабларга мувофиқ профессионал таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни амалга оширишнинг асосини ташкил этади. Профессионал таълим тизимининг мақсади ва талаби — профессионал таълим муассасаларида ўқиган ёшлар аниқ иш ўрнига, ўз касби бўйича зарур билим ва кўникмага эга бўлиши шартлигидадир.

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча таълим муассасаларининг янгича замонавий қиёфасини кўзламоқда десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 6 сентябрда «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги фикримизнинг яқзол далилидир. Мазкур Фармон Ўзбекистон тарихида янги профессионал таълим тизими ташкил этишга асос бўлди.

Дунёда таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мұхим йўналиши сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган ҳалқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бошқарув фаолияти мазмуни, талаблари ва йўналишларининг такомиллашиб бориши раҳбар ходимларни касбий фаолиятга тайёрлашда компетенциявий ва инновацион ёндашувларни талаб этмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари тезкор ривожланувчи таълим мұхитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятида бошқарувнинг янгича ташкилий шакллари ва усулларини излаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ечимини топишини тақозо этади. Ҳалқаро илғор тажрибаларга асосан, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Россия, Жанубий Корея каби

ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларини касбий ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг таълимни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги малакаларини ошириш, касбий, коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш борасида салмоқли амалий натижаларга эришилган.

Шунга кўра, рақобатбардош ва малакали раҳбар ходимларни тайёрлашда замонавий таълим парадигмаларини амалиётда қўллаш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан креатив фикрловчи, изланувчан, инновацияларни излаб топувчи ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллай олиш компетенцияларига эга раҳбар ходимларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этишда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2022–2026 йилларда ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси, 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2829-сон «Ўрта маҳсус, касбхунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон фармонлари, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармон ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар тадқиқотнинг методологик асоси сифатида хизмат қиласди.

Таълим муассасаси раҳбарининг коммуникатив компетентлигининг мураккаблиги, тузилмаси ва кўп жиҳатлилиги унинг замонавий педагогиканинг мустақил феномени сифатида ўрганилишига замин яратади. Коммуникатив компетентликнинг мазмуни таълим муассасасининг раҳбари олдида турган мақсадларни амалга ошириш орқали аниқланади, шу муносабат билан таълим соҳасидаги бошқарув фаолиятида коммуникатив компетентликка эришиш мақсадлари қўйидагича шакллантирилиши мумкин:

- таълим ташкилоти раҳбарининг меҳнат вазифаси доирасидаги вазифаларни сифатли бажариш учун зарур бўлган

маълумотларни қабул қилиш, етказиш ва улардан фойдаланиш;

- бошқаларнинг, айниқса, таълим муассасаси ходимларининг хатти-ҳаракатларини, уларнинг ташкилот фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифаларига муносабатини бошқариш.

Коммуникатив компетентлик – бу унинг мотивлашган хоҳиши, қобилияти ва профессионал таълим тизими натижалари ва самарадорлиги билан қизиқиши, касбий фаолият доирасида бошқа субъектлар билан оғзаки, ёзма ва компьютер воситачилигига ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга тайёрлигидир.

Коммуникатив компетентликнинг таркибий тузилиши таълим муассасаси раҳбарига қўйиладиган талаблар билан белгиланадиган мотивацион, рефлексив, когнитив ва фаолиятли компонентлари билан ифодаланади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, келажакда ташкил этилаётган профессионал таълим муассасалари олдига улкан вазифа ва маъсулият қўйилмоқда. Шунинг учун биз ўз олдимизга аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олишимиз даркор.

Малака – халқаро таълим бозорида ихтинослашув деб ҳам аталади, бу иш берувчи томонидан ходим (ёлланувчи иш ўрнига даъвогар, бўш иш ўринларига танловга қатнашувчи ишчи ёки хизматчи)га қўйиладиган талаб ва юклатиладиган вазифалар мажмуудир.

Малака ўзида ходимнинг меҳнат фаолиятига қўйиладиган масъулият, касбий тажриба, маҳорат ҳамда рағбатни мужассамлаштиради. Иш берувчи томонидан мутахассис, ишчи ҳодимга қўйилган малака талабарини профессионал таълим стандартларида акс эттириш шарт. Акс ҳолда таълим ва ишлаб чиқариш, битирувчи малакаси ва иш берувчи талаблари ўртасидаги узвийлик йўқолади.

Профессионал стандарт – иш берувчининг ҳар бир иш ўрни ёки унга даъвогар бажарадиган меҳнат вазифалари тафсилоти, таснифи (меҳнат фаолияти на-тижасида етиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган махсулот ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати) белгиланган меъ-

ёрий ҳужжат. У ўзида ходимнинг билим, кўнишка ва имкониятларини акс эттиради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, профессионал таълим стандартида ходимнинг малака даражаси аниқ белгиланган бўлади. Энг асосийси, ана шу малака даражаси ходимнинг ўсиш ва кейинги ихтисослашув даражаси юксалишига пиллапоя бўлиб хизмат қиласди.

Ривожланган давлатлардаги жаҳонга машҳур гигант компанияларда бу жуда кучли мотивация, тўғри йўналтирувчи ва рағбат берувчи омил ҳисобланади. Чунки бунда ходимнинг нуфузи босқичма-босқич юқори lab бориши учун зарур тизим ва молиявий рағбатлар кўзда тутилган. Бу тизим ўз навбатида, ходимнинг рақобатга доим тайёр туришини, малакасини ошириб боришини ва келажакда муваффақиятга эришишини кафолатлади. Масалан, электр устаси касбининг бир нечта малака даражаси мавжуд. Лекин шу пайтгача уларнинг барчасига бир хил ҳужжат берилган, унда бугунги меҳнат бозори талаблари шакллантирилмаган ва баҳоланмаган. Бу эса шу дипломга эга шахснинг чет элда ўзига мос иш топишига имкон бермаган. Чунки унинг малака даражасини тартибга соладиган тизим мавжуд эмас эди.

Ўзбекистонда энди янги профессионал таълимда биринчи марта ҳар бир мутахассиснинг халқаро меъёрларга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган ҳужжат – Миллий малака тизими қабул қилинди. Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси бўйича тармоқ малака тизимлари белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармони.
2. Чориев Р.К. Pedagogical technologies in dual training model // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 1, 2020 ISSN 2056-5852/3-66 pages.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1998. – Б.31-61;
4. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. Под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. Издание 3-е, переработанное.- М.: Из-во ЭГВЕС, 2009.- 456 с.

ЗАМОНАВИЙ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, ОИЛАВИЙ НИЗО ВА АЖРИМЛАР

С.Турсунов

Тошкент шаҳри Сергели тумани тиббиёт коллежи директори,
педагогика фанлари доктори

Аннотация:

Ушбу мақолада муҳим ижтимоий масалалардан бири бўлган оилавий муносабатлар ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, оилавий ажримлар ва уларнинг сабаблари таҳдил қилинган. Оилавий муносабатларнинг шарқона талқини ва бугунги ҳолати ёритиб берилган.

Таянч сўзлар:

оила, ижтимоий ҳимоя, бандликни таъминлаш, оилавий ажримлар ва низолар, эр-хотин ва оилавий муносабатлар.

Аннотация:

В данной статье анализируются проводимые работы по укреплению семейных отношений и института семьи как одного из важнейших социальных вопросов, семейных выделений и их причин. Освещается восточное толкование семейных отношений и их сегодняшнее состояние.

Ключевые слова:

семья, социальная защита, занятость, семейные разлучения и споры, супружеские и семейные отношения.

Annotation:

This article analyzes statements, family rulings and their reasons for strengthening family relations and family institution, which is one of the important social issues. The oriental interpretation of family relations and its current state are explained. family, social protection, employment, family separations and disputes, couple and family relations.

Ўзбек халқи ҳаётида оиланинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Тарихан ва тадрижий жиҳатдан Ўзбекистонда оила ҳар доим ҳам шахсни, ҳам умуман жамиятни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ва ривожлантириш манбаи бўлиб келган.

Глобал ўзгаришларга, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг кўплаб асослари ислоҳ қилинаётганига, дунё миқёсида жамият тараққиётининг ижтимоий соҳасидаги янги тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда оила энг муҳим ҳаётий қадрият, миллий анъана ва урф-одатларнинг мужассамлашган маскани, шахсни шакллантиришнинг ва миллатни узлуксиз тараққий эттиришнинг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оиланинг ривожланиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида ва 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

Тараққиёт стратегияси доирасида глобал даражада кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, мамлакатда камбағалликни бартараф этиш, иқтисодий салоҳиятни кўпайтириш ва таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бандлик, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қатор масалаларни ҳал этиш билан бир қаторда оилани мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва баҳтли оналик ва болалик учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий қадриятларга асосланган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва талабларига жавоб берадиган никоҳ ва оилавий муносабатлар ҳамда оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси доимий равишда такомиллаштирил-

моқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган давлат дастурлари оилани мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси, «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини мухофаза қилиш тўғрисида», «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш тизимини такомиллаштириш, оиласвий-маиший зўравонликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда оила том маънода жамиятга мустаҳкам таянч бўла оладиган мустаҳкам институт сифатида бўй кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мамлакатда замонавий оиланинг ижтимоий ва иқтисодий асосларини шакллантириш борасида имкониятлар мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш эса ҳар бир шахс қўлида – одамларнинг шахсий жавобгарлик масаласи бўлиб қолмоқда. Ана шу шахсий жавобгарлар унтуилаётгани боис бугунги кунда ажримлар сони ортиб бормоқда.

XXI асрда дунё статистикасида ажралишлар сонининг кўпайиши тенденцияси мавжуд. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам вазият қувонарли эмас. Маълумотларга кўра, 2021 йил билан таққосланганда 2022 йилда Ўзбекистонда ажримлар 24 фоизга ошган. Яъни, 2022 йилда Ўзбекистонда жами 48 734 та оила никоҳдан расман ажрашган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 39 227 тани ташкил қилган. Бу эса 2022 йил учун ҳар минг нафар аҳолига тўғри келадиган никоҳдан ажралишлар сони – 1,4 промиллега

тўғри келишини англаради.

2023 йилнинг 8 ойида эса қарийб 34 мингта оила ажрашиб кетди, бу оилалардаги 25 минг бола энди кундалик ҳаётини отаси ёки онасисиз давом эттиради.

Хўш, ушбу ажримларга нималар сабаб бўлмоқда? Маълумотларга кўра, бу ажримларнинг асосий қисми эр-хотиннинг оиласа тайёр эмаслиги умумий важ сифатида кўрсатилади. Шунингдек, учинчи шахс аралашуви, узоқ вақт бирга яшамаслик, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гиёхвандлик, фарзандсизлик ҳамда молиявий қийинчиликлар сабаб юз бергани айтилади.

Оиланинг баҳт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш омиллари орасида психологик омиллар устуворлик қилиши характерлидир. Бироқ замонавий оиланинг моддий-молиявий фаровонлиги масаласини ҳам унумаслигимиз керак.

Эрта никоҳлар шахсий ва оиласвий фаровонликка салбий таъсир кўрсатувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Уларнинг мавжудлиги одамларнинг оиласвий муносабатлари, уларнинг оила институти ва ижтимоий-маданий меъёrlар ҳақидаги қараашлари билан изоҳланади.

Маълумки, эрта никоҳлар кўпинча болалар, айниқса, балоғатга етмаган ва ўсмир қизлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, уларнинг таълим олиш, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш имкониятларини чеклайди, ижтимоий яккаланишга, улар саломатлигининг бузилишига олиб келади.

Хўш, жамиятда эрта турмуш қуришнинг асосий сабаблари нималарда намоён бўлмоқда?

Аввало, ота-оналарнинг ўз фарзандлари оиласвий ҳаётини имкон қадар тезроқ ташкил этишга интилиши эрта турмушлар вужудга келишининг бош омили бўлаётир. Шу билан бирга, оилалардаги маънавий ва ахлоқий тарбиянинг паст даражаси, эркак ва аёлнинг ўзаро муносабати масалаларида ёшларнинг саводсизлиги ва оқибатда режалаштирилмаган ҳомиладорлик ҳам катта ҳаётга тайёр бўлмаган оилалар пайдо бўлишига сабабчи.

Ажримларнинг асосий сабаблари си-

фатида феъл-авторнинг мос келмаслиги ва моддий муаммоларни ҳам кўрсатиш мумкин. Айниқса, ёшларнинг Интернетга қарамлиги ва ижтимоий тармоқларнинг таъсири оилавий муносабатларнинг бузилишига олиб келадиган салбий омиллардан бўлаётгани барчани ташвишлантириши керак. Шунингдек, эр-хотин хиёнати ва қариндошларнинг эр-хотинлар ҳаётига аралашуви ажралишнинг мұхим сабабларидан ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, оилада болаларнинг мавжудлиги, уларнинг руҳий мувозанати ва фаровон келажаги учун мастьулият ажрашмоқчи бўлган эр-хотинни тийиб турувчи кучли омил бўлиши керак. Зоро, оиланинг асосий маъноси ва қадрияти болаларнинг мавжудлигига. Шу нуқтаи назардан, ота-оналар ўз фарзандлари олдиаги масъулияти қўламини англаши ва, биринчи навбатда, ёш ота-оналар фарзандларга яхши тарбия ва таълим бериш бурчини, шунингдек, яхши яшаш шароитларини яратишларини унутмасликлари лозим.

Бизда оила қуриш усуллари қандай?

Улар замонавий оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий асосларига қанчалик таъсир қилмоқда? Ушбу саволлар остида фикр юритар эканмиз, аввало, мамлакатимизда оила қуришда қадрият ва анъаналарга амал қилиб, ота-оналарнинг бевосита иштирокида оила қуриш мақбул йўл сифатида қаралади. Ушбу ҳолат ҳамиша ҳам ижобий натижага бермаяпти. Айниқса, бугунги замонавий дунёда замонавий оилалар ҳосил қилишда. Агар ёшлар бир-бирлари билан мустақил равишда (таълим мұассасаларидан, ишда, таътилда, жамоат жойларида ва ҳоказоларда) танишсалар, барқарор оилалар яратилиши мүмкин, эҳтимол. Балки замонавий ота-оналар шу жиҳатни ҳам ҳисобга олишлари керак назаримда.

Зотан, никоҳнинг мустаҳкамлиги бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий-психологик сабаблар билан белгиланади. Бир-бирига бўлган ишонч ва феъл-авторларнинг ўзаро мослиги энг мұхимларидан ҳисобланади. Оилаларнинг бир хил маданий ва таълим даражаси, тенг моддий ва ижтимоий мавқеи оилавий ришталарнинг мустаҳкамлигини кафолатлади.

Оила бир жойда қотиб қолмайди, балки у мамлакат ва бутун дунё сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар таъсири остида ўзгариб боради. Farb ва баъзи мамлакатлардан фарқли ўлароқ оналиқ ва оталиқ, анъанавий моногамия, оила аъзолари ўртасидаги ҳурмат ва муҳаббат, оилада ёши катталарнинг алоҳида ўрни каби қадриятлар ўзбекларнинг замонавий оиласи учун ўзгаришсиз қолмоқда. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш ҳалқимиз ахлоқининг асосий тамойилидир. Шунга асосланиб холоса қилиш мумкинки, оила ўзбек ҳалқи учун қадриятдир. Бироқ шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, замонавий оиланинг мустаҳкамлиги ташки геосиёсий ва иқтисодий салбий омиллар таъсири остида бироз заифлашиши ҳам мумкин. Бундай бўлишининг олдини олиш учун тарғибот тадбирлари орқали ёшларни катта ҳаётга тайёрлаб бориш талаб этилади.

Оила жамиятнинг бирлиги сифатида унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Жамият ҳаёти ҳам оила ҳаёти билан бир хил маънавий ва моддий жараёнлар билан тавсифланади. Агар жамият ва давлатнинг оилавий сиёсати оиланинг ўзлуксиз ривожланишининг асосий шарти сифатида унинг субъективлигини шакллантиришга, шунингдек, уни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, оиланинг доимий равишда ўзгариб турадиган ташки шароитларга мослашиш жараёни тезроқ ва муваффақиятли бўлади.

Мухтасар айтганда, оила ноёб ва доимий қадриятдир. Ҳалқимиз ўзларини оила, севги-муҳаббат, болалар, ғамхўрликлар, оилавий ва қариндошлиқ муносабатларидан айри ҳис қилмайдилар. Оила бардавом ҳаётий қадрият, жамиятнинг ахлоқий таянчи, маънавият маскани, миллий анъана ва урф-одатларни асрраб-авайлаш маркази ҳамда муносиб авлод тарбиясини таъминлайдиган асосий ижтимоий институт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ — ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТУВЧИ СИФАТИДА

Д.М.Тешаев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти бош мутахассиси

Аннотация:

Ушбу илмий-тадқиқот ишида оилавий низо ва ажралишнинг олдини олишга йўналтирилган янги йўналиш-медиация институти ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, медиацияни қўллашнинг тарихий ривожланиш босқичлари, медиация институтини қўллаш бўйича илфор хориж давлатлар тажрибаси ва амалиёти, шунингдек, медиация амалиётининг афзалликлари таҳлил қилинган. Илмий-тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Бундан ташқари медиация институтини қўллашнинг устувор жиҳатлари билан бирга Ўзбекистонда ушбу институт фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳам кўрсатилган. Медиация, оила, оилавий низо ва ажралишлар, ихтиёрийлик, конфеденциаллик, хориж тажрибаси, «Медиация тўғрисида»ги Қонун, афзалликлар ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар.

Таянч сўзлар:

Аннотация:

В данном научном исследовании представлена подробная информация о новом институте медиации, направленное на предотвращение семейных конфликтов и разводов, анализируются исторические этапы развития использования медиации, опыт и практика передовых зарубежных стран в использовании медиации, а также преимущества практики медиации. В исследовательской работе описано содержание Закона Республики Узбекистан «О медиации». Помимо приоритетов института медиации также обозначены задачи, которые необходимо выполнить в Узбекистане для эффективной организации деятельности института.

Медиация, семья, семейные конфликты и разводы, добровольность, конфиденциальность, зарубежный опыт, Закон о медиации, преимущества и задачи.

Annotation:

This scientific study provides detailed information about the new institution of mediation aimed at preventing family conflicts and divorces, analyzes the historical stages in the development of the use of mediation, the experience and practice of advanced foreign countries in the use of mediation, as well as the benefits of the practice of mediation. The research work describes the content of the Law of the Republic of Uzbekistan «On Mediation». In addition to the priorities of the mediation institute, the tasks that need to be completed in Uzbekistan in order to effectively organize the activities of the institute are also outlined.

Mediation, family, family conflicts and divorces, voluntariness, confidentiality, foreign experience, Mediation Law, benefits and tasks.

Keywords:

Қадимдан бирон-бир оила, уруғ, маҳаллада низо келиб чиқадиган бўлса, ўша маҳалланинг ёши улуғ, барча хурмат қиласидиган аъзолари низолашаётган тарафларнинг орасини ислоҳ қилишга, низони тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилишган ва бу амалиёт ҳозирги

кунга қадар сақланиб қолган. Инсоният бир даврда, биргаликда яшаб, ҳаёт кечи-рар экан, албатта, низоли, зиддиятли вази-ятларга дуч келади. Шундай ҳолатда низо-лашувчи томонларнинг муросага келиши учун учинчи томон иштирок этади ҳамда ўзаро муносабатларнинг қайта тиклани-

шига маълум даражада ҳисса қўшади. Ушбу жараён ҳозирги давр адабиётларида медиаторлик деб номланиб, бунда томонлар ихтиёрий розилиги асосида жалб этилади.

“

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунида «медиация — келиб чиқсан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули; медиатор — медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс» дея таъриф берилган. Шундай қилиб, медиация — бу учинчи шахслар иштирокида низоларни суддан ташқари ҳал қилиш технологиясидир. Учинчи томоннинг иштироки низолашаётган томонларнинг ўзлари баҳсли масалаларига ечим топишига ёрдам бериш учун мўлжалланган фаолияти билан белгиланади.

Оилавий низоларни бартараф этиш жараёнида юзага келган медиаторлик фаолияти XX асрнинг иккинчи ярмида ривожлана бошлади. Дастлаб АҚШда пайдо бўлиб, кейинчалик бир қатор Европа мамлакатларига кириб келди. Оилавий низоларни бартараф этиш шаклидан бошқа муносабатлардаги низоли вазиятларга ҳам кўчди. Бугунги кунда дунё давлатларида жуда кўп низолар ушбу йўл воситасида ҳал этилади. Агар статистик маълумотларни таҳлил қиласидан бўлсак, дунёнинг аксарият давлатларида медиатор иштирокидаги ярашув 80% дан ортиқни ташкил этади[3].

Медиация низоларни ҳал қилишнинг бошқа усуллари, хусусан низоларни суд тартибида ҳал қилишдан ўзининг бир қатор афзалликлари билан ажralиб туради:

Биринчидан, низоларни медиация воситасида ҳал қилиш суд тартибида нисбатан анча қисқа муддатларда амал-

Ўзбекистон Республикасида медиацияни қўллаш доираси 2018 йил 3 июлда қабул қилинган, 2019 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган «Медиация тўғрисида»ги Қонун билан аниқ белгилаб қўйилган. Қонуннинг З-моддасига кўра, қуйидагиларга нисбатан медиация тартиб-таомиллари қўлланилади:

- фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ келиб чиқадиган низоларга;
- якка меҳнат низоларига;
- оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга.

га оширилади. Низоларни суд тартибида кўриб чиқиш учун кетадиган муддатнинг кўплиги муаммоси фақатгина Ўзбекистон учун тегишли эмас. Мисол учун, Италияда қуий турувчи судларда ишни кўриб чиқиш учун ўртача 3 йил керак бўлади. Агар суд қарори устидан шикоят қилинса, бу муддат 10 йилга чўзилади. Буюк Британияда 73% даъвогарлар Англия суд тизимининг урфдан қолганлиги ҳамда самарасизлигидан шикоят қилишади. Лондон шаҳридаги судлар томонидан ишни кўриб чиқиш учун камида 161 ҳафта, шаҳар ташқарисидаги судлар томонидан эса 195 ҳафта талаб этилади. «Медиация тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши

учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши кераклиги, зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу моддада медиацияни амалга оширишнинг энг узоқ муддатлари белгиланган. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда медиацияни амалга ошириш муддати бир иш кунини, баъзан бир неча соатни ташкил этади. Хусусан, 2018 ийл 30 ноябр ҳолатига кура, Сингапур медиация марказида томонлар ўртасида медиатив келишув тузилиши билан якунланган ишларнинг 90%дан ортиғи бир иш кунида ҳал қилинган[4].

Иккинчидан, танлов эркинлиги бўлиб, низолашаётган томонлар муросага келишлари учун ўзаро келишган ҳолда, ихтиёрий асосда ўzlари хоҳлаган холис ҳакам (медиатор)га мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу ҳолатда судга мурожаат қилинганда ушбу ҳудуднинг фуқаролик суди мазкур масалаларни кўриб чиқади. Ваҳоланки, суд орқали муаммо ўрганилганда низолашувчи томонларни танимаслиги, ҳақиқий ҳолатдан хабардор бўлмаслиги мумкин. Медиатор эса томонларнинг муаммолари билан яқиндан танишган, зиддиятли ҳолатнинг кузатувчиси бўлган бўлиши мумкин. Бу жиҳат эса муаммони одил ечишга, муаммонинг илдизини топишга кўпроқ ёрдам беради. Бундан ташқари, медиаторнинг якуний қарорни ишлаб чиқиши ва қабул қилишида томонлар бевосита иштирок этиши, ҳар икки томонга мақбул чоралар кўрилиши, шунингдек, натижадан ҳар икки томон қониқиш ҳосил қилиши энг муҳим хусусиятлардан биридир.

Учинчидан, медиация тартиб-таомиллари қўлланилганда ишга тааллуқли барча маълумотлар мутлақо сир тутилади. Ўртадаги низо ва унга оид фактлардан фақатгина тарафлар ва уларнинг вакиллари ҳамда медиатор хабардор бўлиши мумкин ва уларга қонун билан бу ахборотларни ошкор қилмаслик мажбурияти юклатилади. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўzlарига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмаслиги, медиация иштирокчилари ўzlарига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги, шунингдек, улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмаслиги, 25-моддасида медиацияни қўллаш чоғида медиатор тарафларнинг розилигисиз низонинг моҳияти бўйича ошкора баёнотлар беришга ҳақли эмаслиги, 27-моддасида агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкинлиги белгиланган. Махфийлик принципи айниқса оиласиб низолар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, медиация воситасида ҳал қилинадиган низоларда ҳар иккакала тараф учун ҳам мақбул келишувга эришилади. Суд тартибида кўриладиган низолар бўйича бир тараф фойдасига чиқарилган қарор иккинчи тарафнинг зиёнига хизмат қиласи. Натижада бир ишни кўриш апелляция, кассация, назорат тартиблари билан ойлаб, ҳатто йиллаб чўзилиб кетиши мумкин. Медиацияни қўллашда тарафлар ихтиёрий равишда медиатив келишув тузиш орқали низони ҳал қилиш йўллари ва усувлари, келишувда белгиланган мажбуриятларни бажариш муддатлари ҳамда ушбу мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини ҳам белгилаб қўйишлари мумкин. Хусусан, «Медиация тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш

шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилиши, медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибида ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши, медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақлилиги, медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши

2004-2005 йиллар давомида судларга 128 000 та даъво аризаси келиб тушган ва шулардан 62%и ўша давр оралиғида ҳал қилинган. Германияда эса, 4771 нафар қуий турувчи судьялар томонидан кўрилган ишлар бор йўғи 1416 нафар юқори турувчи судьялар томонидан апелляция тартибида кўриб чиқлади. Низоларни медиация воситасида ҳал қилиш судлар иш ҳажмининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Буни халқаро тажриба ҳам исботлайди. Хусусан, АҚШда 95%, Германияда 90%, Буюк Британияда 90-95% низоли ҳолатлар суд жараёнига қадар ҳал этилади. Хиндистонда Дехли ва



мумкинлиги белгиланган.

Бешинчидан, низоларни ҳал қилишда медиацияни қўллашнинг кенг ёйилиши судлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Иш ҳажмининг нореал даражада кўплиги барча давлатлар судлари учун умумий муаммо ҳисобланади. Жумладан, Хиндистонда ҳар бир судьяга 2147та иш тўғри келади. Кўриб чиқилиши керак бўлган ишларнинг умумий сони 31,280,000тани ташкил этади. Бу ишларнинг Хиндистон судлари томонидан кўриб чиқилиши 2330 йилга келиб тугалланиши мумкин. Хитой Халқ Республикасида 2012 йилда судлар иш юритуvida 200 000 дан ортиқ иш мавжуд эди. Жанубий Африкада

Банглор медиация марказлари ташкил этилган пайтда икки ой давомида 39 969 та ишни, Дубай медиация маркази эса, бир ой давомида судлар иш юритуvida бўлган ишларнинг 1/3 қисмини медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда кўриб чиқди. Бундан кўриниб турибдики, медиацияни қўллаш нафақат низолашаётган тарафлар, балки судлар учун ҳам ижобий таъсирга эга[4].

Ўзбекистон Республикасида медиаторнинг фаолияти профессионал ва но-профессионал асосда ташкил этилган. «Медиация тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида профессионал медиатор сифатида биринчидан, Ўзбекистон Ре-

спубликаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўқув курсидан ўтган, иккинчидан, Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс фаолият кўрсатиши мумкинлиги белгиланган. Нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин. Қиёслаш учун Россия Федерациясида ҳам медиаторлик фаолияти профессионал ва нопрофессионал асосда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидан фарқли ўлароқ, Россия қонунчилигига ҳар икки асосда фаолиятни амалга оширадиган медиаторлар учун ҳам ёшга доир талаблар белгиланган. Жумладан, Россия Федерациясида шахс профессионал медиатор бўлиши учун 25 ёшга, нопрофессионал медиаторлик фаолиятини амалга ошириши учун 18 ёшга тўлган ҳамда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиши лозим.

Хуроса қилиб айтганда, низоларни

ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида медиация халқаро тажрибада синовдан ўтиб, ўзининг бир қатор афзаллклари билан дунё мамлакатлари миллий қонунчилигидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Кўплаб давлатлар медиация тўғрисидаги ўзларининг қонунларини қабул қилишди ва мамлакат доирасида ҳамда халқаро миқёсдаги медиация марказлари ташкил этилди. Бунга Сингапур, Буюк Британия, Ҳиндистон каби давлатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажралишларнинг олдини олишда ушбу янги институтнинг имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти. Жумладан айрим ҳудудларида профессионал медиаторлар реестрига 30 га яқин медиатор киритилган. Шунингдек, медиация механизмларини қўллаш, низоларни ҳал қилишнинг ушбу усулидан жамоатчиликнинг хабардорлиги мавжуд эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: «Медиация тўғрисида»ги 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон Қонуни: <https://lex.uz/uz/docs/-3805227>
2. “Медиация как способ разрешения конфликтов”, Электронный вестник Ростовского социально-экономического института. Выпуск № 2 (апрель - июнь) 2016. Лысенко К.Н., магистрант Южно-Российского института управления – филиала РАНХиГС

ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ

2

SWISS Experience in providing continuity of professional education
Z.Y.Khudayberdiev, G.L.Damian-Timoshenco

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Функционалистик парадигма – узлуксиз таълимнинг миллый дастурларини TXCT дастурлари билан таққослаш ва мувофиқлаштириш воситаси

13

Р.Жўраев, Ш.Эргашев

Профессионал таълим тизими негизида дуал таълимни ташкил этиш имкониятлари
С.Ашурова, Т.Маматмусаев

18

Профессионал таълимда касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда таълим сифатини таъминлаш истиқболлари

22

М.Холмухamedов, Н.Юсупов

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз малакасини оширишнинг назарий-методологик асослари
Э.Жўраев

26

Дуал таълимда компетенцияларни баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари

33

Н.Каримова

Ишлаб чиқариш таълими усталарини касбий-педагогик ривожлантиришда тамойиллардан фойдаланишнинг аҳамияти

37

С.Уралов

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

41

Ўқувчиларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва таҳлилий қарашлар
И.Мирсаидов

45

The role of contextual learning in teaching
A.Azizova

48

Профессионал таълим педагог кадрлари малакасини оширишда масофавий таълимнинг ўрни
Б.Носиров

Профессионал таълим муассасаларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш имкониятлари

53

М.Худайберганова

Ўқувчиларнинг мустақил таълимни самарали ташкил этиш давр талаби

57

С.Убайдуллаева

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК

Ташки мөҳнат бозори эҳтиёжи асосида кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш

60

Ф.Машарипов

Педагогик технологиялар воситасида амалиётга йўналтириш методикасини тақомиллаштириш

66

А.Шарипов

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларнинг мустақил таълимни ташкил этиш методикаси

70

О.Алимназаров

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ-КЕЛАЖАК ТАЪЛИМИ

Профессионал таълим тизимида таянч компетенцияларни шакллантиришда интерактив ўқитиш усулларининг ўрни

74

З.Гафурова

Эстонияда професионал таълимни ташкил этиш йўллари

78

Н.Абдурахмонова, Н.Сирожиддинова

Мутахассисларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари

81

Д.Рахматуллаев

Рақамли технологиялар воситасида касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг педагогик воситалари

85

Э.Д.Имамназаров

Профессионал таълим – инновацион таълим тизимининг асоси

89

Г.В.Рахимова

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР

Замонавий оиласвий муносабатлар: ижтимоий ҳимоя, оиласвий низо ва ажримлар

92

С.Турсунов

Медиация институти-оиласвий низоларни ҳал этувчи сифатида

95

Д.Тешаев

ЎЗБЕКИСТОНДА – ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ –

2023 йил, 3-сон

Таҳрир ҳайъати раиси
Иброҳим Абдураҳмонов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Таҳрир ҳайъати раиси ўринbosари
Комилжон Каримов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг
биринчи ўринbosари

Бош муҳаррир
Зайниддин Худайбердиев

Профессионал таълимни ривожлантириши
институти директори

Таҳрир кенгashi аъзолари:

Рисбай Джураев
Қаландар Абдураҳмонов
Валерий Голубовский
Қаҳрамон Олимов
Нарзулла Муслимов
Екатерина Артамонова
Санобар Ашуроева
Марина Уразова

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,
фан ва инновациялар вазирлиги
хузуридаги Профессионал таълимни
ривожлантириш институти

Манзил:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
2-чимбой кўчаси, 96-уй.

Телефон: 71-246-90-37

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Журнал Ўзбекистондаги профессионал
таълим муассасаларига тарқатилади.

Ижодий жамоа:
Нодир Юсупов
Хусан Нишонов
Дониёр Тешаев

Дизайнер ва саҳифаловчи
Абдималик Абройқулов

Мазкур журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигидан 2022 йил 24 апрель куни №1591
рақами гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида
рўйхатдан ўтказилган ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан
2181-38-41 рақами ISSN олинганд бўлиб, обуна индекси: 1396.

Шунингдек, "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали
Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2023 йил 29 августдаги
342/2-сон қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Адади 1000 нусха. Буюртма №001

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

"Ўзбекистонда профессионал таълим"
журнали таҳририяти сизни ўзаро
ҳамкорликка таклиф этади.

Журналимиз саҳифаларида
профессионал таълим тизимини
ривожлантиришга, ўқув жараёнини
такомиллаштиришга қаратилган
илмий-услубий, таҳлилий мақолалар
нашр этилади.

Профессионал таълимда қўлланилаётган
инновацион технологиялар, касб-ҳунар
урганишга оид методик тавсиялар
ҳақида, шунингдек, жорий этилган
илғор тажрибалар ҳамда тизимда
амалга оширилаётган ибратли ишлар ва
янгиликлар ҳақида ўз фикрларингизни
биз билан ўртоқлашишингиз мумкин.

Ҳурматли профессионал таълим
фидойилари, устозлар!

Таҳририятимиз сиз билан ҳамкорлик
қилишдан жуда мамнун.


Мақолаларингизни қўйидаги манзиллар
орқали бизга юборинг,
тажрибаларингизни ҳамкасларингиз
билин бўлишинг!

Телефон: +99871-227-19-24

Мобиль: +99898-210-88-58

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Обуна индекси 1396



edu.profedu.uz

Методик таъминлаш платформаси

Платформанинг асосий саҳифалари:

Ўқув-меъёрий ҳужжатлар;
Дарсликлар;
Ўқув қўлланмалар;
Қўшимча адабиётлар;
Ўқитиш материаллари тўплами;
Қисқа муддатли курслар;
Методик тавсиялар;
Методик йўриқномалар;
Видео ресурслар;
Инфографикалар;
Сиз учун фойдали;
Муҳокама учун.

Ушбу ахборот тизими профессионал таълим муассасаларига онлайн методик таъминотни амалга оширади



prof-talim.edu.uz

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг
академик лицейлар ва профессионал таълим
муассасалари платформаси



[edu.profedu.uz](http://cgvet.uz)

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва
педагог ходимларининг фаолиятини методик
таъминлаш платформаси



[cgtvet.uz](http://my.moqt.uz)

Катталарга таълим бериш ва ўқитиш
халқаро дастури бўйича онлайн малака
oshiishi платформаси



[my.moqt.uz](http://help.edu.uz)

Профессионал таълимнинг масофавий
малака ошириш ва қайта тайёрлаш
платформаси



[help.edu.uz](http://vacancy.edu.uz)

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим
тизимига оид энг кўп бериладиган саволларга
жавоблар портали



vacancy.edu.uz

Олий ва профессионал таълим муассасаларида
мавжуд бўш иш ўринларига ҳужжатларни онлайн
юбориш платформаси



PROFESSIONAL TA'LIMNI
RIVOJLANTIRISH
INSTITUTI

